

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК 782**

**РАҲИМЖОНОВ БЕҲЗОД ДИЛШОДОВИЧ**

**“ЗАМОНАВИЙ БАЙРАМ ВА ТОМОШАЛАРДА ПРОГРЕССИВ  
ҒОЯЛАРНИ ТАРҒИБ ЭТИШ УСЛУБЛАРИ”**

**5A150401 – Режиссёрлик (оммавий тадбирлар режиссёрлиги)**

**магистр академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИ С С Е Р Т А Ц И Я**

**Илмий раҳбар:  
Педагогика фанлари номзоди,  
доцент Маликова С.С.**

**ТОШКЕНТ – 2014**

## МУНДАРИЖА

	<b>Кириш</b> .....	3
<b>I боб.</b>	<b>Ўзбекистон байрам ва томошаларида прогрессив ғояларни тутган ўрни ва ахамияти</b>	
1.	Жамият ривожига ижтимоий ҳаёт равақига прогрессив ғояларнинг шаклланиши .....	13
2.	Ўзбек миллий байрамларида халқ педагогикасининг тутган ўрни .....	22
	I боб бўйича хулоса .....	31
<b>II боб.</b>	<b>Миллий байрамлар орқали прогрессив ғояларни тарғиб этиш услублари</b>	
1.	Миллий байрам ва томошаларнинг ривожланиш босқичларида прогрессив ғояларни шакллантирувчи услублар.....	34
2.	Замонавий миллий байрам ва томошаларда прогрессив ғояларни тарғиб этишда турли жанрлардан фойдаланиш муаммолари .....	44
	II боб бўйича хулоса .....	67
<b>III боб.</b>	<b>Замон қаҳрамони, миллий истиқлол ғояси ва мафкураси асосида комил инсонни тарбиялашда прогрессив ғояларнинг устуворлиги</b>	
1.	Замонавий байрам ва томошаларнинг хронологик тахлили, композицион-ғоявий бирлик асоси .....	70
2.	Байрам ва томошалар драматургиясида хужжатли-фактологик материаллар ва тарихий таққослаш асосий мезон .....	80
	III боб бўйича хулоса .....	95
	<b>Хулоса</b> .....	98
	<b>Адабиётлар рўйхати</b> .....	103

*Агар биз дунё тарихига назар таилайдиган бўлсак, бошқа халқлар ҳам озодлик ва мустақилликни қўлга киритиш, миллий тикланиш, ўз давлатчилигини, ҳавас қилса арзийдиган фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш жараёнида ана шундай фазилатларга таяниб ва суяниб, барча соҳаларда - бу иқтисодиёт ёки ижтимоий ҳаёт бўладими, маданият, таълим-тарбия ва илм-фан бўладими - ўзининг беқиёс ички қобилият ва салоҳиятини ишга солиш, уни рўёбга чиқариш ҳисобидан тараққиётга эришганини кўрамиз.<sup>1</sup>*

***И.А.Каримов***

## **КИРИШ**

Тарбия тизимида байрам ўзига хос муҳим ва йирик тадбир саналади. Халқнинг энг яхши анъаналари, одатлари, ахлоқий қоидаларини ўзида мужассамлаштириши, сақлаши ва ривожлантириши билан ёшлар тарбиясида ҳам байрамнинг аҳамияти катта.

Ёшларнинг эстетик руҳда тарбия топишида халқ байрамлари, анъана ва маросим ҳамда урф-одатларнинг катта ўрни бор. Давлатимиз раҳбарининг “Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”<sup>2</sup> – деб таъкидлаган сўзлари, байрам ва маросимлар маънавият негизи эканлигини, маънавиятнинг бош мақсади эса тарбияга қаратилганлигини билдиради.

Шу сабаб сўнгги йилларда Республикада маънавият масаласига, хусусан маданият ва санъат, шу жумладан байрамларга бўлган эътибор кун сайин ошиб бормоқда. Чунки, байрам - ўзига хос, кўп томонли ижтимоий ходиса бўлиб, ҳар бир инсонни, жамиятнинг ҳаётини намоён этади. Унинг

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 26.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 29-30.

барча дунё халқлари орасида тарқалганлигидан, байрамларнинг инсон ва жамият учун ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган бебаҳо бойлик эканлигига амин бўламиз.

Муҳтарам юртбошимиз таъкидлаганларидек: “...Мустақиллик ва Наврўз байрамлари, «Шарқ тароналари» мусика фестивалига бағишланган асосий томоша ва тантаналарни тайёрлаш бўйича театр ва телевидение режиссёрлиги, бадиий-публицистик сценаристлик борасида улкан тажриба тўпланди. Ана шу бой тажрибаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, умумлаштириш ва шу асосда ёш ижодкорларни тарбиялаш бўйича зарур назарий ва ўқув-услубий базани шакллантириш, бугунги талабларга жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш юзасидан амалий ишларни кенг йўлга қўйиш бу муаммоларни ечиш имконини бериши шубҳасиз.<sup>1</sup>

Байрамлар энг қадимги даврлардан бошлаб инсон ҳаётининг энг муҳим таркибий қисмига айланган. Уларсиз инсоният ҳаётини мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди. Байрамлар халқ ҳаётининг энг яхши ва гўзал томонларини акс эттирувчи кўзгудир. “Байрам халқнинг шодлик ва хурсандчилик кунидир”<sup>2</sup> – деган эди Шарқнинг буюк олими Маҳмуд Қошғарий.

Дарҳақиқат, инсон ҳаётини байрамларсиз тасаввур қилиш жуда ҳам қийин. Ҳаётимиздаги ютуқлар, хурсандчиликлар, тантана ва шодиёналар, муҳим саналар оилада, маҳаллада, шаҳарда умуммиллий давлат миқёсида нишонланади. Республикамиз мустақилликка эришгач байрамларга бўлган эҳтиёж янада ошди. Азалдан дўстпарвар ўзбек халқининг байрамлари қонқариндош халқларнинг тарихий – маданий алоқалари жараёнида шаклланган ва ривожланган, бошқа халқлар байрамларига таъсир этган ва ўз навбатида, улар таъсирида бўлган.<sup>3</sup>

Ижтимоий зарурат асосида ривож топган ўзбек байрамлари катта тўсиқ ва қарама-қаршиликларга дуч келган.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б.146-147

<sup>2</sup> Маҳмуд Қошғарий. “Девону луғотит-турк”, 1 том. – Тошкент: Фан, 1963. –Б.447.

<sup>3</sup> Қорабоев У.Х. Ўзбекистон байрамлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1991. –Б.3.

Мустақиллик шарофати билан тақиқланган, унутилган халқ байрамлари тикланди. Айниқса, халқимизнинг маънавий бойлиги бўлмиш “Наврўз” ва “Меҳржон” байрамларининг тикланиши халқимизга олам-олам бахт келтирди.

“Байрам” – туркча сўздан олинган бўлиб, маросим, хурсандчилик деган маънони билдиради. Байрам сўзининг турли талкинлари бор. Бизнингча, фалсафий энциклопедияда берилган “Байрам – инсонлар хурсандчилигининг йиғиндиси”, - деган талкин энг тўғриси деб ҳисобланади.<sup>1</sup>

Байрам ижтимоий-маҳаллий ҳаётнинг энг муҳим қисмларидан бўлиб, шодиёна, хурсандчиликларни вужудга келтирадиган воқеаларни нишонлайди.

Оммавий байрамларнинг оммабоплиги шундаки, биринчи навбатда, у амалий намоиш этилганда, ўзининг чуқур ижтимоий – психологик илдизига эга эканлиги намоён бўлиб, саҳналаштириш жараёнида тасодифий хол ва элементларга йўл қўйилмайди.

Оммавий байрамлар баъзи бир ташкилотчи ёки ташкилотнинг хоҳишига қараб ўтказилмасдан, балки кенг халқ оммасининг байрамга бўлган маънавий эҳтиёжи туғилганда ўтказилса, ҳақиқий байрам томошаси юзага келади.

Мустақиллик ғояларини кенг халқ оммаси сингдириш, улардаги юксак фуқаролик тушунчаларини тарбиялашда оммавий байрамларнинг тутган ўрни беқиёсдир. Ҳеч қайси театр, ҳатто энг каттаси ҳам оммавий байрамлар инсонга таъсир қилгандек кўплаб халқ оммасига таъсир қила олмайди.

Ушбу дамда инсонларнинг хоҳ шаҳарда бўлсин, хоҳ қишлоқда бўлсин, байрамларда қатнашишга, бир-бирлари билан мулоқотда бўлишга интилишлари катта аҳамият касб этади. Айниқса истиқлол нашидасини сураётган мамлакатимизда, жамиятимиздаги манавий-сиёсий муҳит

---

<sup>1</sup> Аҳмедов Ф.Э.. Оммавий байрамлар режиссураси асослари. –Тошкент: Алоқачи, 2008. –Б.5.

баркамоллашиб, шахснинг бўш вақтини, унумли хордиқ чиқаришини тўғри ташкил қилишга катта аҳамият берилмоқда.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, оммавий байрамлар тарихи, айниқса Ўзбекистон байрамлари тарихи келиб чиқиш гинезиси, унинг турлари тўлиқ ўрганилмаган.

Бу соҳада биринчилардан бўлиб, фалсафа фанлари доктори, профессор У.Х.Қорабоев илмий изланишларида Ўзбекистон байрамлари фани ривожига ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Унинг “Ўзбекистон байрамлари”, “Ўзбекистон байрамлари тарихи” китобларида бу мавзуга чуқур, илмий ёндошилиб, байрамларнинг келиб чиқиш тарихи тўлиқ ёритишга ҳаракат қилинган.

Археологлар, тарихчилар, этнографлар, санъатшуносларнинг берган маълумотларига қараганда, байрамлар энг қадимги даврданоқ мавжуд бўлган ва ибтидоий одамлар ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Бу фикрни маданиятшунос олимлар ҳам эътироф этишади.

Д.М.Генкиннинг фикрича, “...Байрамларнинг чуқур илдизи инсониятнинг “тўдаклик” даврига бориб тақалади”.<sup>1</sup> М.М.Бахтиннинг таъкидлашича “Байрам – инсоният маданиятининг бошланғич шаклидир”.<sup>2</sup>

Дунёдаги барча халқларнинг, жумладан, Ўрта Осиё халқларининг анъана ва байрамлари уларнинг кундалик меҳнати, турмуш шаройити, маданияти ва шунингдек, яшаётган иқлим шаройитига ҳос хусусиятлар асосида шаклланиб ҳамда ривожланиб борган. Деярли барча халқларда меҳнат мавсуми ва меҳнат мавсумига киришдан олдин, ёзда – ҳосилни йиғиштиришдан олдин, кузда – ҳосил тўплагандан сўнг ва қишда айниқса далалар уйқуга кетган вақтда уюштириладиган мавсумий маросим ва байрамлар мавжуд бўлган ва улар замонга мос ўзгариб борган.

---

<sup>1</sup> Генкин Д.М. Массовых праздники. –Москва: 1975. –С.44.

<sup>2</sup> Бахтин М.М.. Творчества Франсуа Раблен народная культура средневековая и Ренесанса. –Москва: 1965. –С.11.

Борлиқда кескин икки қарама-қарши: ёруғлик ва қоронғулик, иссиқлик ва совуқлик, яхшилик ва ёмонлик каби томонлар бўлганидек, инсоният ҳаёти ҳам кундалик ташвишлар ва қувончлардан ташкил топади.

Дарҳақиқат, байрам шундай руҳий – эмоционал кайфиятни вужудга келтирадики, унда ҳамма (бошқа кунларга қараганда) хурсанд, шод ва бахтиёр бўлади. “Байрам, - деб ёзади олим А.И.Мазаев, - бу маълум вақтдаги идеал ҳаётдир”.<sup>1</sup>

Инсоният байрамлари ва жумладан ўзбек халқи байрамларининг энг яхши одатларига кўра, уларда қуйидаги афзалликлар ва диққатга сазовор томонлар мавжуд.

Байрам ҳаётнинг давоми, муҳим қисми, ундаги энг йирик ҳодиса, воқеа, саналарни қайд этади, уларни нишонлаш учун керакли имкониятлар яратади. Байрам – орзу, меҳнат, курашнинг ғалабаси. У инсоният босиб ўтган йўлларни чуқур англашга, ғалабаларидан фахрланишга, эртанги кунга яхши режалар тузиб, келажакка катта умид боғлашга ёрдам беради. Шу боисдан ҳам байрам арафасида кишилар бир-бирини табрикляшади, ютуқлар билан қутлашади, келажак ҳаётлари учун яхши истаклар билдиришади, ишларига муваффақиятлар, омад, бахт тилашади.

Байрамларнинг ижтимоий – сиёсий ва маданий аҳамияти шу билан белгиланадики, - деб ёзади профессор Э.В.Соколов, - у муҳим анъаналарни қўллаб, инсоният маданиятининг ютуқларини мустаҳкамлайди.<sup>2</sup> Байрамлар, ҳаётнинг энг диққатга сазовор элементлари, моддий ва маданий соҳалардаги энг яхши томонларининг кўрсаткичи ҳисобланади.

“Айнан байрам, - дейди профессор А.И.Арнольдov, - дунё маданиятига йиғилган энг қимматли бойликларни ўзида синтезлаштиради”.<sup>3</sup> Шунинг учун байрам инсоният маданиятининг энг муҳим шаклларида бири бўлиши билан бир қаторда уни ривожлантиришдаги самарали восита ҳисобланади.

<sup>1</sup> Мазаев И.А.. Праздник как социально-художественное явление. –Москва: Наука, 1978. –С.172.

<sup>2</sup> Соколов Э.В.. Свободное время и культура досуга. –Ленинград: 1977, -С.85.

<sup>3</sup> Арнольдov А.И.. Вступительная статья. – Вкн: Жигулский К, Праздник и культура. –Москва: Прогресс, 1995, -С.5.

Ўзбекистонда ижтимоий-маданий ҳаётнинг тараққиёти натижасида, кишиларнинг замонавий эҳтиёжи, давр талаби замида унутилган байрамлар тикланиб, янги замонавий байрамлар юзага келмоқда. Бу байрамларнинг барчаси прогрессив ғоялар билан суғорилган.

Оммавий байрамлар, халқ маданиятининг таркибий қисми бўлиб, инсоният яратган энг яхши прогрессив халқ анъаналарини сақлайди, ривожлантиради, тарғиб қилади. У оммани маданият намуналаридан баҳраманд бўлишига шароит яратибгина қолмай, унинг маданий ҳаёт қурувчисига айланишига ҳам кўмаклашади, маданий қиёфаси – хулқ-атвори, одоби ва ахлоқининг шаклланишида қулайликлар яратади.

Оммавий байрамларнинг табиатини таҳлил қилишда – социология, педагогика, психология ва санъатшунослик жиҳатидан баҳо бериш лозим. Оммавий байрамнинг ҳар бир томони ўзига хос қизиқдир, лекин унинг педагогик аспекти ўзгача диққатни жалб қилиб, ҳозирда тарбия воситаси сифатида ишлатилмоқда.

Байрамларда маънавий-маърифий, эстетик таъсир қилиш тарбиянинг асосий мезонларидан бўлиб, унда эзгулик, гуманизм, дўстлик, меҳр-муҳаббат, меҳнатни эзозлаш, ватанпарварлик, табиатни асраш каби ғоялар асосий олий мақсад сифатида шаклланган.

Ушбу илмий тадқиқотда биз замонавий байрам ва томошаларда прогрессив ғояларни тарғиб этиш услубларини илмий таҳлил қилиб очиб беришга ҳаракат қилдик.

**Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги:** Ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлиб келган маънавият маъно-мазмуни, унинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу мураккаб ва серқирра тушунчанинг назарий томонлари, унинг ҳар томонлама етук, юксак фазилати, ватанпарвар, эрксевар, миллатпарвар, ўз халқини севган ва бошқа миллат вакилларининг ҳурматини жойига қўядиган инсонларни тарбиялашда оммавий байрам ва томошаларнинг аҳамияти жуда ҳам катта бўлган. Истиқлол йилларида ҳам демократик фуқаролик жамияти

асосларини яратишда, баркамол ёшларни тарбиялашда, ахлоқий тамойилларининг мазмун-моҳиятини ўрганишда, ҳар томонлама таҳлил қилишда оммавий байрам ва томошалар асосий восита ҳисобланади.

Байрам ва томошаларда прогрессив ғояларни тарғиб этиш, замон қаҳрамони образини яратиш, миллий истиқлол ғояси ва мафкураси асосида комил инсонни тарбиялашдек ғояларни таҳлил қилиш диссертациянинг долзарблигини ташкил этади.

**Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши:** Тадқиқот объекти қилиб, ватанимизда ўтказилаётган турли байрам ва томошалар олинди.

Тадқиқот предмети қилиб, байрам ва томошаларда прогрессив ғояларни тарғиб қилиш усуллари олинди.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари:** Замонавий байрам ва томошаларда инсонга меҳр-муҳаббат ва иззат-ҳурмат кўрсатиш, инсонни ҳар томонлама камол топишида прогрессив ғояларнинг тутган ўрнини очиб бериш мақсад қилиб олинган.

Ҳозирги пайтда, прогрессив ғоялар асосида ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш, миллий ўзлигини англаб етишга, фидойиликка, инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини шакллантира олиш тадқиқотнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари:** Тадқиқотнинг асосий масалалари:

1. Замонавий байрам ва томошаларда прогрессив ғояларни тарғиб этишдаги тутган ўрнини аниқлаш.
2. Прогрессив ғояларни шакллантирувчи усулларини белгилаш.
3. Байрам ва томошаларда прогрессив ғояларни тарғиб этишда турли жанрлардан фойдаланиш муаммоларини ҳал этиш.
4. Замонавий байрам ва томошаларнинг композицион-ғоявий бирлигини аниқлаш.

5. Байрам ва томошалар драматургиясида хужжатли-фактологик ва тарихий материалларни таққослашнинг асосий мезонини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг фаразлари: Комил инсонни тарбиялашда прогрессив ғояларнинг устуворлигини, байрам ва томошалардаги омманинг ижтимоий-маданий фаоллиги турли услублар ёрдамида ошириш. Бу борада байрам ва томоша ғоясини, шаклини асраб қолиш, ривожлантириш асосий услуб ҳисобланади.

**Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили:** Илмий тадқиқотда И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон мустақиллика эришиш остонасида”, “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”, “Маънавий юксалиш йўлида”, “Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз”, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Баркамол авлод орзуси”, Н.Комиловнинг “Инсон миллат келажаги”, М.Бахтиннинг “Творчества Франсуа Рабле и народная культура средневековья Ренессанса”, Д.Генкиннинг “Массовые праздники”, У.Қорабоевнинг “Ўзбекистон байрамлари”, А.Мазаевнинг “Праздник как социально-художественное явление”, Э.Ғозиевнинг “Умумий психология”, Э.Гиддинсинг “Социология”, А.Фаробийнинг “Фозил одамлар шарҳи”, А.Бегматовнинг “Миллий ғоя тарғиботи ва маданий-маърифий тадбирлар”, Ф.Аҳмедовнинг “Оммавий байрамлар режиссураси асослари”, Э.Юсуповнинг “Инсон камолотининг маънавий асослари”, И.Сайфиназаровнинг “Иқтисодий ва маънавий манфаатлар уйғунлиги ва баркамол авлод тарбияси”, И.Тумановнинг “Особенности режиссуры массовых представлений” каби адабиётлардан;

Бадий фаолиятда омма билан санъатнинг алоқасидаги услублар борасида Б.Ананьев, А.Бодолев, Л.Выготский, В.Дранков, Л.Коган, Б.Сайфуллаев, В.Симонов, К.Соколов, В.Петров, А.Конович, М.Ариарский, Д.Генкинларнинг илмий изланишлари ўрганилиб, таҳлил қилинди.

### **Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи:**

Тадқиқотда анкета, кузатиш, таҳлил қилиш, сўров услубларидан фойдаланилди.

### **Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти:**

Тадқиқотда юртимизда ўтказилаётган “Мустақиллик”, “Наврўз”, “Меҳржон”, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Унивесиада” ҳамда халқ сайил томошалари “Асрлар садоси” тадбирлари, “Шарқ тароналари” халқаро мусиқий фестивали томошалари назарий ва амалий таҳлил қилинди.

Илмий таҳлил қилиш натижасида прогрессив ғояларни тарғиб этишнинг услублари ўрганилиб, бу борадаги истикболлар ишлаб чиқилди. Байрам ва томошалардаги турли жанрлардан фойдаланиш, драматургиядаги композицион бирлиги, хужжатлар билан ишлаш муаммолари ўрганилиб, тегишли хулосалар асосида тадқиқотнинг асосий методологияси ишлаб чиқилди. Бу мавзунини ўрганишда умумий тенденциялар тизимли равишда таҳлил қилиш ва прогнозлаш методларидан унумли фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:** Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

- маънавий-ахлоқий қадриятларни байрам ва томошаларда аҳамиятини янада ошириш;
- аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялаш;
- ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, инсонни шакллантириш;
- шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда фаолият юритиш;
- байрам ва томошаларнинг композицион тузилишини, ғоявий жиҳатдан кўриб чиқиш;

– байрам ва томошалардаги замон қаҳрамони, миллий истиқлол ғояси ва мафкураси асосида прогрессив ғояларни тарғиб этишни услубларини ишлаб чиқиш ва тарғиб этиш;

– халқи, юрти қадр-қиммати, ор-номусини англаш ва ҳимоя қилиш.

**Диссертация таркибининг қисқача таснифи:** Диссертация уч боб, олти параграф, ҳар бир боб хулосаси, хулоса, илова ва адабиётлар рўйхатидан иборатдир.

# I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН БАЙРАМ ВА ТОМОШАЛАРИДА ПРОГРЕССИВ ҒОЯЛАРНИ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

## 1.1. Жамият ривожда, ижтимоий ҳаёт равнақида прогрессив ғояларнинг шаклланиши

Бугунги кунда, оламнинг глобаллашуви даврида, байрам ва томошалардаги прогрессив ғояларнинг тутган ўрни ва аҳамияти янада ошиб бормоқда. Хўш, прогресс сўзининг маъноси нима?

Прогресс (лотинча *progrus*) – олдинга ҳаракат қилиш, пастдан юқорига, янгиликка интилиш деган маънони билдиради. Прогрессив – дегани мукамаллика элтиш, ўсиш деган маъноларни билдиради. Шундай экан, ҳозирда ижтимоий ҳаётимизда маънавият масаласи асосий масалалардани бирига айланди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бу масалага катта ва узлуксиз эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ҳар бир нутқи ва маърузалари, мақола ва асарларида юксак маънавият келажак пойдевори эканлиги қайта-қайта таъкидланмоқда. “Зеро, - деб уқдиради Ислам Каримов, - биз келажакимиз тараққиётини фақатгина иқтисодий, ижтимоий, фаровонлик билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отиши билан баҳолаймиз”.<sup>1</sup>

Эркесвар халқимиз мустақиллик туфайли ўз ери, ўз тили, ўз динига эга бўлди. Миллий ғурури, иззат-обрўси тикланиб, эндиликда қадриятларимиз, маънавий меросимиздан баҳраманд бўлмоқдамиз. Мустақиллик ва маънавият бир-бирига ғоят боғлиқ тушунчалардир. Маънавияти буюк халқни қул қилиш, абадий истибдод зулми остида сақлаш мумкин эмас. Бундай маънавиятнинг камол топиши, қалбларга сингиши учун мустақилликни мустаҳкамлаш ҳам лозим бўлади. Қудратли келажак буюк давлат, буюк ижтимоий-иқтисодий ислохатлар қудратли маънавият замирида вужудга келади. Ҳар бир алоҳида шахснинг ва бутун

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Келажакни жасоратли одамлар қуради. “Халқ сўзи” газетаси. 1999, 17 февраль.

миллатнинг маънавий камолоти орқали демократик ҳуқуқий давлат барпо этилади. Давлатимиз раҳбари шу боис ҳам маънавият ва маърифатга доимо катта эътибор бериб келмоқда. Шу оқилона сиёсат туфайли халқимиз ўзлигини таниб, ўз шажарасини идрок этмоқда, тарих олдидаги вазифасини англаб олмоқда.

Инсон маънавиятини юксалтирмасдан туриб, халқимиз ҳаёти ва турмуши юксалишида, ҳамда мамлакатимиз тараққиётида муваффақиятларга эришиш қийин.

Ўзбекистон бозор муносабатларига тўла ўтаётган даврда маънавий-ахлоқий кадриятларнинг аҳамияти тобора ўсиб бораётганлиги маънавий баркамол авлодни тарбиялашнинг энг долзарб масала сифатида кун тартибига қўймоқда. Бозор муносабатларида ҳам юксак маънавиятли, одоб-ахлоқли, иқтидорли, билим савияси юқори ва чуқур, зукко, ишбилармон, ишчан кишилар зарур. Қашшоқ маънавият, маънавий-ахлоқий султ, билим савияси юзаки ва паст, ишнинг кўзини билмайдиган кишилар бозор муносабатларида кўзлаган мақсадга эриша олмайдилар. Бундан хулоса шуки, ҳеч кечиктирмай, иккиланмай маънавий-маърифий тарбия масаласи ҳақида ўйлаш, уни тўғри йўлга солиш вазифаси келиб чиқади. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси. Бу ҳақда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир» деган чуқур маъноли сўзларини эслайман. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади”.<sup>1</sup>

Шунинг учун юртимизда ўтказилаётган байрам ва томошалар драматургиясида, сценарий яратиш жараёнида, ғоя ва олий мақсадни

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б.62.

аниқлашда, эмоционал таъсир қилувчи таъсирчан воситаларни, бадий материални тўғри танлай билиш, йўналтира олиш муҳимдир. Бу ишни амалга ошириш сценарист ва режиссёрга боғлиқдир.

Ўрта асрда буюк Шарқ мутафаккири Абу Наср ал Фаробий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида адолатли, бахтли жамият куриш ҳақида бир қатор теран фикрлар билдирган. У ҳар давлатни фазилатли ёки идеал, ҳамда фазилатсиз шаҳар, давлатларга ажратган. Фаробийнинг фикрича, баркамоллика эришган жамиятларда эркинлик ва тенг ҳуқуқлилиқ ҳукм суриши керак. Фазилатли шаҳар аҳолиси ўз ҳокимини сайлаш ва истаган пайтда уни ваколатларидан махрум қилишга ҳақлидир. Фазилатли шаҳар ҳокими ўз фаолиятида адолат, тенг ҳуқуқлилиқ ва умумнинг раванк принципларига таянади. “Фозил одамлар шаҳри” асарида шундай доҳиёна сўзлар бор: “Одамларнинг уюшишидан ўзаро ёрдам орқали бахтга эришиш мақсади кўзланган шаҳар фазилатли шаҳар, бахтга эришиш йўлида одамлар бир-бирига ёрдам кўрсатадиган жамият фазилатли жамиятдир. Саодатга эришиш йўлида барча шаҳарлари бир-бирига кўмаклашадиган халқ фазилатли халқдир. Башарти, халқлар саодатга эришиш йўлида бир-бирига ёрдам қўлини чўзса, курраи замин фазилат касб этажак”.<sup>1</sup>

Ўзбек халқи барча даврларда донишмандлик, билимга чанқоқлик, ҳақиқатнинг тагига етишга интилишни ардоқлаб келган. Буюк ўзбек шоири, мутафаккири, олими ва давлат арбоби Алишер Навоий ўз асарларида билим, меҳнатсеварлик ва ижодни қуйлаган. “Билим ва донишмандлик инсоннинг фазилатидир”, деб ёзади у.

Ўзбекистон ўз буюк аждодларининг ўғитларини ёдда тутиб ва халқнинг асрий анъаналарини ардоқлаб, фан, илмий ижод ва илмий муассасалар демократик ислохотларда муҳим ўрин тутди.

Ҳар қандай халқ ёки миллатнинг маънавияти муайян қадриятларнинг муайян тартибда, даражада ва йўсинда тизими холига келишидан ташкил топади. “Ёш авлодни” маънавий, ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой

---

<sup>1</sup> Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкен: Фан, 1993. – Б.223.

миллий, тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий кадриятларига асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштирилиб борилади.

Барча халқларнинг маънавияти ҳам, маърифати ҳам асосан бир хил кадриятлар тизимидан иборат. Бу тизим сирасига озодлик, тинчлик, хотиржамлик, лафз, эътиқод, орият, фаровонлик, катталарга хурмат, ҳамкорлик, адолат, меҳмондўстлик сингари кадриятлар киради. Лекин, айтилиши мумкин, бир хил кадриятлардан ташкил топишига қарамай, турли халқларнинг маънавияти ҳам, маърифати ҳам ўзига хос бўлади. Биринчи боис шуки, ўша айтилиши мумкин, бир хил кадриятлар маънавиятда ҳам, маърифатда ҳам ўзига хос бўлиши мумкин. Шунинг учун айтиши мумкин, барча миллатларнинг маънавияти ва маърифатида деярли бир хил кадриятларнинг жамланиши, миллий маънавият ва маърифатларнинг умуминсоний асосини ифодалайди ва уларнинг ҳар биридаги ҳар бир кадрият турлари даражада ривожлангани ва ўзаро турли бўлиши миллийликни ифодалайди.

Маънавият жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади, чунки маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу ўз навбатида шахснинг баркамол ривожланиши учун зарур бўлган замин бўлиб хизмат қилади. Буни чуқур ҳис қилган ва ўз қалбидан ўтказган Президентимиз Ислам Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин она заминимизда демократик жамиятни қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва

ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришни миллий-маънавий тикланиш билан уйғун ҳолатда бўлиши кераклигини ҳам илмий асослаб берди. У ўзининг мукамал, фундаментал дастур бўлган “Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёти” номли асарида мустақилликдан кейин Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий соҳасидаги стратегик вазифаларни ҳам белгилаб берди.

Ислом Каримов ушбу асарида мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини белгилаб берар экан, “Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади” – деб кўрсатади ва қуйидагиларни белгилаб беради:

-умуминсоний кадриятларга содиқлик;

-халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

-инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

-ватанпарварлик.

“Халқимиз адолат, тинчлик, аҳил-қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, замонамизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратишдир”.<sup>1</sup>

Кўришиб турибдики, Президентимиз ўз асарида маънавиятимизни ривожлантириш вазифаларини белгилаб берган.

Ислом Каримов халқимизнинг буюк фазилатлари ҳақида тўхталиб, инсонпарварликнинг ўзбекларга ҳос қирраларини кўрсатиб беришга эътиборини қаратди.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А.. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура. –Тошкент: Ўзбекистон. 1996. – Б. 74.

Президентимизнинг асарларида илгари сурилган концептуал ғояларни умумлаштирадиган бўлсак, улар қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- маънавий мерос ва диний қадриятларни чуқур ўзлаштириш, миллатимизни ўз-ўзини англашига эришиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини изчиллик билан мустаҳкамлаш;

- мустақиллик шароитида миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантириш ҳамда уни халқимиз дунёқарашига айланишига эришиш;

- таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини амалга ошириш асосида баркамол авлодни шакллантириш, соғлом авлод дастурини амалга ошириш асосида жисмонан бақувват, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур ватанпарвар авлодимизни шакллантириш;

- миллий-маънавий салоҳиятимизнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини тиклаш ва бугунги кунда маънавият, маърифат, фан, техника, технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш асосида ҳозирги замон умумжаҳон маънавияти тизимига ҳисса қўшиш;

- ёшлар маънавиятини миллий истиқлол ғоялари билан бойитиб бориш, улар онгида мафқуравий иммунитетни кучайтириш;

- инсоният асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларни миллий-маънавий салоҳиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш кабилардир.

Аждодларимиздан қолган мерос ҳар бир миллатнинг нафақат ўтмиши, шунинг билан бирга истиқболи учун ҳам куч, фидойилик ва илҳом манбайи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон деб аталувчи худуд, яъни бизнинг ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири деб тан олинмоқда. Бу қадимий ва табарруқ тупроқда буюк алломалар, фозилу-фузалолар, олиму-уламолар, сиёсатчилар етишиб чиққан.

Маданий меросимизни чуқур ўрганиш, миллий-маънавий тикланишимизнинг бош вазифасидир.

Ислон Каримов миллий мафқуранинг миллий-маънавий тикланиш ва мамлакатимизда демократик жамият қуришдаги аҳамияти ва ролини илмий асослашга катта эътибор қаратади. Миллий мафқура миллатни бирлаштиради, мафқурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади.

Миллий мафқура воситасида эл-юрт бирлашади ва ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади – деб таъкидлайди.

Миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишлик асосий вазифа ҳисобланади.

Мамлакатимизда ана шу буюк муаммоларни ҳал этиш жараёни кетмоқда. Уларни муваффақиятли ҳал этишда, эртанги кун давомчилари бўлган, ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишда оммавий байрам ва томошаларнинг ўрни жуда ҳам аҳамиятли. Байрам ва томошалардаги санъатнинг таъсирчан воситалари, инсонларга катта таъсир қила оладиган эмоционал таъсир кучига эгадир. Шунинг учун Президентимиз байрам ва томошаларга, санъатга катта эътибор бермоқда. Охирги йилларда маданият ва санъат ривожини борасида чиқарилган фармонлар, айниқса сахнада, экранда замон қаҳрамони образини яратиш каби тақлифларни ижодкорлар муҳокамасига қўйилиши бунинг исботидир.

2012 йил Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг ташкил қилиниши, санъат борасидаги ижодкор ёшлардан янада мукамал билимга эга бўлган ижодкорларни тайёрлашга қўйилган қадам бўлди.

Ушбу борада миллий-маънавий тикланишимизда ёшларимиз маънавиятини юксак даражага кўтариш, уларнинг ҳозирги замон фан, техника ва технология ютуқларини чуқур ўзлаштиришлари катта омил эканлиги Президентимиз томонидан илмий асосланган.

Ҳақиқатдан ҳам жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибалари кўрсатиб турибдики, қайси мамлакат ёшлари замонавий фан, техника ва

технология ютуқларини қанчалик мукамал эгалласа, мамлакат тараққиётига қўшадиган ҳисалари шунчалик самарали бўлади, маънавият юксалади ва мамлакатнинг ҳозирги замон жаҳон цивилизация тизимига кириб бориши тезлашади.

Маънавиятнинг инсон ва миллат камолотидаги ҳамда жамият тараққиётидаги ўрнини аниқ билиб олиш ҳамда шу асосда уни ривожлантириш, унинг моҳиятини ҳамда мазмунини илмий таҳлил қилишни тақозо этади.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, собиқ шўролар тизими шаройида маънавият бугунги ҳолатда ўрганилмаган. У маънавий маданиятнинг тармоғи сифатида ёки олимлар асарларида тилга олинган холос.

Бу жуда мураккаб масалага шу даражада эътиборсизлик атайлаб қилинган. Чунки у шахс ва миллатнинг ички руҳий салоҳияти билан боғлиқ бўлган омилдир, шунинг учун шахснинг руҳий оламига кириб бориш, уни мустақил фикр юритишга, миллатнинг эса маънавий-руҳий оламини юзага чиқариш, унинг ўзини-ўзи англашга, ўз мустақиллигини кўлга киритиш ва ўзи хоҳлаган тараққиёт йўлидан боришга йўл қўймаслик давлатнинг расмий сиёсати даражасига кўтарилган эди.

Тўғри, миллий маданият ҳақида кўп ёзилган ва кўп гапирилган, аммо номи айтилса ҳам амалда ягона совет адабиёти, санъати, ахлоқи ва ҳоказолар шаклида акс эттирилган. Бундан кўзланган мақсад шахс ва миллатни маънавий қашшоқ қилиш, уни тоталитаризм тизимига хизмат қилдириш ва итоатда ушлаб туриш эди.

Маънавият ўз-ўзидан шаклланадиган нарса эмас, у аввало ҳар бир инсоннинг ички маънавий салоҳиятини шакллантириш йўлида ҳалол фидойилик билан меҳнат қилиш жараёнида шаклланади. Жумладан И.А.Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги “Ўзбекистон XXI асрга интиломқда” мавзусидаги маърузасида маънавият тушунчасига қуйидаги фундаментал таърифни беради: “Маънавият ... инсонни руҳий покланиш ва

юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойтадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний куч”дир.<sup>1</sup>

Бу таъриф ўзининг мазмуни ва моҳияти билан маънавият тушунчасини ўзида тўла акс эттирган. Унда инсоннинг руҳий оламини ифодаловчи барча компонентлар ўз ифодасини топган ва унинг инсон баркамоллигини таъминлашдаги катта куч эканлигини белгилаб берилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ижтимоий ҳаёт равнақида, ахлоқий тамойиллар, ахлоқий онг шакллари катта аҳамиятга эга. Уларда ахлоқий талаб нисбатан умумий қўйиладиган талаб тарзида намоён бўлиб, инсоннинг ахлоқий моҳиятини, унинг ҳаёти мазмунини, одамлар билан ўзаро алоқалардаги асосий жиҳатларни белгилаб беради. Натижада, ахлоқий ҳолда, кўпгина ахлоқий меъёрлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Ахлоқий тамойилларнинг энг қадимий ва энг муҳимларидан бири – инсонпарварликдир. У инсоннинг юксак ижтимоий вазифасини белгилайдиган ва барқарор этадиган ғоялар, қарашлар ва эътиқодлар мажмуи, шахс эрки, кадр-қиммати, унинг бахтли бўлиш ҳуқуқини талаб этиш имконининг мавжудлигига енгилмас ишончдир.

Агар инсонпарварлик тамойили шахснинг барча инсоний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясида турса, яъни анча кенг қамровли ва умумий интилиш бўлса, эркпарварлик тамойили унинг маълум маънода муайянлашган бир қисми ҳисобланади. Эркпарварлик инсоннинг энг олий ҳуқуқи – эркин, озод яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиши билан муҳимдир. Зеро, эрксиз инсон – асир, эрксиз миллат – қул, эрксиз мамлакат – мустамлака. Эркпарварлик, аввало, ўз миллати, ўз Ватани эрки учун, қолаверса бошқа миллатлар ва Ватан эрки курашни ҳаётининг мақсади қилиб қўйган инсонлар тамойилидир.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А.. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –Б. 43.

Эркпарвар инсон қулликнинг, мутеликнинг ҳар қандай кўринишини инкор этиши барқарорида, инсон ҳуқуқларининг том маънодаги жангчисига ҳам айланади.

Одатда эркпарвар шахслар муайян даврнинг қаҳрамонларига айланадилар. Зеро, улар ўзгалар эрки учун ўз эркини, ўз ҳаётини қурбон қилишдан ҳам чўчимайдилар.

Ватан ҳимояси, бу инсон ҳимояси, миллат ҳимояси. Лекин бу ҳимоя, юқорида айтганимиздек, фақат жанг майдонида эмас, балки барча соҳаларда ҳам намоён бўлиши мумкин. Ҳар жабҳада Ватан эришган муваффақиятлар қувонч, муваффақиятсизликлардан қайғу ҳисси, Ватан билан ғурурланиб, унинг ҳар бир ерига, биносининг ҳар бир ғиштига, қадимий обидаларига, илм, фан ва санъатдаги ютуқларига меҳр билан қараш, уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш булар ҳаммаси ватанпарварликдир.

Ватанпарварлик тамойили Ватан тушунчасини фидойиларча идрок этиш, муайян ҳудуд ва халққа муҳаббат ҳисси сингари омиллар билан боғлиқ.

Ватанпарварлик тамойили ҳаётий туйғуга эмас, балки муайян ватандош – инсонларга бўлган муҳаббатга асосланган ахлоқий ҳатти-ҳаракатлар мажмуидир. Шу жиҳатдан қараганда, мамлакатимиздаги барча миллатлар тенглигини эътироф этувчи, миллатидан қатъи назар ҳаммамиз бир Ватан фарзандлари эканлигимизни таъкидловчи Конституциямизнинг ана шундай демократик тамойилларга асосланиши, юксак ахлоқий заминга эгаллиги эътибор ва эъзозга лойиқдир.

## **1.2. Ўзбек миллий байрамларида халқ педагогикасининг тутган ўрни**

Ўзбек халқ байрамлари узоқ ва бой тарихга эга. Агар тарихчи-маданиятшунос олимларнинг “Байрам инсон билан бирга пайдо бўлган ва ривожланган” деган фикрига таянсақ, байрамлар куртакларини энг

кадимий полеолет давридан, яъни Ўрта осиеда одам зоти пайдо бўла бошлаган – 500 минг йил аввалги вақтдан изласа бўлади.

Археологлар, тарихчилар, этнографлар, санъатшунослар берган маълумотларга қараганда, байрамлар энг қадимий даврлардаёқ мавжуд бўлган ва ибтидоий одамлар ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Масалан, Д.М.Генкиннинг фикрича, “...байрамларнинг чуқур илдизи инсониятнинг “гўдаклик” даврига бориб тақалади”.<sup>1</sup> Ёки М.М.Бахтиннинг таъкидлашича, “Байрам – инсоният маданиятининг бошланғич шаклидир”.<sup>2</sup>

Маълумки, инсон ўз меҳнати туфайли ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиққач, яшаш учун кураш жараёнида қанчалик онгли меҳнат қилса, у шунча муваффақиятларга эришган. Кураш ва меҳнатда эришилган муваффақиятлар эса ҳурсандчиликни вужудга келтирган.

Г.В.Плехановнинг таъбири билан айтганда: “Ўйин – меҳнат фарзанди”<sup>3</sup> бўлиб вужудга келган. Маълумки деҳқонларнинг ҳаётида энг қувончли воқеа – бу ҳосилни йиғиш ва янги ноз-меъматларни татиб кўриш жараёни бўлган. Йил бўйи кутилган бундай жараён, табиийки, деҳқонларда байрам кайфиятини вужудга келтирган. Бундай кўтаринки кайфиятни ҳаракатларда акс эттириш мақсадида кишилар ўйинлар ва маросимларни ташкил қилган. “Меҳнат ўйинлари” яхши кайфият, яъни кенг маънода айтганда, байрам ҳолатини вужудга келтирган. Бронза даврларидан бошлаб ўтроқ деҳқончиликнинг вужудга келиши ва унинг тез ривожланиши натижасида баҳорда меҳнат мавсумига киришиш, кузда ҳосилни йиғиб олиш якунига бағишланган байрамлар шу тариқа юзага келиб, улар йиллар ўтиши билан анъанага айлана бошлаган.<sup>4</sup>

Шундай қилиб, меҳнат – бу байрамнинг бош манбаи, асл замири ҳамда илк чашмаси саналиб, байрам (ёки байрам ҳолати) ибтидоий даврдан бошлаб, “яшаш учун кураш” – меҳнатнинг натижаси шаклида

---

<sup>1</sup> Генкин Д.М. Массовые праздники. –М: 1975. –С.44.

<sup>2</sup>Бахтин М.М. Творчества Франсуа Ребла и народная культура средневековья и ренессанса. – М: 1965.- С.11.

<sup>3</sup> Плеханов Г.В. Искусство и общественная жизнь. –М: 1953. –С.69.

<sup>4</sup> Қорабоев У.Х. Ўзбекистон байрамлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1991.-Б.10.

вужудга кела бошлаган. Бундай ҳолат байрамнинг содда шакли сифатида намоён бўлишига қарамай, кейинчалик у инсон маданияти ва санъатини ривожлантириш учун замин яратиб берган. Чунончи, бундай байрам ҳолати жараёнида турли ўйинлар (театр ва рақс, пантомима санъатларининг примитив кўринишлари) ва махсус маросимлар ривожланди.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тереториясида яшовчи халқларнинг байрамларини ўрганишда X-XI асрларда яшаган буюк энциклопедист олим Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асари муҳим роль ўйнайди. Беруний ўзининг бу асарида қадимий эронийлар, сурияликлар, христианлар, хиндлар ва бошқаларнинг календарисидаги машҳур кунлар, хайитлар ва одатлар ҳақида тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган бебаҳо фикрлар қолдирган.

Айниқса, Исломгача бўлган “Наврўз”даги оддий халққа тегишли бўлган одатларни кўрсатиб ўтгани диққатга сазовор. Байрам куни одамларнинг бир-бирларига шакар ва ширинликлар ҳадя қилиши (ҳаётингиз ширин бўлсин деган маъносида), бир-бирларига сув сепишлари (бу йил сув кўп бўлсин, мўл ҳосил бўлсин маъносида) каби ва бошқа бир қатор одатлар кенг тарқалган.

Байрамлар, ҳар бир фасл табиати хусусиятини акс эттиришдан ташқари, асосан инсон фаолиятини мадҳ этишга қаратилган. Ўзбекистонда асрлар давомида ривожланиб, шаклланган “Наврўз”, “Меҳржон”, “Сув байрами”, “Биринчи уруғ байрами”, “Далага қўш чиқариш”, “Экин сайли” байрамларида, “Гул сайли”, “Қовун сайли”, “Сув сайли”, “Пахта сайли”, “Ҳосил” байрамлари чуқур халқ фалсафаси ва педагогикаси билан суғорилган. Халқимизда “Қор ёғди – дон ёғди”, “Ер тўйса, эл тўяди”, “Меҳнатнинг таги роҳат”, “Ишлаган тишлайди, ишламаган тишламайди” деган мақоллар бежиз яратилган эмас. Бу байрамлар заминиде табиатни эъзозлаш, меҳнатни улўхлаш, эзгуликкаби прогрессив ғоялар шаклланган.

Шўролар даврида халқ байрамларини тақиқланишига қарамай, анъанавий ўзбек халқ байрамлари давр синовига бардош берди, баъзи вақтларда вужудга келган қийинчиликларни енгиб ўтди, уларнинг сафига янги байрамлар қўшилди, бойиди.

Анъанавий халқ прогрессив байрамларини (замонга мос) тараққий эттирилиб, “Мустақиллик”, “Конституция куни”, “Ватан химоячилари куни”, спорт байрамларидан “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” каби байрамлари шакллантирилди.

Янги байрамларда ҳам прогрессив ғоялар, халқ педагогикаси асос қилиб олинди. Ушбу бобда биз байрамларнинг илмий-амалий асосларида халқ педагогикасининг тутган ўрни, хусусиятлари ва асосий шаклларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Маълумки, ижтимоий-маданий ҳаётни байрамлар билан узвий боғлиқ бўлган анъана, урф-одат ва маросимларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар турмушнинг алоҳида шакли ҳамда байрамнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

“Маросим”, “Одат”, “Анъана” каби сўзлар байрам тушунчаси билан бевосита боғлиқ бўлганлиги учун уларга алоҳида изоҳ бериш лозим.

Анъана – бу ўзига хос ижтимоий ҳодиса бўлиб, кишиларнинг онгида, ҳаётида ўз ўрнини топган, авлоддан-авлодга ўтадиган, такрорланадиган, ҳаётнинг барча соҳаларида (умум ёки маълум гуруҳ томонидан) қабул қилинган тартиб ва қоидалардир.

“Одат” (урф-одат) – кишиларнинг турмушига сингиб кетган, маълум муддатда такрорланиб турувчи, ҳатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари, кўникма. Масалан, кичикларнинг катталарга салом бериши, эрта туриб уй-ховлини тартибга келтириб қўйиш, меҳмонларга алоҳида ҳурматда бўлиш, байрам арафасида касал,

ожиз, қийналганлардан хабар олиш, ёрдам лозим бўлганларникига ҳашарга бориш кабилар ўзбек халқининг яхши одатлари ҳисобланади.<sup>1</sup>

Агар анъана ижтимоий ҳаёт, меҳнат, маданиятнинг ҳамма соҳаларига хос бўлиб, ҳодисаларнинг жуда кенг доирасини қамраса, одат ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳаларида, яъни кишилар турмуши, меҳнати, хулқ-атвори, мулоқоти ва оилавий муносабатларида кўпроқ мавжуд бўлади.

“Маросим” – бу кўпинча анъана ва урф-одатнинг таркибий қисми бўлиб, инсон ҳаётидаги муҳим воқеаларни нишонлашга қаратилган расмий ва руҳий кўтаринкилик вазиятида ўтадиган, ўзининг умум қабул қилинган рамзий ҳаракатларига эга бўлган ҳаётий тадбир. Масалан, исм қўйиш маросим, дафн қилиш маросими, экинга киришиш (уруғ қадаш) маросими, ўримга киришиш маросими ва ҳоказолар.<sup>2</sup>

Одатни кундалик ҳаётнинг турли вақтида учратиш мумкин бўлса, маросим эса инсон ҳаётидаги муҳим ҳодисалар содир бўлганда вужудга келади. Унинг асосий бурилиш дақиқаларини (масалан, туғилиш, уйланиш, ўлим кабиларни) қайд этади, расмийлаштиради. Маросимнинг авлод-авлоддан ўтадиган, рамзий ва расмий ҳаракатлари, қоидалари мавжуд. Маросимга, бўлаётган воқеяга “тувоҳ” сифатида одамлар чақирилган, улар дардга ёки қувончга шерик бўлишган, келажак учун яхши ниятлар қилишган. Ҳар бир маросимнинг ўзига хос умум қабул қилинган тузилиши (бошланиши, ўртаси, охири) бўлади.

Кўпинча анъананинг таркибий бўлаги одат, одатнинг бир қисми маросим бўлади. Шу сабабли инсон ҳаётида бўлиб ўтаётган муҳим воқеани турмушда бурилиш ясайдиган катта “нуқталар”ни нишонлаш жараёнида ҳам анъана, ҳам одат, ҳам маросим содир бўлиши мумкин.

Бу тушунчаларни чуқурроқ англаш учун қуйидаги мисолга мурожаат қиламиз. Ёшлар вояга етганда – йигитлар уйланиши, қизлар турмушга

---

<sup>1</sup> Маматқосимов Ж.А. Оммавий байрамлар режиссурасида саҳна маданияти. –Тошкент: Фан ва технология, 1999. –Б.50.

<sup>2</sup> Қорабоев У.Х. Ўзбекистон байрамлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1991.-Б.46.

чиқишлари керак. Буни авлоддан-авлодга ўтиб келадиган анъана десак бўлади. Бир-бирини севган йигит-қизнинг оила қуриши учун никоҳ тўйи ўтказилади. Бу эса ўз навбатида инсоният ҳаётига сингган, муайян қоидага, маълум тартибга эга бўлган урф-одат ҳисобланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, “анъана”, “одат” ва “маросим” тушунчалари алоҳида ишлатилса, абстракт маъно англатиши мумкин. Бундай вақтда уларга аниқловчи сўзлар қўшилиб, (бирон иш жараёни, ходиса, тадбирларга нисбатан) ишлатилади. Чунончи, анъанавий байрам, анъанавий тадбир, анъанавий фестивал, анъанавий кеча ёки инсоний одат, мукофотлаш маросими, тўй маросими, пенсияга кузатиш маросими ва ҳоказолар шулар жумласига киради. “Анъана” ва “одат” тушунчаларига нисбатан “маросим” кўпроқ байрам билан боғлиқ.

Баъзи маросимлар байрам кунидан ташқарида ҳам ташкил қилинса, у байрам ҳолатини вужудга келтириши мумкин. Маросим байрамнинг таркибий (ёки асосий) қисми сифатида ҳам намоён бўлади. Кўпгина маросимлар алоҳида ўтказилганда ҳам байрам ҳолатини вужудга келтиради.

“Анъана”, “маросим” каби байрам билан боғлиқ атамалар қотиб қолган, “стандарт” тушунчалар эмас. Уларнинг мазмунига ҳаёт ривожланиши ва турмуш эҳтиёжлари таъсир этиши мумкин.

Ижтимоий ҳаётнинг шундай муҳим қонуниятлари борки, у тараққиётнинг мунтазам шаклидаги ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир. Бинобарин, бирон янги нарса, ходиса вужудга келади, инккинчиси ривожланади., учинчиси ҳаёт талабига жавоб бермай ўз ўрнини бошқа шаклларга бўшатиб беради. Жумладан, ҳаётини анъана ва байрамлар ҳам худди шундай қонуниятга амал қилади.

Моҳиятан халқчил, ижтимоий фойда келтириши мумкин бўлган, анъаналар тараққий этади. Масалан, “Наврўз”, “Қовун сайли”, “Лола сайли” ва ҳоказо байрамлар замонавий талабларга жавоб бергани учун

яшаб келмоқда. Ижтимоий ҳаётнинг тубдан ўзгариши халқ турмушининг ривожланиши, замонга мос анъаналар яратилишини талаб қилади.

Кўриниб турибдики, “анъана”, “одат” ва “мароси” каби атамалар жуда кўп қиррали ижобий тушунчалардир. Бизнинг асосий вазифамиз – байрамлар ёки байрам даражасига кўтарилган тадбирлар ва байрамларнинг таркибий қисмига айланган анъаналар, одатлар, маросимлардаги халқ педагогикасининг ўғитларини ривожлантиришдир.

Халқ ижоди қадимдан байрамларнинг муҳим таркибий қисми сифатида ривожланиб келган. Халқ ижоди шундай бир соҳаки, у ўзининг анъанавийлиги, қадимийлиги ва тарихийлиги билан барчани қизиқтиради, у ўзининг бойлиги, сержилолиги ва бетакрор гўзаллиги билан барчага ёқади, у оддийлиги, ҳаққонийлиги, самимийлиги билан барчага тушунарлидир.

Халқ ижоди меҳнаткаш халқ яратган омма орасида кенг тарқалиб, оғиздан-оғизга, устоздан шогирдга, авлодда-авлодга ўтиб, тобора такомиллашиб, сайқал топиб, тараққий этган ижод маҳсулидир. Унда “халқнинг меҳнат фаолияти, ижтимоий ва майиший ҳаёти, турмуш, табиат тўғрисидаги тушунчалари, маданияти, эътиқоди, орзу-истаклари, поэтик фантазияси, хис-туйғулари ва тафаккурининг бой олами, бахтли ва адолатли замон ҳақидаги ўйлари ўз ифодасини топади”.

Халқ ижодининг дурдоналари меҳнаткаш халқнинг қобилиятли вакиллари томонидан ижод этилади, оғиздан-оғизга кўчиб, бошқалар ҳам бу асарларни ижро қиладилар, унинг бойиб боришига ўз ҳиссаларини қўшадилар, такомиллаштирадилар, бошқа вариантларни яратадилар.

Ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган халқ ижодини мутахассислар шартли равишда қуйидаги турларга бўлигади: халқ оғзаки (поэтик) ижодий, халқ (фолкльор) мусиқаси, халқ театри, халқ рақси, халқ тасвирий ва амалий безак санъати. Оммавий байрамларнинг таъсирчанлигини оширишда, уларни сержило безаклар ва ранглар билан безашда, миллий колорит беришда халқ ижоди – бебаҳо манбаа сифатида хизмат қилмоқда. Айниқса

халқ оғзаки ижоди намуналари бўлмиш мақоллар, топишмоқлар, афсона ва ривоятлар, латифа ва лофлар, эртақлар ва дostonлар, аския ва оғзаки драма каби жанрларда халқ педагогикадаги тарбия масалалари, мазмун (ғоя), бадиийлик (образлилик) жиҳатидан намуналар оғиздан-оғизга ўтиб тарқалган.

Хусусан оммавий байрам ва томошаларда халқ оғзаки ижоди жанрларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунончи, барча сценарийларда “сўз кўрки - мақол”дан, халқ донишмандлиги ҳисобланган афсона ва ривоятлардан фойдаланиш тадбир тилини бойитиб, таъсирчанлигини оширади. Латифа, лоф, аския томошанинг кизиқарлилигини янада ошириб, мазмунини мустаҳкамлайди, томошабинни фаоллаштиради. Топишмоқлар тадбир ижрочилари билан томошабин ўртасида жонли алоқа ўрнатишга ёрдам беради. Айниқса болалар учун тайёрланган байрам ва томошаларда эртақ ва дostonлар қаҳрамонлари уларни ғоявий-эстетик тарбиялашда муҳим ролни бажаради.

Оммавий байрам ва томошаларда халқ оғзаки ижодининг бетакрор, айна чоғда, олам-олам мазмун касб этувчи мақоллари, афоризмлари, нақл ва иборалари сценарий моҳиятининг янада чуқурлашуви, томоша кучининг ўткирлашувини таъминлашга хизмат қилади.

Шундай қилиб маҳаллий шароитда, миллий халқ байрамларида, халқ педагогикасининг энг яхши намуналарини қўллаш халқ байрамларининг мазмун-моҳиятини янада бойитишга, таъсирчанлигини оширишга ёрдам беради.

Республикамиз мустақиллика эришгач, ўтган даврда мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлодни тарбиялаб етиштириш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Бу борада ўтган даврда жуда катта ишлар амалга оширилди.

Бу ишларни амалга оширишда ўзбек халқ педагогикаси етакчи ўрин тутди. Маълумки, халқ педагогикаси деганда халқ оғзаки ижодининг барча жанрларида акс эттирилган тарбия борасидаги қарашлар, ғоя, урф-

одатлар, расм ҳамда анъаналар йиғиндиси тушунилади. Демак, булардан кўринадикки, халқ педагогикасининг асосий манбаи фолклёр ҳисобланади.

Халқ педагогикасининг камрови кенг бўлиб, у муайян халқ тарихи, фалсафаси, психологияси, этнографияси ва халқ таъбаотидан ташкил топган бўлади. Фолклёр халқ педагогикасини, яъни халқ оммасининг тарбия борасидаги қарашлар, ғоя, урф-одатлари, анъаналар йиғиндисидан иборатдир. Булардан ташқари фолклёр тарбияни амалга оширишда кўлланиб келинган усул, восита, кўникма ва малакалар йиғиндисини ҳам ифодалайди.

Тарбияланувчи тарбияси борасидаги анъаналар ўзбек классик адабиётида ўз аксини топган. Масалан, IX-XI аср алломаларидан Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, Носир Хисравнинг “Саодатнома”, “Рухнома”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк”, “Аҳмад Югнакийнинг “Хибатул ҳақойиқ”, Кайковуснинг “Қобуснома” каби асарларида педагогик ғоялар кенг ўрин олган бўлиб, халқ оғзаки ижоди қадим замонлардан буён жаҳон халқларининг, жумладан ўзбек халқ педагогикасининг тарбиявий воситаси бўлиб келган ва ҳозирги кунда ҳам ўз қийматини йўқотмаган. Халқ педагогикасининг таркибий қисми қуйидагича: ақлий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат ва нафосат тарбияси. Ўзбек халқ педагогикаси миллий тарбияни амалга ошириш усул ва воситалари, ёшларни дастлабки оилавий одоб қоидаларига ва уни амалга ошириш йўллари, ёшларни дастлабки оилавий дастёрлик, меҳнатга одатлантириш, уни амалга оширишда фойдаланиладиган усул ва воситаларни ўз ичига қамраб олади. Юқоридагиларнинг ҳаммаси халқ оғзаки ижодида акс этган бўлиб, булар заминда илмий педагогика шакллангандир.<sup>1</sup>

Илмий педагогиканинг асосий мақсади ва вазифаси ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаб етиштиришга қаратилган бўлади. Ҳар томонлама баркамоллик ёшларни ақлий, жисмоний, ахлоқий, меҳнат ва

---

<sup>1</sup> Жумаев З. Ўзбек халқ тарихий ривоятлари. Номзодлик диссертацияси. Тошкент., 2005. –Б.21.

нафосат жиҳатидан етуклигини ўз ичига олади. Шундай экан, халқ педагогикаси илмий педагогика билан чамбарчас боғлиқдир.

Фолкльор намуналари тўғридан-тўғри тарбия воситаси сифатида хизмат қилади. Булар билан бир қаторда тарбияланувчи яшаб турган муҳит-шароитнинг воситаси, роли мавжудки, улар ёшларнинг маънавий фазилатларини шакллантиришда катта ва самарали тарбия воситаси ҳисобланиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Тўй томошалари – бешик тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйи, ховли тўйи;
2. Сайиллар – дала сайли, гул сайли, қовун сайли;
3. Йиғин (томоша, туғилган кунни нишонлаш), йигит базми, қиз базми, келин салом, улоқ, пойга, кураш, турли шаклдаги мусобақалар;
4. Аза маросими, аза маракаси;
5. Сафарга чиқиш, овга бориш, кино, театр, истироҳат боғи, оммавий йиғин томошаларига бориш, Рўза ҳайити, Қурбон ҳайити, шахс тарбияси.

### **I боб бўйича хулоса**

Неча асрларки байрамлар ҳам инсон маънавияти кўзгуси, тарбия воситаси сифатида нишонланиб келинмоқда. Байрамлар орқали шахс тарбиясига таъсир кўрсатиш, инсонларни илғор ғоялар орқали келажакка ишонтириш, жамият равнақи ва фаровонлигини намойиш этиш ҳар бир давр байрамининг асосий мақсади саналиб келинган. Шунингдек баркамол авлод тарбиясида ҳам байрамлар ва улар орқали илгари сурилаётган прогрессив ғояларнинг ўз ўрни ва роли бор.

Тарих шуни исботлайдики, байрамлар маъноси, ғояси халқнинг ўйи, дарди, орзу-умидлари асосида пайдо бўлган ва ўзгариб, ривожланиб борган. Байрамларнинг яна бир хусусияти уларнинг муайян вақт, махсус сана билан боғлиқлигидир. Кишиларда байрам кайфияти аввалдан белгиланган вақт, сана, кун келганида пайдо бўлади. Масалан, қишнинг совуқ кунларидан сўнг об-ҳавонинг исиши, теварак-атрофнинг кўм-кўк

либосга ўраниши, дов-дарахтларнинг гуллаши – баҳор келиши барча кишиларга олам-олам қувонч шодлик олиб келади. Албатта, бу ўзгаришдан ҳар ким ўзича завқланади. Аммо табиат гўзаллиги ва баҳор шодиёнаси ҳамма учун умумий бўлганлиги сабабли одамларда уни биргаликда нишонлаш кайфияти ҳам туғилади.

Бевосита ана шу кайфият орқали инсон тарбиясига, унинг руҳиятига таъсир кўрсатувчи воситалар бу халқ байрамлари ва томошаларидир. Байрамларнинг тарбиявий функцияси, бевосита унда қўлланилаётган таъсирчан воситалар орқали вужудга келади. Байрамлар орқали томошабинни энг содда ва энг мураккаб усулларда эстетик тарбиялаш мумкин.

Мустақиллик даврида нишонланаётган оммавий байрам ва томошаларнинг олий мақсади баркамол авлод тарбиясига қаратилган бўлиб, турли саҳнавий таъсирчан воситалар орқали намойиш этилиб, тарғиб қилинмоқда.

Ҳозирда байрам ва томошаларда илгари сурилаётган прогрессив ғоялар орқали эстетик тарбиялашнинг кўлами тобора кенгаймоқда. Шунга кўра, у ўз олдига талайгина муҳим вазифаларни қўйган. Булар:

- байрам ва томошаларда ватанпарварлик, миллийлик, инсонийлик, тинчлик, дўстлик, озодлик каби туйғуларни кучайтириш ва тарғиб қилиш;
- кишиларда санъат асарлари, бадиий ижод намуналарини нафақат фаол ўзлаштириш балки, уларнинг эстетик моҳиятини англаш ва баҳолаш қобилятини такомиллаштириш;
- жамият аъзоларининг ижодий имкониятларини намоён қилдириш ва улардан фойдалана билишга ишонч туйғусини уйғотиш;
- табиат ҳамда жамият ижтимоий жараёнларига соф туйғу билан муносабатда бўлишга ва уларни раванқ топтириш йўлида астойдил фаолият олиб бориш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- ўтмиш маънавий меросимизга ҳурмат ҳиссини уйғотиш, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш учун замин яратиш;

– ижоднинг барча турларини тараққий эттириб жаҳонга юз тутиш ва уларни миллат манфаатлари учун наф келтирадиган томонларини тарғиб қилишга ундашдир.

Мустақиллик даври байрам ва томошалари инсоният тарихида нишонланган томошаларнинг энг улуғи ва энг азизи сифатида тарихга муҳрланмоқда. Чунки бу даврда тажрибали ва малакали режиссёрлар бошчилигидаги ижодий гуруҳ томонидан ватанпарварлик, озодлик мадҳи, миллийлик, тинчлик, дўстлик, диний бағрикенглик каби инсоний фазилатлар байрам ва томошаларнинг асосий ғояси ва олий мақсадига айланиб бормоқда. Шу сабаб жонажон ватанимиз халқаро жамиятда том маънода байрамлар юрти деб эътироф этилмоқда.

## **II БОБ. МИЛЛИЙ БАЙРАМЛАР ОРҚАЛИ ПРОГРЕССИВ ҒОЯЛАРНИ ТАРҒИБ ЭТИШ УСЛУБЛАРИ**

### **2.1. Миллий байрам ва томошаларнинг ривожланиш босқичларида прогрессив ғояларни шакллантирувчи услублар**

Марказий Осиё халқларининг асосий одат, маросим ва байрамлари коинот, табиат, фасллар ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган. Аждодларимиз борлиқдаги муҳим тўрт нарса (қуёш, ҳаво, ер, сув)ни аниқлаш билан бир қаторда, улар билан боғлиқ тўрт улуғ кунни ҳам белгилаб, нишонлашга одатланишган. Масалан, табиат уйғониши, кун-тун тенглиги, дала ишларининг бошланиши палласида Наврўз; ёзда қуёш тик бўлиб, тун қиска, кун узун давом этганида, ҳаво харорати юқори даражага кўтарилиб, сувга эҳтиёж кучайганида сувга бағишланган тадбир – Ангом (Вахшангом), кузда кун-тун тенглашиб, йилнинг иккинчи ярми бошланганида, деҳқонлар даладаги ҳосилни йиғиб олган вақтда Меҳржон (Чири-руж, Ним-сарда); қишда энг узоқ тун ва қиска кун содир бўлиб, совуқ авжига чиққанида («қишки чилла»), исинишга эҳтиёж кучайган пайтда Сада – Олов байрами (гулханларда исиниш) кабиларни уюштиришган. Миллоддан олдин пайдо бўлган бу байрамларнинг барчаси кишиларнинг табиий эҳтиёжлари асосида қарор топган<sup>1</sup>.

Баъзи этнограф олимлар, жумладан Н.П.Лобачеванинг фикрича, қадимдан Ўрта Осиёда йил боши баҳорга тўғри келган. Сосонийлар сулоласи даврида (III аср) йил боши ёз фаслига, қуёшнинг тик туриш кунига (ҳозирги 21-22 июнга) кўчирилган. Бироқ ой тақвимига ўтилгандан кейин, йилнинг биринчи ойи яна баҳорга, тун ва кун барабар бўлган кунга кўчирилган.

Бу ҳақда Беруний шундай ёзади: «Наврўз... ўтмиш замонларда... қуёшнинг саратон буржиги кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра, у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. Энди у бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси

---

<sup>1</sup> Қорабоев У.Х. Ўзбек халқи байрамлари. – Тошкент: Шарқ. 2002. – Б.78.

тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча давом этган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг яралиши ва бошланишига далил қилинган»<sup>1</sup>.

Наврўзнинг пайдо бўлиши ҳақида кўплаб афсоналар, мифлар мавжуд. Масалан, Зардўштийлар даврида эзгулик худоси Ахурамазда (Хурмуз) баҳор, ёзда ёвузлик худоси Анхарамайню (Ахриман) – кузда ва қишда ҳукмронлик қилади, деган қараш мавжуд бўлган. Баҳорнинг биринчи кунини эзгулик худоси ёвузлик худоси устидан ғалаба қилган муқаддас сана, деб байрам қилишган. Бу сана «Наврўз» кунига айнан тўғри келган.

Яна бир қадимий афсонага кўра, Одам Ато ва Момо Ҳаво илк бор учрашган кун «Наврўз» байрами деб тан олинган эмиш.

Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида эса янги йил, яъни Наврўзнинг пайдо бўлиши шоҳ Жамшид<sup>2</sup> номи билан боғланди. Жамшид одамларга яхшилик қилиш мақсадида уларни касбга ўргатади, темирни эритиб қурол ясатади, ип йигиртириб, кийим тўқитади, ҳаммом, уй саройлар бунёд қилдиради, табиблик сирларини очади, кема ясатади, боғ барпо қилдиради. Ниҳоят, Жамшид ишлари гуркираб, мева берган кунда ўзига тахт ясатади, унда осмонга кўтарилади. Бу «Шоҳнома»да қуйидагича таърифланади:

Тахт кўкда чарх урар мисоли куёш,  
Фармондор ўтирар, унда ирғаб бош.  
Барча жам, одамлар қарар тахтига,  
Жаҳон қойил бўлиб шукуҳ-бахтига.  
Жамшидга сочишар олтину гавҳар,  
Шу кунни янги йил – байрам дейишар.  
Йил боши Хурмузу эди фарвардин,  
Дилда на ғам қолди, на адоват-кин.  
Улуғлар шодлик-ла базм қурдилар,  
Юзларин чолғуга, майга бурдилар.

<sup>1</sup> Қорабоев У.Х. Ўзбек халқи байрамлари. – Тошкент: Шарқ. 2002. – Б.79.

<sup>2</sup> Пахлавий ва дарий тилида «нур»ни «шед» дердилар. Шунинг учун бу сўз бошига «Жам» сўзини қўшиб, «Жамшид» деб атай бошладилар.

Алишер Навоий ҳам «Тарихи мулки ажам» номли асарида Жамшиднинг буюк кашфиётлари сўнггида улуғ Наврўзни ихтиро қилганлиги баён қилинади. Навоий ёзишича: «Жамшид «Чихил минор» номли одамзод кўрмаган ва ақл бовар қилаолмайдиган баланд бино куриб...» «бу иморат туганди, олам салотин ва ашров ва ахборин йиғиб, анда азим жашн қилди. Ул вақтиким, қуёш нуқта эътиқодли рабиййга тахвил қилиб эрди ул бинода тахт устига ултириб, адолат сайт ва садосин оламга мунташир қилди ва ул кунининг отин Наврўз кўйди».

Беруний асарида келтирилган афсона бўйича ҳам Наврўзнинг келиб чиқиши Жамшид шоҳга боғланади: «Жамшид ўзига арава ясаб олгач, ўша куни аравага чиқиб олди, жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб, бир кунда Дунбован (Дамованд тоғи)дан Бобилга олиб бордилар. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни ҳайит қилдилар ва Жамшиднинг (аравада учишига) тақлид қилиб, арғимчоқларда учдилар»<sup>1</sup>.

«Наврўз»нинг пайдо бўлиши ҳақидаги бу каби афсоналарни турлича талқин қилиш мумкин. Бироқ «Наврўз»нинг қачон ва қандай вужудга келганлигини аниқ кўрсатиш қийин. Шундай бўлсада, ишонч билан айтиш мумкинки, бу байрам доно кишилар томонидан кашф қилинган. Чунки «Наврўз» коинот ва табиат қонуниятлари, яъни қуёшнинг ҳамал буржиги кириши, кеча ва кундузнинг вақт жиҳатидан баробар бўлиши, кундузнинг узая бошлаши, табиатда жонланиш юз бериши, баҳорнинг келиши билан боғлиқ тарзда илмий асосланиб белгиланган. Бу эса ҳар қандай жамиятда «йил боши» (қачон келишидан қатъи назар) «Наврўз»ни табиат байрами сифатида нишонлаш учун асос бўлган. Аслида «Наврўз» ибтидоий жамоа даврида одамлар деҳқончиликка ўрганганидан сўнг улар далаларда янги иш мавсуми бошладан олдин ўтказадиган баҳор байрами сифатида шаклланган.

---

<sup>1</sup> Шодиев Б. Наврўз байрами. – Тошкент Ўзбекистон Миилый энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2001. – Б.26.

Замонлар ўтиши билан бу байрам такомиллашиб, унга мос кун аниқланган. У «йил боши» сифатида белгиланиб, унга «Наврўз» (яъни «Янги кун») деган ном берилган, деб тахмин қилиш мумкин.

Бошқа олимлар ҳисобига кўра эса, бу байрам 4 минг йил аввал жорий этилган.

Милоддан олдин қўлланила бошлаган зардўштийлик тақвими бўйича ҳозирги февраль ойининг биринчи кунда «Кичик Наврўз» (ёки «Оммавий Наврўз») бошланиб, олтинчи кунда «Катта Наврўз» (ёки «Махсус Наврўз») уюштирилган. Сосонийлар сулоласи даврида эса бу икки «Наврўз» бирлаштирилиб, кичик ва катта «Наврўз» ўртасидаги барча кунлар байрам, деб эълон қилинган.<sup>1</sup>

Муайян даврларда «Наврўз» байрамини нишонлаш бир ойгача чўзилган. Бу ҳақда Беруний куйидагиларни баён этади: «Кейинги подшоҳлар бу ой, яъни фарвардин мошнинг барча (кунлар)ни ҳайитга айлантриб, уларни олтига тақсим этдилар. Биринчи беш кун подшоҳлар учун; иккинчиси – улуғ кишилар учун; учинчиси – подшоларнинг куллари учун; тўртинчиси – хизматкорлар учун; бешинчиси – халқ оммаси учун; олтинчиси – чўпонлар учун».

Подшоҳлар ўзлари учун белгиланган беш кунни куйидаги тартибда, яъни биринчи кун «подшоҳ наврўз куни ҳайитини бошлаб, одамларга ўзини халқни қабул қилиши»ни билдиради. Иккинчи куни мартабаси жуда юқори кишилар..., деҳқонлар ва (машҳур) хонадон аҳллари, учинчи куни отлик сипоҳлар ва улуғ донишмандларни, тўртинчи куни ўз уйдагиларини, яқин ва хос кишиларни, бешинчи куни эса ўз ўғиллари ҳамда қарамоғидаги кишиларни қабул қилиш учун ўтиради. Олтинчи куни эса, ўзи учун Наврўз қилади».

Подшо бундай катта қабуллардан жуда катта фойда орттирган. Чунки у келувчиларнинг мартабаларига қараб, уларнинг ҳадяларини ҳузурига

---

<sup>1</sup> Шодиев Б. Наврўз байрами. – Тошкент Ўзбекистон Миилый энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2001. – Б.28.

келтиришга буюрган ва ҳадяларни диққат билан текшириб, хоҳлаганларини тақсим қилиб берган, хоҳлаганларини хазинасига қўйган.

Ислонгача бўлган «Наврўз» байрамининг оддий халққа тегишли одатлари ҳам диққатга сазовордир. Ўша замонларда «Наврўз» куни одамларнинг бир-бирларига шакар ва ширинликлар ҳадя қилиши (хаётингиз ширин бўлсин деган маънода), гуллар тақдим қилиши (гўзал бўлинг маъносида), бир-бирларига сув сепиши (бу йил сув кўпайсин, ҳосил мўл бўлсин маъносида) каби одатлар кенг тарқалган. Наврўз куни ширинликлар ейиш энг муҳим удумлардан бири бўлган. Наврўз куни тонг отганда ҳар бир киши гапиришдан олдин уч қошиқ асал ялаб, уч бўлак (хушбўй) мум еса кўп касалликлардан фориғ бўлар экан.

«Наврўз»га тайёргарлик кўриш одатларидан яна бири буғдой ёки арпа донини ёғоч идишда ўстириб, уни баҳор даракчиси сифатида дастурхоннинг ўртасига қўйиш одат бўлган. Байрам арафасида қадим аждодларимиз етти хил дон буғдой, арпа, нўхат, жўхори, гуруч, мош, ловиядан гўжа тайёрлашиб, уни кўни-кўшниларга, қариндошларга тарқатишган. Бундан ташқари, эронийларда «С» ҳарфи билан бошланадиган етти хил кўк ўсимлик себ-олма, сабзи, сир-саримсоқпиез, сирка, сатар-тошгул, сиёҳдон-қора данак, синжид-ёввойи зайтун кабилар уруғидан ўстирилган кўкатлар билан дастурхон безатиш Наврўз байрамига хос одат тусига кирган. Шунингдек, улар дастурхонларига турли қуритилган шарбат, бўялган тухум ва бошқа нозу-неъматлар қўйишган. Арвоҳлар руҳини шод этиш мақсадида шамлар ёқишган. Наврўз байрами дастурхонида албатта катта идишга сув тўлдириб, унга кўк барг (кўкат) солиб қўйишган. Бу одат янги йил сувга ва экинга мўл бўлсин деган маънони билдирган. Умуман, «Наврўз»га хос барча одатлар замирида халқ-эътиқоди баланд бўлган.<sup>1</sup>

XIX аср охири чорагидан бошлаб, чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олиб, уни ўз мустамлакасига айлантирди. Ўлканинг ижтимоий-сиёсий ва

---

<sup>1</sup> Қорабоев У.Х. Ўзбек халқи байрамлари. – Тошкент: Шарқ. 2002. – Б.82.

маданий ҳаётига ўз таъсирини ўтказди. Жумладан, бу ерга ўз байрамларини ҳам олиб келди.

Мустамлака йилларида чор ҳокимияти – Туркистон генерал-губернаторидан тортиб, мингбоши ва қозиларгача – халқни миллий озодлик ҳаракатидан чалғитиш, маҳаллий аҳолини итоатгўй, муте ҳолатда сақлаш, шу тарзда мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида халқ байрамлари ўтказилишига йўл берилган. Тарихий манбаларда қайд қилинишича, Тошкент яқинидаги Зангиота ва Тўйтепа сайилгоҳларида уюштирилган Наврўз байрамларида генерал-губернатор Фон Кауфманнинг шахсан ўзи қатнашган ва у гиламлар тўшалган тўртбурчакли майдон саҳнасида камаштирувчи миллий кийимлар кийиб ўйнаган уч нафар раққосага ўз қўли билан совғалар улашган. Мустамлакачилар бу каби ҳаракатлари орқали ҳам маҳаллий халқ орасида ўз обрўсини оширишга интилган. Бироқ бу анжуманларда миллий мустақиллик, ҳуррият тўғрисида ҳам гап-сўзлар бўлиб тургани учун мустамлакачилик халқ байрам-сайиллари ўтказилиши тақиқлаб қўйишган. Ҳатто, дорбозлар ҳам дор тикиб, ўйин кўрсатиш учун миршаблардан рухсат оладиган бўлган<sup>1</sup>.

Шўролар эгаллаб олган ҳокимиятнинг дастлабки йилларидан бошлаб, халқларнинг миллий ва диний байрамлари тақиқланди. Айниқса, Наврўзнинг тақдири оғир бўлди. Аввалига шўро сиёсатдонлари Наврўзни коммунистик мафкурага хизмат қилдириш учун ҳаракат қилишди. Шу мақсадда илк баҳор пайтларида шаҳарлардаги майдонларда сиёсий томошалар ташкил этилди. Бу сиёсий томошаларни уюштиришга маҳаллий зиёлилар мажбурий тарзда жалб этилди. 30-йиллар бошида «эскилик сарқитлари»га нисбатан қарши кураш давлат сиёсатига айланди. Шўролар қадимий миллий, маънавий, маданий мерос, урф-одатлар, маросимлар, байрамларни тафтиш қила бошлашди. Аммо маҳаллий миллат кишилари чекка жойларда яширин тарзда анъанавий байрам, маросимларни ўтказаверишди.

---

<sup>1</sup> «Гулистон» журнали. №6, 1998, 13 бет.

30-50-йилларнинг шахсга сиғиниш даврларида анъанавий халқ одатлари ва байрамларини ҳимоя қилмоқчи бўлган зиёлилар «шўро давлати сиёсатига қарши ёт унсур» ёки «миллатчи» деб айбланган. Ҳатто диний мазмунга эга бўлмаган халқ маросимларида қатнашган кишиларга нисбатан турли жазо чоралари ҳам кўрила бошланган. Шўро сиёсатдонлари қатоғон йилларида Наврўз байрами ўрнига «Колхоз тўйи» деган байрамни жорий этишди.

Коммунистик маданият тарафдорлари, яъни «эскилик сарқити»га қарши курашувчи фаоллар халқни ўз миллий, анъанавий байрамларни нишонлашига йўл бермас эди. Миллий байрамларга, жумладан Наврўзга «эскилик сарқити» деб қаралиб, унга диний байрам тамғаси босилди. Шўро сиёсатдонлари Наврўзни ёқлаган кишиларни «халқ душмани» деб айблашди ва уларни қатоғон қилишди. Аммо миллий ва диний байрамлар яширинча ўтказилаверди. Одамлар гўё дала сайлига чиқишгандек бўлиб, у ерда Наврўзни нишонлашган. Бундан хабар топган шўро фаоллари уларни турли тарзда таъқиб этишган. Шўро даврда Наврўзни нишонлаётганларни қўлга олиш компаниялари уюштирилган. Наврўз байрами ташкилотчилари, иштирокчилар давлатга қарши фитна уюштирилаётганликда айбланиб, ҳибсга олинган.

60-йиллар бошларида шўро мамлакатларида ҳам миллий масалада бир оз «илиқлик» пайдо бўлиб, миллий байрам, маросимларни ўтказишда сал жонланиш рўй берди. Матбуотда халқ урф-одатлари, байрамлари ҳақида мақолалар ҳам пайдо бўлди. Илғор фикрли зиёлилар маданият соҳаси айрим раҳбарлари ташаббуси билан жойларда Наврўз байрамини ўтказиш ҳаракати бошланди. Аммо Наврўз давлат байрами сифатида тан олинмади. Кўпгина зиёлилар, айрим раҳбарлар Наврўзнинг чинакам дунёвий, чинакам халқчил байрам эканини сезсалар-да, ўтмишдаги қатоғонларни эслаб, бу анъанани қўллаб-қувватлашдан чўчидилар.<sup>1</sup> 60-йиллар ўрталарида маълум халқ байрамларига бирмунча эътибор берилди.

---

<sup>1</sup> «Гулистон» журнали. 1998 йил, 6 сон, 13 бет.

бошланган бўлса ҳам кишиларда шўро сиёсатидан кўрқиш кайфияти кучли эди. Шунинг учун миллий анъанавий байрамлар, диний маросимлар имижимида, яширин тарзда ўтказилган.

70-йилларга келиб, шўролар халқ байрамларига қарши норасмий кураш бошлади. Маҳаллий ҳокимият вакилларига жойларда миллий байрамлар ўтказилишига йўл қўйилмасин, уларнинг ўрнига янги совет байрамлари ўтказилишини уюштириш зарурлиги ҳақида партия органлари томонидан очик ва ёпиқ буйруқлар бўлар эди. Чунки шўро сиёсатдонлари миллий уйғониш бошланишидан қаттиқ кўрқар эди.

80-йиллар ўртасида шўролар давлати инқироzi бошланганида улар охириги кучларини тўплаб, ўз мафқурасини сақлаб қолиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилишди. 1985-1987 йилларда оммавий ахборот воситаларига Наврўз байрами ҳақида бир оғиз ҳам гапирмаслик тўғрисида фармойишлар берилди. айрим коммунистик раҳбарлар сумалак қайнатилаётган қозонларни ағдариб ташлашган. Бу кишиларнинг нафратини қўзғатди ва қаттиқ тортишувларни вужудга келтирди. Зиёлилар Наврўз қадимдан давом этиб келаётган ҳақиқий халқ байрами эканлиги, унинг мазмуни табиат қонунлари билан боғлиқлиги ва Наврўзни энг яхши анъаналар асосида тараққий эттириш лозимлиги ҳақида жиддий мулоҳазалар айтилди. Шунда шўро сиёсатдонлари «Наврўз» ўрнига «Навбаҳор» номли янги байрам ўтказилишини таклиф этишди. Бу янги байрам тадбирлари сифатида илгари Наврўз таркибида бўлган ҳашар, кўчатлар ўтказиш, хотирлаш маросими, қабристонларни обод қилиш ва бошқа эски маросимларга ҳам янгича тус беришга уринишлар бўлди. Республиканинг ўша пайтдаги раҳбарлари Наврўз байрами ўтказилишини фақат икки йил 1986-1988 йилларда тўхтата олдилар. Бироқ миллий онги уйғониб қолган зиёлилар, илғор ёзувчи, олимлар Наврўз байрами тақиқланишига қарши чиқишди. Наврўзни сақлаб қолиш-миллий-маданий анъаналарни сақлаб қолиш ҳаракатига айланди. Илмий анжуманлар, ёзувчилар йиғинларида Наврўзни ҳимоя қилувчилар сафи кенгайди. Маҳаллаларнинг илғор фикрли миллатпарвар раҳбарлари

Наврўзни нишонлаш юқори идоралар томонидан тақиқланишига тескари тарзда бу байрамни жойларда ўтказаверишган. Бундай ҳаракатлар натижасида миллий анъаналар ва байрамларни ҳаётга қайтариш жиддий даражага кўтарилган. Анъаналар учун кураш миллат равнақи учун курашга, миллат равнақи учун кураш эса мустақилликка эришиш йўлидаги курашга айланди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлаби даврларида халқ байрамларини тиклаш борасида улкан ишлар амалга оширилиб, бунга кенг жамоатчилик эътибори жалб этилди. Натижада, «Халқ байрамларини тиклаш муаммолари» бўйича ишчи гуруҳи тузилди. Бу гуруҳ фаол зиёлилардан таркиб топган эди. Мазкур гуруҳ ҳар йили 21 мартдан 21 апрелгача бўлган мудда «Инсонийликни ва табиатни эъзозлаш ойлиги» сифатида белгиланиб, бу вақтда «Наврўз», «Хотира куни», «Биринчи пушта», «Биринчи экин», «Дон, майса ва сув экини», болалар учун «Бойчечак» байрамларини ўтказишни тавсия қилди. Бу эса хайрли ишларга дебоча бўлди.<sup>1</sup>

90-йилларга келиб халқ байрамлари кунида «Катта томошалар» кўрсатилиб, масхарабозлар, қизиқчилар, кўғирчоқбозлар, дорбозлар, полвонлар иштирокида азалий халқ томошалари намойиш этила бошлади. Бу пайтда халқ байрамларида аскиябозликлар, мушоиралар, халқ ўйинлари ўтказилиши анъанага айланди. Байрамлар халқимизга хос энг яхши урф-одатлар ва анъаналарни намойиш этадиган муҳим тарбия воситаси эканлиги, шўролар даврида халқ маросимлари, анъаналари ҳам йўқола борганлиги ва бу инсонпарварлик анъаналарини тиклаш зарурлиги ўша даврда оммавий ахборот воситаларида жиддий таъкидлана бошланди.

Шўролар даврида миллий байрамларнинг бирортаси ҳам расмий байрам сифатида йиллик календарда кўрсатилмаган эди. Мустақиллик арафасида ҳам миллий байрамларни тиклаш ҳақида гап кўп эдию, аммо уларни нишонлаш ҳақида расмий ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас эди.

---

<sup>1</sup> Қорабоев У.Х. Ўзбек халқи байрамлари. – Тошкент: Шарқ. 2002. – Б.83.

И.А.Каримов Республика раҳбари бўлганидан кейингина шундай ҳужжат пайдо бўлди. 1989 йил 28 февралда унинг ташаббуси билан Ўзбекистонда Наврўз байрамини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1990 йилда эса 21 март ва умумхалқ «Наврўз» байрами дам олиш куни деб эълон қилинди. Ушбу воқеани мамлакатимизнинг бутун аҳолиси чуқур мамнуният, кўтаринки руҳ билан кутиб олди.<sup>1</sup>

Республикамиз раҳбари И.А.Каримов 1990 йил бошида халқ вакиллари, депутатлар, зиёлилар билан бўлган кенгашда шундай деган эди: *«Миллий анъаналар халқнинг энг нозик, энг ҳурматталаб фазилатидир. Афсуски, четдан келган баъзи бир одамлар ана шу нарса билан ҳисоблашмаган пайтлар бўлди. Ҳатто, ўзимиздан чиққан айрим раҳбарлар «Наврўз» байрамига, миллий-кийим-кечакка қарши чиқди. Шу даражага бориб етдикки, қариндошини кўмиш маросимида қатнашишга ҳам эскилик сарқити деб қаралди, бундай одамларга, айниқса, раҳбарларга нисбатан тазйиқ ўтказилди. Диндорлар билан мулоқатда бўлиш, улар билан бамаслаҳат иш юритиш масалаларини қўяверинг. Хуллас, бўлганича бўлди. Шунинг учун бугун бу ишларни қаттиқ қоралашимизни, халқ анъаналарига, унинг меросига, одамларнинг диний эътиқодларига қатъий ҳурмат ва эътибор билан қараиш кераклигини яна бир бор уқдириб ўтмоқчиман».*<sup>2</sup>

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий анъаналарни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон раҳбарияти энг аввало, халқимизнинг эҳтиёжи, орзу-истакларидан келиб чиқиб, азалий байрамларни тиклашга катта эътибор бера бошлади. Президент И.А.Каримов фармонлари асосида халқимизнинг тарихий мероси бўлган Наврўз билан бир қаторда, диний байрамлар – Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайити ҳам расман тикланди.

---

<sup>1</sup> Шодиев Б. Наврўз байрами. – Тошкент Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2001. – Б.31.

<sup>2</sup> «Тошкент ҳақиқати» газетаси.1990 йил, 27-февраль.

## **2.2. Замонавий миллий байрам ва томошаларда прогрессив ғояларни тарғиб этишда турли жанрлардан фойдаланиш муаммолари**

Ҳозирда республикамызда жуда кўплаб фольклор дасталари фаолият юритмоқда. Мустақиллик туфайли мазкур фольклор жамоаларининг репертуарлари ҳам тубдан ўзгарди. Уларда халқчиллик, мустақилликни куйлаш, ватан, юрт тараққиёти, урф-одатларни тиклаш ва оммалаштириш, маросим, халқ ижодиёти анъаналари каби мавзулар уфуриб турибди. Фольклор жамоалари Республика миқёсидаги деярли барча йирик байрамларда Наврўз, Мустақиллик, қолаверса спорт байрамларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Мазкур параграфда фольклор жамоаларининг мустақиллик йилларида ўтказилган Республика Наврўз байрамларидаги иштироқи, улар репертуарларининг тарбиявий аҳамияти хусусида сўз боради.

Ўтмишда ҳам Наврўз томошалари, сайиллари, ўйинлари ва мусобақаларини ўтказишда ўзига хос драматургия бўлган, албатта. Бутун аҳоли, жамият бу тартибни яхши билган, анъана сифатида халқ хотирасида муҳрланиб, авлоддан авлодга ўтиб келган. Айниқса, сайилбошилар, санъаткорлар касабаларининг, ижодий гуруҳларининг раҳбарлари Наврўз байрамининг умумий тартибини, қаерда нима бўлишини, қандай ўтишини яхши билишган. Лекин шунга қарамасдан, байрам арафасида яна бир қарра тартибни эслаб, қаерда, қачон, нима ўтишини, кимлар, қандай ижодий гуруҳлар қатнашини, томошабинлар қандай жойлашини хомчўт қилганлар.

Халқнинг уйғониб келаётган миллий ғурури Наврўз байрамига жиддийроқ ёндашини, ҳар томонлама ва чуқур ўрганишни, уни махсус тайёргарлик кўриб нишонлашни тақозо этди. Бир қатор мақолалар ва рисоалар яратилди. Яхши ният билан навбатдаги Наврўз айёми учун оммавий тадбирлар ва томошаларнинг сценарий мавзулари, ғоялари ва ёзмалари вужудга кела бошлади. Туманларда шу сценарийлар негизида байрам томошаларини тайёрлаш ҳаракати бошлаб юборилди.

1991 йили ўтказилган Наврўз байрами мустақиллик олди йилларининг илк байрами саналади. Унда Республикамизнинг энг кўзга кўринган фольклор жамоалари иштирок этди.

Бош майдондаги байрам томошасининг ғоявий мақсади Ўзбекистон ҳукумати ва унинг Президенти И.Каримов томонидан саҳналаштирувчи ижодий гуруҳ олдига қўйилган баҳорий кайфият, гўзал анъаналар, тўкин дастурхон орқали турли миллат вакилларини бирлаштириш, юзага кела бошлаган мустақиллик майлларини кучайтиришдан иборат бўлмоғи лозим эди. Томоша сценарийси (У. Қорабоев, Б.Аминов, Б.Норбоев) ва саҳнавий талқинда (бош режиссёр Р.Ҳамидов) ана шу ғоявий мақсад ўз ифодасини топди. Шунингдек, томошада Она Ватанимиз тарихидан ҳикоя қилиш назарда тутилган. Томошабинлар хайкалнинг икки ёнида жойлашган, ҳукумат аъзолари ҳам улар орасида ўрнашган. Томошалар катта саҳнада ўтказилган. Майдоннинг тўрт томонида Тошкентнинг 12 дарвозасининг рамзий кўринишлари, қўлларида ранг-баранг байроқчалар ушлаган ёшларнинг жонли девори дарвозаларни бир-бирига боғлаб туради. Чор атроф баҳор рамзлари, ҳаво шарлари, осуда рангли байроқлар билан безатилган.<sup>1</sup>

Соат 11.00. Карнайчиларнинг чақириқ овозлари янграйди. Жонли парда очилади. «Қадимий шаҳар» ҳокими Буюк Ипак йўли орқали узоқ ва яқин юртлардан меҳмонлар ташриф буюрганини эълон қилади. Дарвозаларни очишни буюради. Дарвозалардан карвонлар кириб кела бошлайди. Карвонда Республикамизда яшовчи халқларнинг ўша пайтлар энди ташкил топаётган миллий маданият марказларининг миллий либосларда қўлларида соз ва гуллар тутган фаоллари, санъаткорлари, ҳар жойнинг ўзига хос либосларини кийган вилоятларнинг вакиллари намоён бўладилар. Ҳар қайси вилоят Тошкентга ўзининг энг яхши фольклор ансамблини йўллаган. Сурхандарёнинг «Бойсун», Андижоннинг

---

<sup>1</sup> Шодиев Б. Наврўз байрами. – Тошкент Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2001. – Б.35.

«Сумалак», Самарқанднинг «Беш қарсақ», Бухоронинг «Нозанин» ансамбллари шулар жумласидандир. Ҳар бир ансамбль майдонда ўз репертуаридаги энг сара томошасини кўрсатади.

Чунончи, «Бойсун» ансамбли сув ва деҳқончилик билан боғлиқ қадимий «султ хотин» номли театрлашган томошасини намойиш этган. Султ хотин қиёфасини ясаб, кўтариб олишган. Унинг атрофини ўраб олган қишлоқнинг каттаю кичик (ансамбль иштирокчилари) нақорат айтиб, Султ хотин қиёфаси ёнида бораётган киши кўшиқ айтиб боради:

Нақорат:

Султ хотин, султон хотин,  
Кўланкаси майдон хотин.

Яккаҳон:

Ёмғир ёғсин, ҳўл бўлсин,  
Ёру жаҳон кўл бўлсин.  
Майсалар қулоқ ёйсин,  
Суту қатик мўл бўлсин.

Нақорат:

Султ хотин, султон хотин,  
Кўланкаси майдон хотин.

Яккаҳон:

Ёмғир ёғсин, кўк бўлсин,  
Қурғоқчилик йўқ бўлсин.  
Арпа, буғдой бош тортсин,  
Кайвонилар ош тортсин...

Томоша сўнгида ижрочилар «Султ хотин»га ва бир-бирларига сув сепганлар. Сув-мўл ҳосил гарови, деган ғоя томоша моҳиятини белгилаган. «Султ хотин» маросим томошасига «Яда тош рақси» уланиб кетган. «Бойсун» ансамбли туркий халқлар орасида қадимдан «Султ хотин» маросими сингари Яда тоши билан ёмғир чақириш одатини рақс шаклида тиклаган бўлиб, Тошкентда ҳам ижро этишган эди. Раққос холдор

тошларни бир-бирига уриб ансамбль жўрлигида жўшқин ҳаракатлар билан ўйинга тушади. Унга бошқалар ҳам қўшилади.

Оташин мусика ўйчан, лирик оҳанглар билан, сўнг қувноқ оҳанглар билан алмашиб, «Наврўз табассуми» бошланади. Саҳнада масхарабозлар, аскиячилар, муқаллидлар намоён бўлишади. Ёғочоёқ, ёғоч от минган ўйинчилар «От ўйин» кўрсатишади. Бир пайт икки жажжи полвон кураш бошлайди. Ёғочоёқда турган ўйинчи уларга ҳакамлик қилиб туради. Кураш қизғин тус олиб, пировардида полвонлардан бири ғолиб келади. Не кўз билан кўрингки, икки полвон курашини жонлантириб кўрсатган аслида бир киши-гўзал раққоса экан. Сўнг бир шингил аския пайрови бўлиб ўтади.

Саҳнада меҳнат аҳли. Майдонда, бадий фондда меҳнат манзаралари. Омочлар чархланади, ер ҳайдалади, ўт ўрилади. Саҳнада аёл билан эркак кишининг она тупроқ, меҳнат ва ҳосил тўғрисида диалог кетади (бунда Э.Воҳидов шеърдан фойдаланишган). Даврага Дехқонбобо билан Баҳорой қўшилади. Мавзу экология масаласи томон бурилади. Кейин саҳнада далага кўш чиқариш, биринчи уруғ сепиш маросими кўрсатилади. Унга Дехқонбобо бошчилик қилади. «Бойсун» ансамбли мана шу маросимнинг чиройли қилиб театрлаштирилган шаклини намоёиш қилади.

Уруғлар ерга қадалгач, халқ шодиёнаси бошланади. Наврўзой Дехқонбобога ёғоч товоқда ниш уриб турган буғдой майсасини тағдим этади. Дош қозонларда «ўт» ёқилади. Сумалак, ҳалим тайёрлаш бошланади. Фольклор ансамблларининг куй-қўшиқлари оламни тутди. Секин-аста уларнинг ўрнини миллий маданият марказлари санъаткорлари эгаллайди. «Дўстлик навбахори» хореографик композицияси намоёиш қилинади.

Майдоннинг икки ёнидан ерга маҳкам боғланган маҳобатли икки шар учиради. Наврўз карвони сафланиб, йўлга тушади. Шу билан «Қадим шаҳар»да Наврўз томошаси якун топади.

Асосий томоша тугагач, майдон сайилгоҳга айланди. Майдоннинг ҳар жойларида машҳур хонандаларнинг чиқишлари, «Қирқ тош», «Тепки», «Ҳакка», «Арқон тортиш» каби халқ ўйинлари кечгача давом этди. Халқ

амалий-безак санъати ва ҳунармандлиги дўконлари, миллий таомлар расталари хизматда бўлди.

Халқлар дўстлиги майдони миллий маданият марказларининг қароргоҳига айлантирилди, чодир ва ўтовлар тикилди, ҳар бир халқ ҳаётидан ҳикоя қилувчи кўргазмалар ташкил қилинди. Сарой олдидаги муваққат сахнада тожик, қозоқ, уйғур, арман, бошқирд, яхудий, корейс, крим татарларининг куй-қўшиқлари, рақслари, театрлашган маросимлари намойиш этилди.

Тошкентликлар ва хорижий меҳмонларнинг оромгоҳи бўлиб қолган Сайилгоҳ кўчаси Наврўз куни сўрилар ўрнатилган, сумалак ва ҳалимлар пишган, ҳар тарафга кўзни қамаштирувчи гиламлар, гул кўрпачалар тўшалган миллий манзилга айланди. Унда халқ оқими кучли бўлишини ҳисобга олиб, учта томоша майдончаси ўрнатилди: бири: «Зарафшон» ресторанига яқин жойда, иккинчиси ресторан билан Сайилгоҳ ўртасида, учинчиси рус драма театри дарвозаси олдида. Биринчисида спорт намояндалари ўз маҳоратларини намойиш этган бўлсалар, қолган икки сахнада бадий-муסיқий тадбирлар ўтказилди. Тадбирлар «Алишер Навоий ва Насриддин Афанди» деб аталган театрлашган томоша билан бошланади. Эшакка минган афанди Хиёбон томондан ашулани ванг қўйиб театр томон кела бошлайди.

Орқасидан турли-туман кийинган бола-бақра эргашган. Майдончадаги санъаткорлар уни кулиб қарши олишади. Ҳазил-мутойиба, Наврўз ҳақида баҳс бошланади. Халқ орасида баҳсни кузатиб турган Алишер Навоий сахнага кўтарилади. У «Ҳар тунинг қадр ўлибон, ҳар кунинг ўлсин Наврўз» байтининг маъносини тушунтиради. Бир чимдим шеърхонлик бўлади. Томоша Навоий сўзи билан айтилувчи «Ялли-ялли» билан якун топади. 25 дақиқа давом этган ушбу томошани А.Қодирий номидаги Маданият институти ўқитувчилари ва талабалари тайёрлаган бўлиб, мақсад одамлар эътиборини маънавий кадриятларга қаратиш эди. Бундан ташқари, машҳур санъаткорлар, ҳаваскор ижрочиларнинг

чиқишлари ҳам бўлиб ўтган. «Бойсун» фольклор ансамбли шу ерда хизматда бўлган. Сўриларда халқ ҳофизлари, аскиячилари гурунг қилганлар.

Умуман, 1991 йил Наврўз байрами, унинг томошалари, сайиллари мамлакатимиз бўйлаб бадий қадриятларни тиклаш, тарихни билиш, халқлар дўстлигини улуғлаш, тинчлик, осойишталикнинг қадрига етиш руҳида ўтди. Гул, Наврўз, Баҳорой, Дехқонбобо, Яъжуз-Маъжузу афсонавий-рамзий образлари шуҳрат топди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинди. Йил сўнггида Республика Президенти сайланди. Истиқлол ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олган ўзбек халқи астойдил қувонди. Оллох таолонинг бу улуғ неъматига шукроналар айтиб, енг шимариб ишга киришди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов, юрт фидойилари барча маънавий ва моддий имкониятларни шу мақсад йўлида мужассамлаштиришга киришдилар. Халқлар орасида дўстлик ва биродарликни тарғиб қилиб, уруш, баҳс ва ўзаро совуқчиликка барҳам бериб, ҳалол меҳнат, ҳашар, инсоф, адолатга чорлаб келган Наврўз анъаналари бу ишларда қўл келди. Ҳам шу мақсадда, ҳам истиқлол туфайли бошланган миллий қадриятларни тиклаш ҳаракатининг ёрқин ифодаси сифатида 1992 йил байрами, унинг Тошкентдаги, вилоятлар ва туманлардаги сайиллари, томошалари, маросимлари айтимуддао бўлди. У умумхалқ байрами сифатида нишонланди.<sup>1</sup>

Байрамнинг бош режиссёри ва бадий раҳбари этиб тайинланган Абдурашид Раҳимов турли миллатлар ва элатларнинг тинч-тотув, аҳил-иттифоқ яшаши мамлакат Мустақиллигининг гаровидир, деган ғояни томоша концепцияси қилиб олди. Шу мақсадда Халқлар дўстлиги майдони бор маҳобатли сатҳи бўйича томошагоҳга айлантирилди. Мана шу сахнада кўпдан-кўп жамоалар, фольклор дасталари, таниқли санъаткорлар, спорт

---

<sup>1</sup> Шодиев Б. Наврўз байрами. – Тошкент Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2001. – Б.38.

намояндалари, ҳаваскорлар, болалар ўз санъатлари ва ҳунарларини намоён этдилар. Улкан сахнада Ўзбекистон бадиий жамоалари Наврўз манзараларини, халқ қувончини тараннум этувчи сюитани ижро этишган. Баҳорой, Деҳқонбобо, Насриддин Афанди каби рамзий образлар театрлашган сахналарни бир-бирига боғлаб турган. Меҳнат, тинчлик, дўстлик ва Мустақиллик ғояларига урғу берилган.

Асосий майдонда бир вилоятдан келган меҳмонлар, бир Тошкент тумани ўз меҳнати ва ижодидан ҳикоя қилган. Мавзулар хилма-хил, санъатлар хилма-хил. Репертуар халқ анъанавий маросимларидан тортиб замонавий сюитагача ўз ичига қамраган.<sup>1</sup>

1993 йилги Наврўз Ййди Рамазон арафаларига тўғри келди. Шу боисдан янада кадрли, янада тароватли нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўз Наврўз табригида бу жиҳатни алоҳида қайд этди, бутун халқни ҳам Наврўз, ҳам Рамазон ҳайити билан самимий табриклади.

Дарҳақиқат, халқимиз кўшалок байрамни кўтаринки руҳ, шоду хуррамлик билан нишонлади. Айниқса, Мустақилликнинг иккинчи баҳори бўлганидан Наврўз таровати, шукуҳи, гашти ўзгача эди. Андижон вилоятида барча боғлар, ўйингоҳлар, майдонлар турли-туман кўнгилочар томошалар, кураш билан гавжум бўлди. Андижоннинг ўзида оммавий югуриш мусобақаси, болалар ижоди кўрғазмаси байрамга ўзгача руҳ бахш этди. Бухоронинг Имом ал-Бухорий майдонида театрлашган томоша миллий ўйинлар кўрсатилди. Майдонга туташ боғда эса шаҳардаги 23 маҳалла аҳли ўз байрам дастурларини намойиш этдилар. Турли миллат куй, кўшиқлари янгради. Жиззах вилоятида танилган санъаткор борки, Наврўзбулоққа чиқиб, ўз маҳоратини намойиш этди. Хоразм марказидаги бош майдонда, «Наврўз» боғида томоша ва сайиллар авжига чикди. Намангандаги байрам тантаналари Машраб номидаги боғда бошланиб, Бобур номидаги боғда давом этди. Телемарафон орқали бутун вилоятдаги

---

<sup>1</sup> «Наврўз - 1992» байрам томошаси видео материаллари асосида.

байрам олиб кўрсатилди. Фарғонанинг Мустақиллик ва Аҳмад ал-Фарғоний номидаги боғларида вилоятда яшайдиган олтамишдан ортиқ миллатнинг байрами ўтказилди. «Шарқ бозори» номли театрлашган томоша кўрсатилди. Қашқадарё маркази-Қарши шаҳридаги «Меҳнат» ўйингоҳида Наврўз байрами тантанали очилиб, театрлашган томоша намойиш қилинди. Унда буюк алломалар, Бободехқон, Баҳорой каби рамзий образлар гавдалантирилди. Мустақиллик майдонида эса халқ сайли бўлиб ўтди. Самарқанд, Сирдарё, Навоий вилоятларида ҳам умумхалқ оммавий байрами сифатида кенг нишонлади.

Тошкентдаги асосий театрлашган томошани Халқлар дўстлиги майдонида ўтказиш ва уни сахналаштириш вазифаси режиссёр Рустам Ҳамидовга топширилди. Сахналаштирувчи режиссёр ўз ёрдамчилари билан бирга 1989-1992 йилларда ўтказилган Наврўз томошалари тажрибасига суяниб, ютуқ ва камчиликларни ҳисобга олиб, чинакам халқчил, тантановор, бадий жиҳатдан пишиқ майдон томошаси яратишга бел боғлаб, ижодий натижаларга эришди.

Шундан кейин кетма-кет 12 та фольклор-этнографик ва мусиқий-хореографик сюита ва композициялар намойиш қилинади. Ҳар бирида ўзида хослик, бетакрор тароват, суръат муҳайё. Вилоятлардан ташриф буюрган ижодий жамоалар, «Баҳор», «Шодлик», «Зарафшон», «Лазги», «Айқулаш» ансамбллари маҳоратидан томошабинлар завқ олишади. Раққос ва раққосалар, масхарабозлар, аскиячиларнинг чиқишлари, қанчадан-қанча тикланган халқ кўшиқлари, рақслари, лапарлари, маросимлари истиқлол туфайли маданий қадриятимиз кадр топа бошлаганидан дарак берди. Жумладан, эрта баҳорда эзгу ният билан сув сепиш каби тикланган маросим кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.<sup>1</sup>

Театрлашган байрам томошасида болалар мавзуси, болалар ижоди катта ўрин эгаллади. Ёш авлод-келажагимиз, ҳаётимиз гуллари, деган шиор

---

<sup>1</sup> Шодиев Б. Наврўз байрами. – Тошкент Ўзбекистон Миилый энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2001. – Б.38.

ўз ифодасини топди. Бошдан-оёқ томоша дастурида болалар иштироки шундан далолатдир. Уларнинг ёғоч отларда жавлон уриб:

Ҳо, яхши, яхши, яхши,

Наврўзи олам яхши!

Ҳо, яхши, яхши, яхши,

Ўзбекистоним яхши!

деб завқланиб куйлаши, доирачи болалар ансамблининг зарблари, «Чаман», «Қуёш» номли болалар гуруҳларининг дастурлари томошага ўзгача тароват бахш этди. Мана, қизалоқ ижрочи юртбошимизга гулдаста тақдим этди, Президент уни меҳри товланиб кўтариб олди. Бутун майдон яйраб кетди.<sup>1</sup>

1994 йил Наврўзни Ўзбекистон миллий боғида ўтказиш ҳаракати бутун мамлакатимизда кечаётган миллий кадриятларни тиклаш, уларга замонавий руҳ бағишлаш ва шу йўл билан Мустақиллик мафқурасини юзага келтиришдек мураккаб ва хайрли ишга ҳисса қўшиш ниятлари асосида амалга оширилди.

1994 йилги Наврўзнинг бош театрлашган томошаси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи мажмуида улкан халқ шодиёнаси шаклида сахналаштирилди. Томоша драматургиясини ҳам Р.Ҳамидов ўз зиммасига олди. Уни беш қатта қисмдан иборат қилиб тузди. Байроқлар ҳилпирайди. Шарлар ҳавода сузади. Майдоннинг турли бурчакларида варрақлар ва лайлақлар учирилади. Баҳорни шу тарзда қаршилаган шўх-шодон болаларнинг қўшиқ ва рақслари майдонни қоплайди. Ҳатто бадийий фонда ҳам болаларча шўхлик, қувноқликнинг ранглар жилваланади. Уларга «Гавҳар» фольклор ансамблининг баҳорни қаршилаш билан боғлиқ маросим-ўйинлари уланиб кетади. Улар билан бирга Дехқонбобо (бу ролда Муқимий театр актёри Ф.Аҳмедов гавдаланган) чиқиб, ер, дехқончилик, сув, баҳор ҳақида доно фикрлар айтиб ҳаммани ўзига қаратади. «Дехқон байрами» сюитаси ижро этилади.

---

<sup>1</sup> «Наврўз - 1993» байрам томошаси видео материаллари асосида.

Ўтган йиллар вилоятлардан ўз маҳорати билан ажралиб турувчи бирон бир халқ ансамбли тўлдирилган ва кучайтирилган ҳолда юборилади. Бу йил эса ҳар бир вилоятга 50-80 кишилиқ махсус йиғма ижодий жамоа тузиб, ўша ҳудудга хос дастур тайёрлаб келиш топширилади. Шу боисдан деярли барча вилоятлар бу ишга масъулият билан ёндашиб, сумалак байрамидан тортиб, «Суст хотин» номли ёмғир чақириш, «Чой момо» номли шамолни тўхтатишгача бўлган хилма-хил маросимларни, кўшиқларни, ўйинларни тиклаб, бадий шаклга солиб, миллий боғ майдонида намойиш этдилар. Томошабин кўз ўнгида бутун Ўзбекистонга хос халқ томошалари, рақслари, маросимлари жонлангандай бўлди. Ижролардаги самимийлик, жўшқинлик, ғайрат-шижоат ва ҳазил-мутойиба томошанинг ушбу энг катта қисми ўзига хослигини таъминлади.<sup>1</sup>

1995 йил Наврўз байрам томошасини тайёрлашга киришган ташкилий кўмита байрам таркиби ва услубида кескин янгиликка эришиш мақсадида бу ишга режиссёр Баҳодир Йўлдошевни таклиф этади.

Асар мукаддима ва тўрт қисмдан иборат бўлиб, унга Абу Райҳон Бериунининг «Осор-ул-боқия» асарида ёзиб қолдирилган Наврўз Аллоҳ томонидан коинот, қуёш яратилган вақт, фаришталар, пайғамбарлар улуғланган кун, деган фикр сингдирилган.

Томошанинг «Сув» деб аталувчи қисмида либоси шаршарани эслатувчи қиз-Сув рамзи кириб келади. Яшил ранг кўйлак кийиб, бошларига гулчамбарлар тақиб олган қизлар, сув маликаси атрофида чарх урадилар. Навоийнинг шу мавзудаги байтлари ўқилади. Бу ерда муаллиф фольклор-этнографик ансамбль томонидан «Суст хотин» номли томошанинг, ёғоч от минган болаларнинг сув сочиб, бир-бирларига яхши ният, ёруғлик тилаб айтадиган кўшиқларининг ижро этилиши мумкинлигини қайд этади. Бу қисм ҳам, Хуршид Даврон фикрича, хорнинг тантанавор қўшиғи билан якун топмоғи керак.

---

<sup>1</sup> «Наврўз - 1994» байрам томошаси видео материаллари асосида.

Шундан кейин сценарийда майдонга Баҳор маликасининг кириб келиши ўйланган. Томоша иштирокчилари (яъни халқ) бир-бирларига гуллар тақдим қилиб, байрам билан қутлашади. Бир гуруҳ аёллар етти хил донли экин майсаси кўкариб чиққан патнисларни кўтариб келишади. Даврага келинчакларни олиб кириб, майдонга ёқилган гулханлар атрофидан айлантиришади, кизлар арғимчоқларда учдилар. Дор ўйини. Ёғоч от ва ёғоч оёқ минган болалар майдоннинг тўрт томонида ўйнашади. Чархпалак етти хил рангда товланиб айланади. Деҳқонлар кўш хайдаб (тери ёпинган масхарабозлар хўкизлар қиёфасида гавдаланадилар), кўшиқ айтишади. Сухандон Рабғузийнинг Наврўз ҳақидаги маснавийсини ўқийди. Майдонга набирасини етаклаб Деҳқонбобо кириб келади. У меҳмонларга дон улашади, ерга сочади. Сухандон «Ерга уруғ сочайлик, бўтам» деган шеър билан томошани якунлайди.

Шундай қилиб, Хуршид Даврон Наврўзнинг келиб чиқишини бутун оламнинг яратилиши, инсоннинг пайдо бўлиши билан боғлаган ҳолда ўз сценарийсини Коинот, Сув, Қуёш, Ер қисмларидан иборат қилиб тузади. Наврўзни табиат байрами, эзгулик байрами сифатида кўрсатади. Сценарийнинг яхлитлиги, шунингдек, ҳар бир қисм ўз ички қурилишига эга бўлиб, муаллифнинг майдон томошаси драматургияси хусусиятларини ҳисобга олганидан гувоҳлик беради. Рамзий тимсолларни гавдалантиришда аждоқларимиз эътиқод қилган 7 рақамдан фойдаланилган. Мавзу мантиқли қурилиб, ўзига хос сюжет ҳосил қилинган. Сув, Қуёш, Ер, Етти сайёра, Баҳор маликаси, Деҳқонбобо рамзий образлари муаллифнинг ўз олдига қўйган мақсади, сюжет қурилмасига ҳамоҳанг, мос, қисмларни бир-бирига боғлашда муаллиф шоир овози (сухандон шеърхонлиги)дан фойдаланилади. Томошада хилма-хил воситалар (куй, кўшиқ, хор, маросим, намойиш, рақс, рамзий образлар хатти-ҳаракати, образли қурилмалар, маҳобатли тасвирлар)дан кенг фойдаланиш назарда тутилган.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Қорабоев У.Х. Ўзбек халқи байрамлари. – Тошкент: Шарқ. 2002. – Б.88.

Кўпгина вилоят марказларида Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилганидай махсус сценарийлар ёзилиб, шу асосда театрлашган томошалар яратилган. Чунончи, Фарғона вилояти маркази –Мустақиллик хиёбонида «Уйғотиш» номли композиция кўрсатилган. Фольклор-этнографик жамоалар ҳамда болаларнинг хаваскор дасталари ўз санъатларини намойиш этишган. Бундан ташқари, алоҳида театрлашган «Шарқ бозори» дастури бўлиб, унда вилоятнинг барча туманларидан ташриф буюрган истеъдодли кишилар қатнашган. Сурхандарё вилоятида эса 1995 йил Наврўз байрами ҳар бир тумanning ўзида нишонланди. Вилоят маркази Термизнинг Ҳаким Термизий номли бош майдонида ҳам байрам томошаси ўтказилди, албатта. Аммо, унда яқин атрофдаги халқ бахшилари, сибирик ва чанқовуз чалувчилар, театр артистлари қатнашдилар.<sup>1</sup>

1995 йил 21 март соат 6.00 дан 22 март соат 2.00гача давом этган ҳамда миллий уйғониш, тинчлик ва барқарорлик, қадриятларга эҳтиром мазмуни билан йўғрилган узлуксиз телекўрсатувлар Наврўз арафасида ва байрам кунлари мамлакатимиз пойтахти, вилоятлари, туманлари, меҳнат жамоалари, ўқув юртларида бўлиб ўтган хайр-эҳсон тадбирлари, сайиллар, томошалар, мусобақалар юртдошларимизнинг шоду-хуррам чехраларини, аҳиллигини, келажакка юксак ишонч билан боқишини тараннум этди. Ўша кун «Наврўз чечаклари», «Халқ ижодиёти», «Бойсун» ансамбли, «Алпомиш авлодлари», «Наврўз ҳангомалари» кўрсатувлари, «Ассалом Ўзбекистон» журналининг махсус сони телетомошабинларда яхши таассурот қолдирди.

1996 йилда ўтказилган Наврўз байрами тадбирларида Наврўзнинг тўрт минг йиллик тарихидан ҳикоя қилувчи кўринишлар фольклор дасталарининг чиқишлари орқали намойиш этилди.

Ҳикоя Наврўзнинг осмон ва еру заминнинг илтижо садолари остида пайдо бўлиши билан бошланади:

Ассалом, Наврўз!

Ассалом, Наврўз!

---

<sup>1</sup> «Наврўз - 1995» байрам томошаси видео материаллари асосида.

Чиройингни қилгайсан кўз-кўз!

Воқеалар давомида рамзий образлар яратилиб, ҳикоя уларнинг иштирокида давом этади. Аввало Ерўғлон оқин билан Наврўз ойим диалоги берилади:

ЕРЎҒЛОН ОҚИН - Юзингда бунчалар доғлар,  
Қўлларингда қадоқлар?  
НАВРЎЗ ОЙИМ- Юзда доғлар-тирноғлар,  
Ханжар ила пичоғлар.  
Доғлар шуларнинг изи,  
Тирноғларнинг илдизи...  
Неча марта кўр бўлдим,  
Пешонаси шўр бўлдим.  
Неча яшнадим, сўлдим,  
Неча тирилдим, ўлдим...  
Яна қайтиб зўр бўлдим,  
Ёронларга жўр бўлдим...  
Ўт эрдим ўчирдилар,  
Элимдан кўчирдилар.  
Кул эдим, қайта ёндим,  
Авжиб, аланга олдим.  
Қудратли олов бўлдим,  
Муқаддас ялов бўлдим.

Шундан сўнг юртимизда Наврўз тикланаётгани ҳақида кўшиқ янграйди.

«Ризо-жавоҳир, низо-хавотир» деб номланган бўлим Сиёвушга бағишланган. Сиёвуш ҳам Эрон, ҳам Турон фарзанди сифатида талқин қилинади. У икки мамлакат ўртасидаги низоларни бартараф қилиб, тинчлик ва осойишталик ўрнатиш учун курашган, бунёдкорлик ишлари билан шуғулланган. Аммо тухматга учраб, қатл этилган. Турон халқи унинг

номига қўшиқлар тўқиган. Сиёвуш орқали Эрон ва Турон халқларининг томири бир деган ғоя ўз ифодасини топади.

Навбатдаги бўлим «Зардушт-халойиққа дўст» деб аталади. Унда оташпарстлар пайғамбари Зардушт образи гавдалантирилади. У майдонга тилларанг туя минган ҳолда салобат билан кириб келади. Хурмузд садолари, Зардушт нидолари Амударё қирғоқларида, Орол бўйида жойлашган манзиллар, Хоразм, Суғд, Марв мамлакатларида истиқомат қилувчи халқлар, элатлар бахтлидирлар, чунки жаннатмакон ўлкалар уларники, фақат ўнг қўл ва сўл қўл билан меҳнат қилиш керак, деган мазмун сингдирилган.

Шундан кейин бирин-кетин «Сумалак», «Бободехқон-барака рамзи», «Қўш оши» сахналари, уларга боғлиқ йигит билан қиз лапарлари, «Бугинани-я, шугинани-я», «Оқ теракми, кўк терак» ўйинлари берилади.

“Самарқандда Наврўз сайли” (Амир Темур соҳибқирон сахнаси) деб аталган навбатдаги бўлимда зафарли бир ҳарбий юришдан сўнг Регистон майдонида уюштирилган Наврўз байрами акс эттирилади. Турон ва унга тараққиёт олиб келган соҳибқирон мадҳ этилади. Амир Темур нутқи берилади. Сўнгра унинг амру фармони билан Наврўз маросимлари, томошалари бошланади. Хайру эҳсон улашилади, маҳбуслар бўшатилади. Майдонга чавандозлар от солиб келадилар. Сусамбиллик ва чамбиллик мерганлар камонбозлик қилишади. Бухоро миллий кийимида сусамбил гуруҳи, Хоразм либосида чамбил гуруҳи бир-бирини байрам билан қутлаб, сўнг икки саф бўлиб айтишувни бошлашади.<sup>1</sup>

Навбатдаги Аямажуз афсонаси ҳикоя қилинади. Наврўз байрами кунларидан бирида булоқлар бўйида лола сайли ўтказилаётган бўлади. Турналар учиб келади. Қизлар турналар билан лапар айтишади, қалдирғочлар чарх уриб ўйнайди. Шу пайт бўрон туриб, қоронғилик, ёвузлик тимсоли Ахриманнинг қизи Аямажуз ва унинг Қораёвуз бошлик

---

<sup>1</sup> Шодиев Б. Наврўз байрами. – Тошкент Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2001. – Б.45.

юзларига қора ниқоб тортган шотирлари пайдо бўлиб, қизларни ўғирлаб олиб қочадилар. Дехқон, Боғбон, Чўпон аввалида Аямажузга яхши гапириб кўрадилар, бироқ у кўнмайди. Шундан сўнг одамлар Аямажузни қувлаб тутишга тушадилар. Бир тўда довюрак йигитлар ғордаги қизларни озод қилиб олиб келадилар, Аямажузни ушлаб, бошига муштлаб, очик гўрга тиқиб кўмадилар. Ҳамма балодан қутилганидан хурсанд бўлиб кўшиқ айтади. Даладашда, тоғу қирда яшил майсалар, лолақизғалдоқлар барқ уриб очилади. «Ҳей гуллола, гуллола» кўшиғи янграйди.

Яқунловчи бўлим «Карвон кўрмоқдамен» деб номланган бўлиб, унда сценарий бошламасида бўлгани каби яна Ерўғлон оқин билан Наврўз ойим айтишуви янграйди. Кейин Ерўғлон оқин Замин узра пайдо бўлади. Майдон ўртасидаги тепаликка салобатли қадамлар ташлаб кўтарилади. Халойиққа таъзим қилади ва элимни ёв балосидан, иғво-бўхтон балосидан, офат балосидан асрагин деб Тангрига илтижо қилади. «Наврўзи бузрук» куйи, сўнг «О Наврўз сайли, сайли» кўшиғи янграйди. Майдонда турли миллат кўшиқ ва рақслари ижро этилади. Инсоният бирлиги, Она Ернинг муштарак ватанлиги ҳақида турли тилларда кўшиқ янграйди:

Одам Атодур падар,  
Момо Ҳаводур модар.  
Бўлайлик ёр-биродар,  
Дунё тургунга қадар.

Сценарий баёнидан ҳам англашилиб турибдики, унда Наврўзга алоқадор кўпгина кўшиқлар, маросимлар, тимсоллар тикланган, Наврўз тарихидан жонли тасвирларда ҳикоя қилган бўлса-да, бироқ рамзий қаҳрамонларнинг кўплиги, тарихий-этнографик лавҳаларнинг ҳаддан зиёд даражада ишлатилгани сабабли, шунингдек, мавзу ечимининг пухта ўйланмагани ҳамда конфликтнинг томошанинг бошидан охиригача ўқ томир бўлиб ўтиши таъминланмагани сабабли у лозим бадиийлик касб этмаган. Баъзи ўринларда томошага мўлжаллаб ёзилган бу нарса шунчаки фольклор-этнографик тадқиқотга ўхшаб кетади.

Аммо сценарийдаги нуқсонларни режиссёр Р.Ҳамидов кўп жиҳатдан тузатди ва тенгхуқуқли муаллифга айланди. Томошани уч қисмдан иборат қилиб тузди: 1) қадимги дунё, 2) ўрта асрлар, 3) ҳозирги замон.

Тарихий афсонавий воқеалар, маросимлар, томошалар, тимсолларнинг барчасини Наврўз билан маҳкам боғлади. Тегишлисини қолдириб, қолганларини олиб ташлади. Сценарийда унга эътибор берилмаган Наврўзнинг ҳозирги кунлардаги мавқеига алоҳида қисм ажратди. Аксар рамзий образлардан воз кечди. «Қадимги дунё» қисмида Сиёвуш рамзий образини қолдириб, унинг ўта қисқа монологини бериш ҳамда унинг шаънига айтилган марсияни ижро этиш мўлжалланди. Сухандон Сиёвушнинг жонли табиат рамзига айланиб кетганини айтиб, уни Наврўз айёми билан боғлайди. Ерўғлон оқин деган сунъийроқ тимсол эл оқсоқолига айлантирилади. Мўлжалланган бадиий қисмдан «Наврўзим келур» кўшиғини (Ҳ.Шарипов сўзи, М.Насимов мусиқаси), «Оташ рақси» (яъни арслонлар ва бақарлар ўйини, Т.Тожиев мусиқаси), «Сумалак рақси» (Б.Алиев мусиқаси) қолдирилган, холос. Зардушт образи ҳам бир лаҳзагина намоён бўлади. «Ўрта асрлар» қисми ҳам гапдан, диолог ва монологдан кўра кўпроқ ҳаракатга, хореографик ва этнографик лавҳаларга таяниб муштдай қилиб ишланган. Наврўзнинг ўзига бағишланган. Бободехқон пайдо бўлади. Наврўзни «кел, ҳой!» деб чорлайдилар. Кейин «Суст хотин» маросими, сувга роз айтиш («Булоқ бошида қирқ қиз», Б. Лутфуллаев мусиқаси), «Оқ теракми, кўк терак?» ўйин-рақси, қайроқ ўйини берилади. Аямажузга боғлиқ саҳналарни гавдалантиришга 70 киши жалб этилган. Соҳибқирон Амир Темур саҳнаси шундан кейин кўрсатилади. Ниҳоят, ҳозирги замон қисми асосан «Наврўз сайли-Турон карнавали» номли композициядан ташкил топган бўлиб, вилоятларнинг Наврўз дастурлари (300 киши) кўрсатилган ҳамда Тошкент маҳаллалари бадиий гуруҳлари (500 киши) иштирок этган. «Мустақил Ўзбекистон» (П.Мўмин сўзи, Б.Алиев

муסיқаси) кўшиғи ва умумий вокал-хореографик сюита билан байрам томошасини яқунлаш режалаштирилган.<sup>1</sup>

1997 йилги Наврўзнинг Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ўтказилиши мўлжалланган асосий томоша сценарийсини ҳасос шоир Абдулла Орипов ёзди. Уни «Наврўзнома» деб атади. Сценарий ёзиш жараёнида бош режиссёр Рустам Ҳамидовнинг фикрлари ва таклифлари инобатга олинди, албатта. Хуллас, бадиий жиҳатдан пишиқ, поэтик, образли, замонга ҳамоҳанг асар яратилди. Шоир иш жараёнида композитор Анор Назаров ҳамкорлик қилган. Шу боис «Наврўзнома» муסיқаси томоша таркибини, композициясини ўқтомир бўлиб ушлаб турувчи восита сифатида қоралади.

Шундан кейин Бобоқуёш, Ой, Замин, Инсон қиёфалари пайдо бўлади. Қуёш ва инсоннинг сўзлари берилади. Қуёш дейди:

Ҳой инсон, ниҳолга нур бердим бугун,  
Япроғига шабнам, дур бердим бугун.  
Ниҳолга меҳрни тиндирма энди,  
Магар кўкарибди, синдирма энди.  
Мен сенга меҳримни тугал берганман,  
Ҳаттоки атайлаб мучал берганман.

Саҳнада 12 та мучал қиёфаси кўринади. Улар майдон бўйлаб ўтадилар. Ўтган 1996 йил Сичқон йили бўлганидан алоҳида эсланади. Янги мучал-Сигир йили бошлангани эълон этилиб, у ўзлигини намоён қилади:

Ерга дон сочдим, мўл бўлади мў-ў-ў,  
Элга сут бердим, кўл бўлади мў-ў-ў...

Сигир шохлари мойланиб, омоч ҳаракатга тушади. Ерга дон сепилади. Халқнинг ҳазил-мутойиба кўшиғи янграйди. Инсон шукрона келтиради. Буни эшитиб Қуёш меҳнаткаш Инсонни сийлаганини, хуш кўрганини изҳор қилади.

---

<sup>1</sup> «Наврўз - 1996» байрам томошаси видео материаллари асосида.

Шундан сўнг майдонга бирин-кетин 12 вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси фольклор жамоалари кириб келиб, ўзларига хос санъатларини намоиш этишлари белгиланади. Ҳар бир вилоят намояндалари ўтаётганда, таништирув шеъри ўқилиши, ҳаракатланувчи бадиий қурилма пайдо бўлиши айтилади.

Томошанинг асосий қисмида инсон манфаатларига хизмат қилишни ўз бурчи деб билган юртбошимизнинг Ўзбекистон халқига, унинг порлоқ истиқболига ишончи ўзи ифодасини топгандай. Табиат уйғонадию, Ниҳол пайдо бўлади. Қуёш заррин нурларини таратади. Дехқон дон сочади. Келиларда буғдой майсалалари туйилиб, дошқозонда сумалак қайнайди.

Шундан кейин 12 мучалга бағишланган вокал-хореографик композиция (Шукур Қурбонов ва Жуманиёз Жабборов шеърлари, Баҳрилла Лутфуллаев мусикаси) берилиб, ҳар мучалга хос жиҳатларни акс эттирувчи кўшиқ ва рақслар ижро этилади. 1997 йил мучали бўлмиш Сигир тахтда, унинг атрофида бошқа мучаллар айланиб ўйнашади. Сигир ўз қўшиғида бу йил қут-баракали келишини изҳор қилади.

Вилоятлардан келган ижодий жамоалар, фольклор-этнографик дасталарининг ўрни, сценарийдан фарқли ўлароқ, байрам томошасида ихчам шаклда, табиий берилган. Ҳар вилоятларнинг ўзига хос иқтисодиёти ва маданияти аввало ҳаракатланувчи қурилмада, сахнада эса ижодкорлари дастурларида намоён бўлади. Сахнадагилар Наврўзга бағишланган ўзига хос томоша ва ўйинларини эҳтирос билан ижро этадилар. Ҳар бир вилоят дастуридан нимадир томошабинларни лол қолдиради. Сурхондарёликларнинг қошиқларини уриштириб бир оёқни кўтариб-кўтариб ўйнаши, сирдарёликларнинг лола сайли (йигитлар ва қизларнинг висолга етишув маросими), бухороликларнинг келин кўрдиси, жиззахликларнинг куёвнинг қулоқчўзма қилишлари, кашталиқ либослар кийган самарқандлик йигит-қизларнинг бир-бирларини табриклар ўйнаши, навоийликларнинг «оққина бола-ёр-ёр, Ҳамдам ёр-ёр» ўйин-қўшиғи, қашқадарёликларнинг чарх йиғириб, гилам тўқиши, фарғоналикларнинг

кураш пайровидаги аскияси ва катта ашуласи, наманганликларнинг «Во ҳой бола» рақси, андижонликларнинг «Қилпиллама» ҳазил-қўшиғи, қорақалпоқларнинг бахшиси-ю йигитлар рақси, хоразмликларнинг «Наврўзи олам келди» дастури ва гулбаркашда Наврўзойни кўтариб чиқиши шу жумладандир.<sup>1</sup>

1998 йил 11 март куни Вазирлар Маҳкамасида Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита мажлисини шахсан Президентнинг ўзи бошқарганини шу билан изоҳлаш мумкин. У йиғилишда Наврўзнинг диний эътиқодлардан анча олдин пайдо бўлганини, асрлар давомида халқимизнинг энг қадрли ва энг суюкли байрами бўлиб келганини қайд этиб, табиатнинг уйғониши ва яшариши, шу табиатнинг олий маҳсули бўлмиш инсоннинг руҳий ва жисмоний покланиши, ерга уруғ сочиши, кўчат экиши, меҳр-мурувват кўрсатиши, яхшилик қилиши, тозалikka интилиши, гўзал ҳис-туйғулар, орзу умидлар билан тўлқинланиши мазкур байрамнинг энг муҳим хусусиятлари эканини яна бир қарра таъкидлади. Президент Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ўтадиган байрам дастурига тўхталиб, унда санъатимизнинг барча ўзига хос йўналишларини акс эттириш зарурлигини уқтирди. Мумтоз куй ва кўшиқлар, халқ ижодиёти, масхарабозлар, полвонларнинг чиқишлари, театрлашган маросимлар билан бир қаторда замонавий санъат намуналари ҳам бўлишига эътиборни қаратди. Миллий эстрада масаласига алоҳида тўхталди.

Юртбошимиз ташкилий ва ижодий масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, томоша дастури, моҳияти ва таркибини ҳам белгилаб берди. «Наврўзнинг бошқа байрамларга ўхшамайдиган, ўзига хос яна бир жиҳати,-деди юртбошимиз,-мафкурадан, сиёсатдан холи умумхалқ байрами эканлигидар. Байрамга тайёргарлик ҳам шунга яраша бўлиши лозим. Токи биз тантаналардан одамлар юракда бор туйғуларини юзага

---

<sup>1</sup> «Наврўз - 1997» байрам томошаси видео материаллари асосида.

чиқаришларига, интилишларини ифодалашларига, орзу-умидларини намоиш эта олишларига имконият яратиб берайлик».<sup>1</sup>

Оммавий томошада халқ ижоди, эстрада, Алпомиш ўйинлари, мамлакатимизда яшовчи турли миллатларнинг санъатлари ўз ифодасини топиши ҳам таъкидланди.

Сценарий муаллифи Абдулла Орипов, бош режиссёр ва бадий раҳбар Рустам Ҳамидов ўз ишларида мажлисда айтилган гапларга, йўриқларга таяндилар. Сценарий ва шу асосда яратилган оммавий майдон томошаси буни аниқ тасдиқлайди.

Сценарий Муқаддима, беш қисм ва хотимадан ташкил топган.

Муқаддимада чорлов мусиқаси янграйди, бошловчи сўзи, кейин сахнада янги йил-Йўлбарс пайдо бўлади ва ўз шериклари билан ўйнайди. Наврўз ҳақида янги кўшиқ айтилади. Майдон одамга тўлади. Сўз Президентга берилади.

Биринчи қисм «Табиатнинг тўрт фасли» деб аталган бўлиб, театрлашган шеър-мусиқий композиция билан бошланади. Ёз, Куз, Қиш, Баҳор образлари гавдаланади.

«Бола бахти-оила бахти» деб аталган иккинчи қисмда етти ёшли болалар гуруҳи томонидан «Етти болакай кўшиғи» куйланади. Она замин, Баҳорой, йўлбарс тимсоллари пайдо бўлади. Баҳорни мадҳ этувчи болалар кўшиқлари, ўйинлари ўйналади. Оила мавзуси ёритилади.

Учинчи қисм «Ўзбекистон-алплар, Алпомишлар юрти» деб номланган ва «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган: «Алпомиш» достони ва мусиқали драмаси асосида Барчинойнинг Алпомишни кутиши ва Алпомишнинг ғалаба билан қайтиши сахнаси яратилиши кўзда тутилган.

«Халқ ижодиёти-санъат сарчашмаси» номли тўртинчи қисм чол ва кампирнинг айтишуви билан бошланиб, унда етти қаср-кошоналар олдида етти келин билан етти куёв пайдо бўлиб, келин салом, исириқ тутатиш,

---

<sup>1</sup> Энг қадимий, энг миллий байрам. –«Халқ сўзи», 1998 йил 13 март

шарбат ялатиш, ойна кўрсатиш маросимлари кўрсатилиши айтилади. Мана шу қисмда янги эстрада кўшиқлари ҳам ижро этилиши режалаштирилади. Умуман, қисм тўлалигича Тошкент шаҳри туманлари иштирокчилари томнидан бажарилиши назарда тутилади.

«Ўзбекистоннинг ранг-баранг гулдастаси» деб аталган бешинчи қисм вилоятларнинг вакилларига ажратилган.

Томошани кузатар эканмиз, унда ташкилий кўмита билдирган таклифлар, йўл-йўриқлар ҳисобга олинганини, наинки эстрада, шу билан бирга халқ ижодиёти, оила ва болалар мавзулари, «Алпомиш» сахнаси, вилоятлар санъати тўлақонли ёритилганини кўрамиз. Оила мавзуини ёритишда кўқонлик Шерқўзиевларнинг 16 кишилик оилавий ансамбли хизмат қилди. Вилоятларнинг вакиллари ўзларига ажратилган 3-4 дақиқали вақт ичида бисотларидаги энг яхши, энг қизиқарли кўшиқ, ўйин ёки театрлашган маросимларни кўрсата оладилар. Қашқадарё вилояти гулларга бурканган бешик-аравада Баҳоройнинг кириб келиши, кейин араванинг чархпалакка айланиши, кўплашиб ижро этилган «Хувва-хув» ўйин-кўшиғи билан, Фарғона вилояти оилавий ансамбли ҳамда М.Қозоқов, М.Шералиев, Ҳ.Султонов ва бошқа аскиячилар ижро этган «Наврўз» пайрови билан, Тошкент вилояти ҳашар сахнаси, полвонлар чиқиши, «Наврўз таронаси» (Н.Нарзуллаев шеъри, халқ мусиқаси) билан, Бухоро вилояти Афанди қиёфаси, «Мавриги» томошаси ва рақслари билан, Навоий вилояти қайнона-келинларининг сумалак тайёрлаш сахнаси, арқон тортиш, хунарни улуғловчи кўшиқлари билан, Сирдарё вилояти «Чоймомо» номли шамол ҳайдаш, кўпкари, олтин маросим-томошалари билан, Жиззах вилояти ёр-ёр айтиш маросими, чавгон, бешқарсак, жийда пўпак ўйинлари билан, Самарқанд вилояти бойчечак сайли, «Оҳ бола, бола», «Маҳсидўз» кўшиқлари билан, Наманган вилояти қизларининг лола сайлида ўйин-кулги қилишлари сахнаси билан, Андижон вилояти «Андижон полькаси», «Дучава» рақслари билан, Сурхандарё вилояти раққосаларнинг сибизик, чангқовуз, дўмбира ва дойра жўрлигида қовоқ идиш ва қошиқларни

карсиллатиб ўйнаб чиқишлари, деҳқон ва ҳунармандларнинг меҳнати манзараларини акс эттиришлари билан, Хоразм вилояти Лола сайлида қиз-йигитларнинг айтишуви, сумалак маросими, чоллар ракси, қовун хусусида ҳазили билан, Қорақалпоғистон қорауй олдада йигит-қизларнинг ўйин-кулгуси, «гештек» хангомаси билан минглаб (телеведение орқали кўрсатилганда, миллионлаб) томошабинларни ром этдилар.

Болаларга бағишланган катта композиция, «Алпомиш» сахналари ҳам томошага узукка кўз қўйгандай ярашган. Умуман, табиат ва унинг фарзанди Наврўзнинг абадийлиги, у билан боғлиқ халқнинг, халқ санъатининг абадийлиги ғояси бутун томоша бўйлаб ўтади ва унинг абадийлиги яхлитлигига хизмат қилади. Томошада қадимий санъат ва маросимларнинг замонавий қўшиқ ва рақслар билан, мумтоз мусиқа, рақс санъати намуналарининг халқ ижодиёти билан бирга қўшиб тараннум этилиши санъатимиз абадийлигини билдиради.

1998 йилги Наврўз театрлашган томошаси кўп жиҳатдан янги, топилмалар, тафсилотга бой. Аммо шулар орасидаги энг катта янгилик-бу Алпомиш билан Барчинойга бағишланган сахналардир. Уларни кашфиёт деб атаса арзийди. Майдонда ва сахнада тарихий-афсонавий манзара яратилади. Кўнғирот элининг туғи пайдо бўлиб, қасава бош кийимлари алланечук қўйлақлар кийиб, бозгардонлар тақиб олган Барчиной ва унинг дугоналари пайдо бўлади. Барчиной (З.Бойхонова) севган ёри ва барча алпларнинг ғалаба билан қайтишини тилаб куйлайди. Бир маҳал тулпор минган алплар майдонга кириб келишади. Улар орасида оқ отда Алпомиш (Р.Исмоилов), Барчиной дугоналари билан Алпомишни қарши олади. Севишганлар учрашади. Камон отиш, қиличбозлик, оғир юкларни кўтаришда ботирлар ўз куч маҳоратларини намоиш қилдилар. Уларга халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган спорт усталари намоиши уланиб кетади.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> «Наврўз - 1998» байрам томошаси видео материаллари асосида.

1999 йилги Наврўз байрамини тайёрлаш ва ўтказиш ишлари анча эрта бошлаб юборилди. 1998 йил 18 ноябрда Наврўз моҳиятини белгиловчи ғоя, томоша сценарийси, бадиий безак, либослар, вилоятларнинг энг яхши бадиий дастурлари, вазирликлар, муассасалар ва ўқув юртларининг энг яхши дастурлари, янги мусиқа асарлари, режиссёр режалари бўйича республика танлови эълон қилинди. Бундан ташқари, Маданият ишлари вазирлиги ҳам Наврўзга бағишланган энг сара сценарийлар учун танлов эълон қилди. Шу асосда ижодий жамоалар, ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, халқ ансамбллари, режиссёрлар ишга тушиб кетдилар.

Байрам шодиёнаси бошланади. Асосий сахна, йўлаклар, кўприклар, Навоий ёдгорлиги зиналари, фаввора атрофлари лолазорга айлангандай. Гулларни эслатувчи ранг-баранг либослардаги қизлар «Нозланажакдир» (Ж.Жабборов сўзи, А.Назаров мусиқаси) деган янги қўшиқ оҳангларига мос тебранишади. Сахна ортида ўрнатилган дорда чакқон дорбозлар ўйнашади. Ўз жасорати, ақл-заковати, нафосати билан тарихда ўчмас из қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Дилшод Барно, Зулфия сиймолари сахнада гавдаланади. Шундай буюк момоларимиз бўлганлигидан қалбларимиз ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлади.

Томошада асосий ўринни эгаллаган ва бевосита Наврўз мавзуини ёритувчи «Гул диёрим бор менинг» қисмида ҳам аёллар мавзуи етакчилик қилади. Унда Қорақалпоғистон ва вилоятлардан ташриф буюрган ижодий жамоалар, фольклор ансамбллари, санъаткорлар ва ҳаваскорлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Айниқса, «Сумалак» (Андижон), «Навбахор» (Наманган) рақс ансамбллари, «Афсона» (Бухоро), «Сайхун йигитлари» (Сирдарё), «Гулираъно» (Жиззах), «Бешқарсак» (Самарқанд), «Нуржаҳон» (Навоий), «Хоразм наволари» халқ ансамбллари, Тошкент, Фарғона ва Сурхондарёнинг йиғма бадиий ҳаваскорлик жамоалари ижро этган рақслар, ўйинлар, термалар томошабинларда яхши таассурот қолдирди.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> «Наврўз - 1999» байрам томошаси видео материаллари асосида.

Сўнгги йилларда ўтказилган Наврўз байрамларида Қорақалпоғистон ва вилоятлардан ташриф буюрган ижодий жамоалар, фольклор ансамбллари, санъаткорлар ва хаваскорларнинг ижодий чиқишларига қисман чек қўйилди. Сабаб ҳар бир вилоятда ҳам бу байрамнинг катта тантаналар билан ўтказилиши ва у байрамда вилоят фольклор жамоаларининг иштирок этишидир. Лекин пойтахтимизда ўтказилиб келинаётган Наврўз байрамларида “Айқулаш”, “Бухоро гўзаллари” рақс дасталари фаол иштирок этиб келмоқда. 2014 йил Наврўз байрамида эса кўп йиллик тажрибага таянган ҳолда яна вилоят жамоалари ўз дастурлари билан иштирок этишди. Мазкур жамоалар репертуари нафақат миллий урф-одатни ва маросимларни тараннум этишга балки, ушбулар орқали прогрессив ғояларни тарғиб қилишга хизмат қилди.

### **II боб бўйича хулоса:**

Оммавий томошалар халқнинг ижтимоий-маданий ҳаётида, халқнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилишда муҳим роль ўйнайди. Улар шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва ижтимоий-маданий фаоллигини ошириш жараёнини ўзига хос вазифаларини бажаришга, яъни хаваскорлик ижодига жалб қилиш ва мазмунли дам олиш, ҳордиқ чиқаришни уюштиришга ёрдам беради. Оммавий томошалар фақатгина кишиларнинг ҳордиқ чиқаришинигина эмас, балки билимини, дунёқарашини ўстиришга, ижодкорлигини оширишга қаратилган бўлиб, ўз навбатида, жамиятдаги асосий иш фаолияти билан яхшироқ шуғулланишга самарали ёрдам беради.

Оммавий томошалар инсоният яратган энг яхши прогрессив халқ анъаналарини сақлайди, ривожлантиради, тарғиб қилади. У оммани фақат маданият намуналаридан баҳраманд бўлишга шароит яратибгина қолмай, унинг маданий қиёфаси, хулқ-атвори, одоби ва ахлоқининг шаклланишига туртки бўлади.

Халқ ижодиёти жанрлари ижросидаги ҳар қандай асар аввало инсонга маънавий таъсир қилишга, унга эстетик завқ ва тарбия беришга

қаратилган бўлиб, мустақиллик даври халқ байрамларида ҳам мазкур асарлар ўз таъсир кучини йўқотмасдан келмоқда. Мустақиллик даври Наврўзининг уч муҳим хусусиятини алоҳида қайд этиб ўтиш керак.

Биринчи муҳим хусусият шуки, Наврўз бу даврда Мустақилликни мустақкамлаш, мамлакатимизда тинчлик-осайишталик, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик ўрнатиш, миллий онг, миллий ғурур, Ватан туйғусини шакллантириш, маънавий қадриятлар, миллий меросга бўлган меҳр-ихлосни кучайтириш, қонун устуворлиги, адолатни таъминлаш, инсоннинг кадр топиши, истеъдоди, салоҳиятини намоён этишдан иборат.

Иккинчи муҳим хусусият – бу Наврўзнинг янги даврда катта бадиий-эстетик мазмунга эга бўлганлигидир. Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ўтадиган асосий катта томошалардан тортиб узок қишлоқ гузари ёки мактабидаги маросимларгача сценарийлар асосида, махсус кишилар томонидан бадиий жиҳати, мазмундорлиги, кўркемлиги, таъсирчанлигини таъминлашни ўйлаб уюштириб келинмоқда.

Наврўз ҳар бир қишлоқ, ҳар бир туман, ҳар бир вилоят ва бутун юртимизнинг санъати, урф-одатлари, салоҳияти, куч-қудратини намоёиш этувчи майдонга айланмоқда. Шундан мустақиллик давридаги Наврўзнинг учинчи муҳим хусусияти келиб чиқади. У ҳам бўлса Наврўзнинг халқ маънавияти, халқ ижодиётини ривожлантириш манбаларидан бирига айланишидир. Наврўз туфайли янги ижодий гуруҳлар, фольклор жамоалари тузилди, янги бадиий дастурлар, сахна асарлари яратилди, унитилган маросимлар, томошалар, ўйинлар, кўшиқлар, яллалар, рақслар тикланди.

Мазкур бобда Мустақиллик йилларида ўтказилаётган Наврўз байрамига бағишланган оммавий томошалар драматургиясида қўлланилаётган халқ ижоди асарлари ва маросимлари, фольклор санъати, замонавий эстрада санъати ва маросимлари композицион қурилиш манбалари бўлиб хизмат қилиши, оммавий байрамлар драматургиясида композицион қурилишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидаги функцияларни бажаришга қаратилгани маълум бўлади.

Биринчидан – сиёсий-мафкуравий функция бўлиб, халқнинг саводини оширишга, кишилар онгига мустақиллик ғояларини сингдиришга хизмат қилади.

Иккинчидан – ватанпарварлик, миллийлик функцияси бўлиб, байрам ва томошаларда ватанни, миллат миллийлиги тараннум этилади, томошабин қалбида ушбу ҳиссиётлар кучайтирилади.

Учинчидан – маданий-маърифий функция бўлиб, байрам ва томошалар, сайиллар, намойишлар, маросимлар томошабинларга, иштирокчиларга ҳам муайян маданий-маърифий ахборот беради, уларнинг онгига ва шуурига таъсир кўрсатади.

Тўртинчидан – маънавий-тарбиявий функция. Яъни томошалар ўзининг ранг-баранглиги, тарихий ва замонавий ҳаёт лавҳаларини ёритиши, мазмундорлиги, образлилиги билан омманинг маънавий дунёсини бойитиб, улкан тарбиявий аҳамият касб этади. У халқни, айниқса, ёшларни одамийликка, дўстликка, ўзгаларга ҳамдард бўлишга, миллий анъаналарнинг кадрига етишга ўргатади.

Бешинчидан – бадиий-эстетик функция. Байрам ва томоша халқнинг бадиий эҳтиёжини қондириш, эстетик дидини ўстиришга қаратилган.

Олтинчидан – қаҳрамонлик, эргаштирувчи функция бўлиб, оммавий байрам ва томошалар драматургиясида замонавий қаҳрамон образини яратиб, томошабинни ушбу образдаги хислатларга эргаштириш, мазкур қаҳрамонни намуна сифатида кўрсатади.

Еттинчидан – байналминал функция бўлиб, ўзбек заминида истиқомат қилаётган миллатлар тотувлиги, дўстлиги уларнинг санъатлари орқали намойиш этилади.

Саккизинчидан – шижоат ва мардлик, ҳалоллик функцияси бўлиб, асосан миллий халқ ўйинлар ўйинларига хосдир.

### **III – БОБ. ЗАМОН ҚАҲРАМОНИ, МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА МАФКУРАСИ АСОСИДА КОМИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШДА ПРОГРЕССИВ ҒОЯЛАРНИНГ УСТУВОРЛИГИ**

#### **3.1. Замонавий байрам ва томошаларда замон қаҳрамони образини яратиш муаммоларини ҳал этиш услублари**

Комил инсон тушунчаси, маънавий баркамол инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Маънавий баркамолликка эришмай комил инсон даражасига етиш мумкин эмас. Демак, маънавий баркамоллика интилиш – бу комил инсон даражасига эришиш учун интилишдир. Комилликка инсон бутун умри давомида эришиб боради. Учала тушунча: соғлом авлод, маънавий баркамол, комил инсон даражама-даража чуқур маъно касб этади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, комил инсон бўлишнинг аниқ чеки ва чегараси йўқ. Бизнинг кўҳна тарихимизда юзага келган, халқ, мамлакат тарихида катта маънавий-ахлоқий тарбия ролини ўйнаган тасаввуф комил инсон назарияси ҳақидаги, уни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақидаги таълимот ва амалиёт саналади.

Комил инсонлар жамиятнинг тирик виждонларидир. Кишилар уларга қараб хушёр тортадилар, дунё беҳудалигидан ўзларига келиб, ўз қалбларига, ўз қилаётган ишларига разм соладилар, тавба-тазарру қиладилар.

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” асарида комил инсонга хос хусусиятлар, унинг шарқона фазилатлари санаб ўтилган. Булар қаторига улуғ мутафаккир қуйидагиларни киритади: тавба, ҳалол лукма билан қаноатланиш, ўз касбидан топиб кун кўриш, шариатга риоя қилиш, барчадан ўзини кам деб билиш, ҳатто фарзандлари, хизматларига қўполлик қилмаслик, чучук тилли бўлиш, саҳий бўлиш, мард бўлиш, ҳалимлик, хушхулқ бўлиш, рози-ризолик билан кун ўтказиш, сабрли бўлиш, садоқатли, вафоли бўлиш, риёзат чекишдан кўркмаслик ва бошқалар.

Шу тариқа ўтмишда, комил инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодекси ишлаб чиқилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир одамнинг орзу-армони деб қаралган.

Шунинг учун ҳам юртбошимиз “Юксак маънавият – келажак пойдевори” деган ҳикматли шиорни янада баландроқ кўтардики, юксак маънавият мустақилликни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш учун муҳим ва зарурий тамойиллардан бири бўлиб қолди.

Ушбу ғоялардан келиб чиқиб, оммавий байрам ва томошаларда, унинг драматургиясида, режиссурасида, шу ғояларни мақсад қилиб қўйган байрам ва томошаларни яратишдек вазифалар турибди. Ушбу вазифалар билан биргаликда, ҳурматли президентимиз И.А.Каримов, Бухоро театрининг очилишида, маданият ва санъат зиёлиларининг олдига – адабиётда, театр ва кинода замон қаҳрамони образини яратишдек муҳим вазифани юкладилар.

Ҳозирги кунда Ватанимизда анъанавий равишда ўтказиб келинаётган миллий байрамлар: “Наврўз”, “Меҳржон”, “Ҳосил байрами”, “Пахта байрами”, “Биринчи чигит қадаш”, “Биринчи қарвон”, “Қовун сайли”, “Узум сайли”, “Лола сайли”, “Анор сайли”, “Қуш сайли”, “Биринчи қадам”, “Мучал тўйи”, “Устоз ва шогирд”, “Қурбон ҳайит”, “Рамазон ҳайити” каби янги байрамлар – “Мустақиллик”, “Конституция куни”, “Ватан ҳимоячилари куни”, “Болалар куни”, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” каби спорт байрамлари, “Устоз ва мураббийлар куни”, “Театр куни”, “Шифокорлар куни”, “Қишлоқ хўжалик ходимлари куни”, “Журналистлар куни” ва ҳ.к. касбий меҳнат байрамлари ўтказилади.

Ушбу байрам ва томошаларда мустақил ҳаётимиз, турмуш тарзимиз, ёшларнинг интилиши каби комил инсоннинг қуйидаги хислат ва фазилятлари намоён бўлиши керак.

**Комил инсоннинг умумий хислатлари:** Ёқимлилик, кўркемлик, жозибадорлик, салобатлилик, ҳурматга сазоворлик, шоироналик,

улуғсифатлик, ўзига хослик, етуклик, жиддийлик, маданиятлилик, тарбияланганлик ва бошқалар.

**Комил инсоннинг ахлоқий фазилатлари:** Инсонпарварлик, дўстлик, ғамхўрлик, жонкуярлик, самимийлик, одамийлик, болажонлилик, иймонлилик, фидокорлик, хушмуомалалик, боадаблик, илтифотлилик, кечиримлилик, меҳмондўстлик, ҳалоллик, диёнатлилик, харомдан ҳазар қилиш, меҳнатсеварлик ва ҳоказолар.

**Ишбилармонлик хислатлари:** ишчанлик, тиришқоқлик, серҳаракатлик, масъулиятлилик, инсофлилик, ҳалоллик, малакалилик, эпчиллик, удабуронлик, саранжом-саришталик, тадбиркорлик, аниқлик, тежамкорлик, баркамоллик, таъмасизлик, таваккалчилик ва бошқалар.

**Зукколик, идроклилик фазилатлари:** зеҳнлилик, баъманилик, хотиржамлик, соғлом фикрлилик, донишмандлик, сезгирлик, заковатлилик, топқирлик, нотиқлик, танқидийлик, дадиллик, омилкорлик, саводхонлик, қизиқувчанлик, ишқибозлик кабилар.

**Собитлик хислатлари:** фаоллик, қатъиятлилик, тезкорлик, жўшқинлилик, тезкорлик, бир сўзда туришлик, барқарорлик, ботирлик, довюраклик, нафси тийишлик, ўзини йўқотмаслик, совуққонлик, жиддийлик, ўзига талабчанлик, камсукумлилик, ўзини ўзи идора эта билиш ва бошқалар.

**Эҳтирослилик хислатлари:** кўтаринкилик, тантанаворлик, кулиб туришлик, хазинлик, келажакка ишонч, эзгулик, кек сақламаслик, олийжаноблик, оташинлик, нозик табиатлик, ҳаёлилик, ҳижолатпазлик, ифбатпазлик ва бошқалар.

Бизнингча, айти шу хислат ва фазилатларни байрам ва томошаларда қўллаш, ёшларимиз онгига сингдириш, уларни баркамол, соғлом ва комил инсон руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳурматли президентимиз томонидан қўйилган вазифа бўйича театрда, кинода адабиётда замон қаҳрамони образини яратиш борасида ижодий изланишлар олиб борилмоқда.

Аудиторияси энг катта бўлган санъат тури бўлмиш оммавий байрам ва томошаларда ҳам айнан шу вазифа актуал бўлиб турибди. Айниқса, оммавий байрам ва томошаларда замон қахрамонини яратиш, инсонларга кучли эмоционал таъсир қила олиши билан ажралиб туради. Бунинг учун оммавий байрамнинг турли-туман жанрларида катта имкониятлар бор.

Лекин, ҳозирги ўтказилаётган байрамларда театрлаштириш услубининг қўлланилмаётгани панд бермоқда.

Биз биламизки, байрам ва томошанинг бадиий жиҳатдан етук, композицион жиҳатдан мукамал бўлиши учун албатта театрлаштириш услубини қўллаш лозим. Охириги даврда ўтказилаётган байрам ва томошаларда, мавзусининг қандай бўлишидан ташқари фақат концерт дастури, кўшиқ ва рақс намойиш этилаяпти. Бу эса, байрам ва томошаларни “штамп”га, бир хилликка тортиб, унда ишлатиладиган блоклар, сюжет йўналиши, доимий равишда олдингисини қайтаради. Шунинг учун томошабин нима бўлишини олдиндан билиб туради. Шу сабабли бундай байрам ва томошаларга томошабиннинг қизиқиши йўқолиб бормоқда. Масалан, охириги йилларда ўтказилаётган “Мустақиллик” байрамларида қуриладиган сюжет йўналиши кўп йиллардан буён қуйидагича: пролог, болалар, спорт, харбий ва эстрада чиқишларидан иборат бўлмоқда. Баъзан бу блоклар орасига хонандалар кўшиқлари кўшиб кўйилади. Лекин, театрлаштиришдан ном-нишон йўқ.

Байрам ва томошалардаги бадиийликни ёритиб, ғоя ва мақсадни очиб беришга ёрдам берувчи бадиий образлилик йўқолиб бормоқда. Театрлаштириш услуби ёрдамида эришиладиган бадиий образлилик йўқолиб бормоқда. Театрлаштириш услуби ёрдамида эришиладиган бадиий образлилик, томошабинга ижтимоий-педагогик, ижтимоий-психологик, маънавий-бадиий таъсир қилиб, томошабинга эмоционал таъсир кучини янада оширди.

Бугунги кунда, театрлаштиришнинг хусусиятини, маънавий ишдаги ўрни, имкониятлари, уни қўллаш бўйича умумий тушунча йўқ. Шу билан

бирга театрлаштиришнинг назарий томонлари аниқ ишлаб чиқилмаганлиги амалиётчиликка салбий таъсир этмоқда. Бу борада амалиётда энг кенг тарқалган хато – бу театрлаштиришга эмпирик ёндашув бўлиб, яъни бадиий материални (кино, видео материални, спектаклдан парчани, кўшиқ, мусика, ракс, концерт номерларни) байрам ва томошалар дастурига қандай қўшишни билмайдилар.

Йўл қўйиладиган яна бир хато – театрлаштиришга, барча байрам ва томошаларга тўғри келадиган универсал усул сифатида механик ёндашувдир. Шу тариқа фалш юзага келади. Бунда байрам ҳаракати, ўйламасдан ишлатилган театрлаштириш услубига қарши чиқиб, примитивликка олиб келади.

Бугунги кунда йиғилган тажрибани чуқур ўрганиб, театрлаштириш услубини қандай қўллаш кераклигини ишлаб чиқиш лозим. Шу нарсага эътибор беришимиз керакки, театрлаштиришни ҳамма жойда ҳам ишлатиб бўлмайди. Театрлаштиришни, реал бошланган воқеалар аниқ аудиторияга тааллуқли бўлгандагина, ушбу воқеанинг образи топилгандагина, бадиий интерпритация қилиш мумкин.

Театрлаштиришнинг бундай ҳаракат функциялари, реал ва бадиий фаолиятни синтезлаб, инсонлар ҳаётидаги аниқ воқеалар билан узвий боғлиқ бўлиб, у ёки бу ҳодисани чуқур мулоҳаза қилишга ундайди. Бундай пайтда образларни рамзий умумлаштириб, оммани театр кўнунлари бўйича ташкил қилиш, бадиий ҳаракатга бўлган иштиёқни кучайтиради. Шу сабабли театрлаштириш, оммага педагогик таъсир қилиш услуби сифатида шаклланади. Шунинг учун ушбу чуқур ижтимоий-психологик асосга эга бўлган, санъатга жуда яқин бўлган мураккаб ижодий услубдан барча ерда фойдаланиш мумкин.

Ўзининг ижтимоий-педагогик ва бадиий биофункционаллиги сабабли, театрлаштириш услуби бир варакайига ҳам ҳаётини материални бадиий қайта ишлаш ва халқ оммасининг ўзига хос ҳаракати ташкил қилиш услубига айланади.

Оммавий байрам ва томошалар сценаристи ва режиссёри катнашчиларнинг фаол ҳаракатини, бадиий образлик даражасига олиб чиқишда доимо психолог ва педагог вазифасини бажаради. Оммавий байрам ва томошаларда қўлланиладиган театрлаштириш услуби, ўзининг бадиий табиати бўйича, юқори ғоя ва ёрқин образли шаклдан ташкил топади. Шунинг учун, театрлаштиришда образли ҳал этиш, байрамни сценарий-режиссёрлик йўналиши орқали, ижтимоий-маълумотни қайта ишлашга ундайди.<sup>1</sup>

Театр драматургиясида муаллиф катта ижтимоий ва бадиий умумлашмалар, йиғма образларни театр санъати функцияларига жавоб берувчи, қаҳрамон ва воқеаларни аниқлаштирмаса ҳам бўлади. Оммавий байрам ва томошалар драматургиясида эса, муаллиф реал воқеа ва фактларни, бадиий фикрлашнинг ижтимоий функцияларига асосланиб куради. Унинг қаҳрамонлари тўқима бўлмай, ҳар доим аниқ, реал бўлади. Бу ерда, театрлаштиришнинг асосида ётган, у ёки бу воқеаларни, қаҳрамонни тўғри танлаш катта аҳамиятга эга.

Байрамларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, айниқса театрлаштиришда меҳнат анъаналарини давом эттириб, ривожлантираётган фахрийлар, ёшлар образлари жуда ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Аниқ, тарихий воқеалар фонида яратилган ёрқин реал образлар жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли бўлаётган ижтимоий-маданий воқеаларни чуқур англаб, тушуниш мумкин.

Тарих садоси... Бизнинг қалбимизда, онгимизда, эсдаликларда, ҳикояларда, реал воқеаларнинг гувоҳлари нутқларида, ҳужжатларда яшайди. Аниқ инсон тақдирида, авлодларнинг умум маънавий тақдири, вақт биографияси намоён бўлади.

Байрам ва томошаларда замон қаҳрамони образини яратишда, образли ҳал этишда, ҳар бир эпизодда, сценарий-режиссёрлик умумлашма ишида, қаҳрамонни конкретлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Қолаверса,

---

<sup>1</sup> Туманов И.М. Режиссура массового праздника и театрализованного концерта. –Москва: 1976, -С.32.

бу образлиликни айнан реал материал, театрлаштириш қаҳрамонларининг хаёт йўлини, сценарийнинг асосига олишга имкон беради.

Умумийлик ва шахсийлик диалектикаси, театрлаштиришнинг умумлашма ва аниқ характерга эгалиги сценарийнинг ядросини ташкил этади.

Қандай воқеага, сахнага бағишланган байрам бўлишидан қатъи назар, ҳар бир сана инсонлар жамоаси даражасигача (меҳнат жамоаси, туман, шаҳар, қишлоқ) аниқлаштирилиб, ўтказилиши: театрлаштириш услубининг асосий талабидир. Бу эса, биринчи навбатда қаҳрамонни танлаб олиш лозим деганидир. Қаҳрамонларнинг тақдири, хаёти, меҳнат фаолияти байрам ва томошаларда акс этиши лозим. Айнан мана шундай инсонларни кўрсатиш, замондошларимизга эмоционал таъсири – театрлаштиришдаги тарбиянинг асоси ҳисобланади. Бу услубни ҳозирги, замонавий байрамларда максимал қўллаш лозим. Байрам ва томошаларнинг бадиий даражасини оширмақчи бўлсак, қаҳрамонни излаш сценарий-режиссёрлик ишининг қонуни бўлиши керак.

Байрамнинг реал қаҳрамонини танлашда қандай талабларга риоя қилиш керак?

Авваламбор, у ёки бу воқеа-ходисаларнинг иштирокчиси, машхур замондошимиз – ҳар доим аниқ инсон бўлиши лозим. Мундоқ қараганда бу, ижтимоий талаблардан келиб чиққан, оддий ҳақиқатга ўхшайди. Лекин, амалда эса, театрлаштирилган байрам ва томошаларда иштирок этиши керак бўлган замондошимиз – реал қаҳрамон, адабиёт ва санъатдан олинган, сахнавий қаҳрамонлар билан алмаштирилади. Бундай байрам ва томошаларни усталик билан қилинган монтаж театрлаштириши дейиш мумкин. Албатта бундай монтаж томошабинда қизиқтириш уйғотиши мумкин, лекин фақат кўргазма, иллюстрация сифатида.

Ҳурматли президентимиз нутқларида айтиб ўтганларидек – биз замон қаҳрамонини – фермерлар, ишбилармонлар, иқтисодчилар, илмга, камолотга интилаётган ёш замондошларимизнинг ичидан топишимиз

лозим – деган нутқларида, замон қаҳрамони образи қандай бўлиши кераклигини айтиб ўтдилар.

Байрамларда, шахсда театрлаштиришга меълум ижтимоий талаб туғилади, бу талабни байрам ташкилотларчилари қондира олишлари лозим.

Реал, замон қаҳрамони образини яратиш жуда ҳам мураккаб жараён бўлиб, чуқур фикр қилинган бадий-педагогик дастурни талаб қилиб, театрлаштиришда катта билимни талаб қилади. Бу вазиятда, ҳар гал янги инсонлар билан ишлаш, уларнинг индивидуаллиги, иккинчидан эса, қаҳрамонларнинг ролини ижро этаётган, омма олдига чиқиб ижро этишни билмайдиган, аудиториянинг диққатини объектга қарата олмайдиган профессионал актёрлар билан ишлашга тўғри келади. Бундай ҳолатда оммавий байрамлар режиссёрининг маҳорати, фикр қилинган, сценарий-режиссёрлик ғояси асосидаги эпизодлигина эмас, балки чекланган қаҳрамон образини намойиш этиш керак.

Байрам қаҳрамонлари билан ишлашда, театрлаштирилган ҳаракатда иштирок этаётган иштирокчиларнинг ҳаракати шундай қурилиши керакки, органик ҳаракатда, мезансценаларда, мотинларда у худди ўзиникидек қилиб ижро этишлари лозим.

Шу билан бирга ташкилотчилар реал қаҳрамоннинг характер чизгиларини, темпераментини, онгини, нутқининг хусусиятларини ҳисобга олишлари лозим. Реал қаҳрамоннинг мулоқотида: диққатни ўзига қарата олиш, компонентлик, фикрларини баён қилишдаги мардлик, кучли ирода, импровизация ва тез реакция, эмоционаллик етакчи ўринни эгаллайди.

Реал қаҳрамон образини янада таъсирчан чиқишида, аниқ шахсга, у тўғрисидаги ҳужжатларга таяниш лозим. Аниқ ҳужжатлардан келиб чиқиб, гуруҳли интервьюлардан келиб чиқиб, материал билан танишиб, қаҳрамоннинг матни ишлаб чиқилиб, яна бир бор ташкилотчилар томонидан текшириб чиқилади. Реал қаҳрамон билан ишлашда,

театрлаштиришда олдиндан белгиланган мавзу бўйича, маълум вақт чегарасида, имравизация қилиш кўзда тутилади.

Шунга диққатни қаратиш лозимки, қаҳрамон (уруш, меҳнат фахрийси) ўзининг бой тажрибаси ҳақида сўзлаб беришга имконият яратилиб, ўзининг ижтимоий-тарихий тажрибаси билан ёшлар билан ўртоқлашади.

Замонавий қаҳрамон эса (ишлаб чиқариш илғорлари, ҳарбий хизмат аълочилари, аълочи талаба, илғор фермер, ишбилармон ва ҳ.к.) оталарга ўхшашга, уларнинг ишларини давом эттиришга, Ватан ривожига ҳисса қўшишга, келажак авлодлар олдидаги жавобгарлик ҳақида сўзлаши мумкин.

Реал қаҳрамон эпизодларни ёрқин, образли бирлаштириши, театрлаштирилган ҳаракат динамикасини ривожлантириб, томошабиннинг диққатини аниқ воқеаларга қаратиб, фикр билдиради. Бундан келиб чиқиб, реал қаҳрамонга қуйидаги вазифаларни қўйиш мумкин: бошидан кечирган воқеаларни эслаш, реал ҳаракатга чорлаш, Ватан равнақи учун курашишга даъват қилиш, қасамёд қилиш ва ҳ.к.

Сценарий-режиссёрлик ғоясида, шахсий сифатлар уйғунлиги, театрлаштирилган ҳаракат ташкилотчиларига, эпизоддаги реал қаҳрамоннинг имкониятларини очиб беришда, аниқ инсонни танлашга имконият яратади.

Лекин, минг афсуски амалиётда сценарист ва режиссёрлар, театрлаштирилган ҳаракат қаҳрамонини актёрга айлантирмоқдалар. Кўпинча оммавий байрам ва томошаларда бундай қаҳрамонга ўйин сахналарида шеър ўқишга, қўшиқ айтишга, рақс тушишга ва ҳ.к. ундаб, ноқулай аҳволга солиб қўяди.

Шунинг учун байрам иштирокчиларидаги ички хаяжон ва театрлаштирилган ҳаракатга алоқадорлиги четга чиқиб, бўлаётган воқеаларнинг ҳаққоний эмаслигидек фикр уйғотади.

Байрам ва томошаларни амалий таҳлили, сценарийдаги бадиий материални аниқлаштириш муҳим, ғоявий-эмоционал таъсирчан восита эканлигини кўрсатди. Сценарийдаги материал қанчалик аниқ бўлса, шунчалик реал қаҳрамон образи ёрқин бўлади. Сценарийдаги қаҳрамон образи материали аниқ бўлмаса, турли режиссёрлик услубларини қўллаш, бадиий воситалар ҳам қаҳрамон образини сохталаштиришдан асраб қола олмайди.<sup>1</sup>

Реал қаҳрамоннинг сахнада рол ўйнамаслиги, унга яқин бўлган ҳаракатда аниқ маълумот беришини, сценарист ва режиссёр бадиий таъсирчан воситалар орқали кучайтира олиши лозим. Режиссёрнинг вазифаси – ўз қаҳрамони атрофида табиийлик, оддийлик муҳитини ярата олишдир.

Лекин, кўпгина байрам ва томошаларда сценарий ғоясидаги камчиликларни ташкилотчилар кўтаринки фанфарлар билан бекитиб келмоқдалар.

Байрамда реал қаҳрамоннинг пайдо бўлиши ёки у тўғрисида ҳикоя керакли образликни вужудга келтирмайди.

Томошабинда қаҳрамон ишонч уйғотиб, томошабинлар жамоасига яқин бўлиб қолишлари лозим. Бундай образлилик турли таъсирчан воситалар ёрдамида, режиссёрлик ғоясида, биографик материал асосида, ҳар бир эпизоддан қизил ип бўлиб ўтади.

Эпизоднинг ичида реал қаҳрамоннинг чиқишини шундай жойлаштириш лозимки, қаҳрамонни таниш ассоциацияси сифатида пролог ёки эпизоднинг ҳаракатига айланиши лозим. Танланган бадиий воситалар, сценарий материали билан қўшилиб кетиши керак.

Республикамизда ўтказилаётган қуйидаги:

1. Мустақиллик
2. Наврўз
3. Меҳржон

---

<sup>1</sup> Триацкий В.А. Основы режиссуры театрализованных представлений. М., 1985. С-27

4. Меҳнат байрамлари:

Ҳосил байрами

Пахта байрами

Қовун сайли

Хирмон байрами

Ишчиликка қабул қилиш

5. Спорт байрамлари:

Умид ниҳоллари

Баркамол авлод

Универсиада

6. Турли саналарга бағишланган театрлаштирилган томоша ва театрлаштирилган концертлар

7. Публицистик томошалар ва ҳ.к.ларда театрлаштириш услуби ёрдамида замон қаҳрамонини яратиш истиқболи очилмоқда.

### **3.2. Байрам ва томошалар драматургиясида ҳужжатли-фактологик материаллар ва тарихий таққослаш асосий мезон**

Оммавий байрам ва томошаларда аниқ ишлатиладиган ҳужжатлар, бадиийлик билан бирикиб, кучли эмоционал таассурот уйғотди.

Авваламбор, биз тарихий-ҳужжатли асарнинг ўзи нима эканлигини билиб олишимиз керак. Бунда асар тарихий материалда ёзилган асардан нимаси билан фарқланади?

Тарихий-ҳужжатли жанрда ёзилган асар ҳаққоний ҳужжатларга асосланиб ёзилади. У ҳам адабий-бадиий асар ҳисобланиб, ўзининг бадиий вазифалари бўйича бошқа жанрлардан фарқ қилмайди. У эмоционал таъсир қила олиши керак. Унинг қаҳрамонлари типик бадиий образларда бўлганидек, инсоний индивидуал характерга эга бўлиши керак. Бундан ташқари, тарихий-ҳужжатли асар эмоционал таъсирга эга бўлиб,

анъанавий бадий услублар унчалик кучли таъсир қила олмаганида ёрдамга келади.<sup>1</sup>

Адабиётнинг бошқа жанрларидан фарқ қилган ҳолда, тарихий-ҳужжатли асарлар фақатгина далилларга таянибгина қолмай, ҳужжатларда цитаталар келтиришигина эмас, балки ҳаққоний ҳужжатлардан тўлиқ фойдаланади.

Шундай қилиб, ҳужжатли материални қайта ишлаб, санъат асари даражасига олиб чиқиш – ҳужжатли-тарихий жанр муаллифининг асосий вазифасидир.

Тарихий-ҳужжатли асарга сифат баҳшида этадиган материал, ундаги ҳужжатларнинг “солиштирма оғирлиги” сонига қараб англанади. Турли ҳужжатли асарларда ҳужжатлиликнинг меъёри турлича бўлади. Асарлардаги ишлатилаётган ҳужжатларнинг “солиштирма оғирлиги” сони унинг бадийлик “меъёрини” англамайди.<sup>2</sup>

Ҳужжатларга мурожаат этиш – бу ғояни амалга ошириш учун бадий воситаларга мурожаат қилишдир. Бу нарсани рассомнинг турли бўёқларга бўлган мурожаати билан таққослаш мумкин. Агар бўёқлар ўз-ўзларига картина яратадиган бўлганида эди, зўр картинага айланган бўлар эди. Худди шундай, ҳужжатлар қанча кўп бўлса, ўзига-ўзи бадийлик структурасини вужудга келтириб, санъат тилида гапиради, деб ўйлаш ҳам нотўғри фикрдир.

Бу ўринда шуни айтиб ўтиш лозимки, баъзи режиссёрлар у ёки бу ҳужжатни, публицистик томошаларда тайёр сценарий сифатида ишлатишлари, уларнинг ҳужжат билан ишлаш услубларини билмасликларидан дарак беради.

Ҳужжатларнинг ўзида тайёр драматик структура бўлмайди.

Ҳужжатли, тарихий материалларни бадий адабиётда пьеса ёки сценарийда қўллашнинг ўзи етарли эмас. Бўлажак ҳужжатли асарни

---

<sup>1</sup> Аҳмедов Ф.Э. Оммавий байрамлар режиссураси асослари. –Тошкент: Алоқачи, 2008. –Б.178.

<sup>2</sup> Аҳмедов Ф.Э. Оммавий байрамлар режиссураси асослари. –Тошкент: Алоқачи, 2008. –Б.180.

яратиш, ғоявий ва ҳужжатли материални топиш ва танлаш жараёнида бошланади. Фақат бўлажак асарларни ғояси бўлсагина, муаллиф у ёки бу материални қаерда, қандай ишлатиш, аудиторияга қандай таъсир қилишни кўриб чиқиш мумкин бўлади. Шундан сўнгина, қайси ҳужжат асарнинг (пьеса ёки сценарийнинг) ғоясига тўғри келиши ёки унинг бошланғич йўналишига муаллифнинг қайта ишлаши, ёрдами керак бўладими, аниқланади.

“Ҳужжатни муаллифлик қайта ишлаши деганда, бошловчининг баҳоловчи ҳамроҳлигида ёки бошқа материаллар билан қўшилиб уни керакли контекст асосида сахналаштириши кўзда тутилади. Материални қайта ишлаш жараёнида, қандай материаллар бўлишидан қатъи назар, умуман сахналаштириб бўлмайди”.<sup>1</sup>

Ҳужжатли материални сохталаштириш умумий ишни бузилишига олиб келади.

Биз авваламбор “далил” ва “ҳужжат” атамаларининг тушунчасини аниқлаб олишимиз лозим. Кўп муаллифлар “адабий далил” ва “адабий ҳужжат” бир маъноли деб қарайдилар. “Далил” ва “ҳужжат” синоним сифатида қаралади. Шу сабабли кўп чигалликлар пайдо бўлади. Биз шуни аниқ билишимиз керакки, тарихий материалларни қайтариб бўлмайди. Ҳужжатли асарда биз далил билан эмас, балки далил образи билан учрашамиз. Бу образ характери муаллифнинг далилларини кўра олиши, билими, уддабуронлиги, хуллас унинг позициясига боғлиқдир.<sup>2</sup>

Онгли равишда ҳужжатни сахналаштиришдан ташқари, тарихий ҳақиқатни билмаган ҳолда бузиб кўрсатиш, соддалаштириш, сийқалаштириш хавфи ҳам бор.

Ҳужжат – ўткир қуролдир. Унинг ҳаққонийлиги асарнинг ишончлилиқ эффектини вужудга келтиради. Лекин ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги тарихий асар ҳаққонийлигига, объективлигига кафолат бўла

---

<sup>1</sup> Аль Д.Н. Основы драматургии и сценарного мастерства. – Ленинград: 1991. –С.39.

<sup>2</sup> Ахмедов Ф.Э. Оммавий байрамлар режиссураси асослари. –Тошкент: Алоқачи, 2008. –Б.183.

олмайди. Асарнинг жарангдорлиги, маъноси, асарнинг контекстига боғлиқ ҳолда ўзгариб, ижтимоий давр контекстига қараб (шарҳлаш, бошқа ҳужжатлар билан биргаликда келиши) ўзгариши мумкин.

Ҳужжатли асарда тасвирланаётган картинанинг объективлигига, ҳаққонийлигига, муаллиф позициясининг объективлиги, фуқаролик ҳаққонийлиги ва унинг етарли даражасидаги тайёргарлигигагина қафолат бўла олади.

Ҳужжат билан ишлашдан муаллиф, айниқса драматургнинг турли ҳужжатларни монтаж қилиш – асосий ижод услуби ҳисобланади.

Иккита ҳужжатни бирга келиши ўз мазмунига (маъносига) эга бўлиб, янги мазмунни (маънони) вужудга келтириб, бу қўшилувчиларнинг иккаласида ҳам бўлмаган ўзига хос “учинчи маъно” пайдо бўлади.

Тарихий-ҳужжатли драматургия тўлиқ бадиий адабиёт, яъни “тўқима адабиёт” ҳисобланади. Фақат “тўқималик”, айти дамда катта тасаввур ва фантазияни талаб қилади.<sup>1</sup>

Оммавий байрам ва томошалар сценарийсида, ҳужжатли материалнинг мутаносиблиги кескин ўсиб, ҳукмронлик қилади.

Оммавий байрамларда аниқ ҳужжатларни жаранглаши, ҳужжатли экспонатларнинг ишлатилиши, байрам билан қишлоқ, туман, шаҳарни минглаб иплар билан боғлаб турган реал ҳаёт иштирокчиларининг қалбида чуқур из қолдиради.

Аниқ тарихий тажрибага ҳужжатли ёндошиш ва кундалик ҳаётни бадиий-образли ечими билан бирлиги, кенгайтирилган таъсирчан воситалар оммавий байрамларнинг ривожига ҳисса қўшмоқда. Айниқса, маҳаллий материалдан тўғри фойдаланиш байрамнинг таъсирчанлигини ошириб, эмоционал таъсир қилишга катта ёрдам беради.

Байрам қилинаётган ҳодисанинг аниқлиги кўплаб далилий материалларни тақдим этиб, реал қаҳрамонларнинг номларини тилга олади.

---

<sup>1</sup> Аҳмедов Ф.Э. Оммавий байрамлар режиссураси асослари. –Тошкент: Алоқачи, 2008. –Б.180.

Д.М.Генкин ёзганидек: - “Оммавий байрамлар драматургияси ва режиссурасининг ўзига ҳослиги – бу ҳужжатлиликдир. Оммавий томошани саҳналаштиришнинг асосий принципи бу – ҳаётини материални драматургик қайта ишлаб, реал ҳаётни театрлаштиришдир. Оммавий томошалар драматургияси ва режиссураси икки йўналиш бўйича – ҳужжатли публицистика ва бадиий образлилик ривожланиб, сценарийга масштаблилиқ ва таъсирчанликни бахш этади”<sup>1</sup>.

Оммавий байрамлардаги ҳужжатлилик ҳаракат билан ўтадиган жойни танлаш билан узвий боғлиқдир. Маҳаллий материал томошабинга яқин ва тушунарли бўлиб, унга бошқалардан кўра эмоционалроқ таъсир қилади. Шунинг учун режиссёр-сценарист маҳаллий ҳужжат ва омилларни яхшилаб, тўлиқ ўрганиши керак. Сценарий устида ишлаш жараёнида, сценарийнинг илк ғояси, бир неча бор қайта ишлаши мумкин. Баъзида битта янги ҳужжат, эпизоднинг йўналишини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин. Бу жуда узоқ талаб қилинадиган мураккаб ишдир.

Оммавий томошалар сценарийси доимо олий мақсад ҳақида ўйлаб, ҳаёлан бўлажак томошанинг каркасини қуриб, далилий материаллар денгизида фарқ бўлиши керак эмас. Ҳужжатлар тўплангач, монтаж жараёни бошланади.

Биринчилардан бўлиб, В.Яхонтов адабий монтажни амалга оширди. Бундай композицион монтажнинг амалга оширишда турли материаллар: шеърлар, газеталарда чоп этилган турли мақолалар, мактублар, маърузалар ва турли бадиий асарлар ишлатар эди. Бундай материалларни бирлаштириш натижасида умуман янги санъат асарини вужудга келтирар эди.

Владимир Яхонтов кўплаб, жиддий сиёсий жарангдор композицияларни яратди. Унда ўша даврдаги халқ ҳаётининг барча меҳнат фаолияти ижодий намоён этилиб, «бир актёр театрини» вужудга келтиради. Бу театр кўп йиллар давомида муваффақиятли иш олиб борди.

---

<sup>1</sup> Генкин Д.М. Массовые праздники. – М.: 1975. –С.90.

В.Яхонтов профессионал бадий сўз санъатида - адабий монтаж деган янги шаклни вужудга келтиради.

Монтаж табиатини ўрганиш натижасида қуйидагиларни аниқлаш мумкин:<sup>1</sup>

- монтаж ижтимоий долзарб воқеалар, муаммоларни намоён этадиган вақт кўзгусидир;

- адабий монтаж асари қандайдир ижтимоий сиёсий мавзуда яратилади;

- бундай асар турли адабий жанрлардан: проза, поэзия, публицистика, хужжатлар, драматургик ва бошқа материаллар парчаларидан монтаж қилинади.

- монтажнинг муаллифи режиссёр ёки шу асар иштирокчилари ҳисобланади;

- монтажда иштирокчиларнинг чегараланмаган сони қатнашиши мумкин;

- монтажни саҳнага олиб чиқишда нутқнинг таъсирчан воситалардан ташқари, санъатнинг барча турларининг таъсирчан воситаларини қўллаш мумкин. Монтаж - муаллифнинг биринчи мўлжали бўлиб, бу - оммавий ахборот воситаларидир.

«Адабий монтаж»да - материалларни мантиқий улашнинг бир қанча тамойиллари мавжуд:<sup>2</sup>

**Тарихий (хронологик) тамойил.** Бу услуб кўпинча бирон бир шахснинг таржимаи ҳолига бағишланган, тарихий характерга эга бўлган композицияларда қўлланилади. Бу ердаги муҳим воқеаларнинг кунлари саҳнавий боғлама (связка) вазифасини бажариши мумкин.

**Кенглик тамойили.** Бу тамойил материалнинг географик жойлашиши билан характерланади.

---

<sup>1</sup> Аҳмедов Ф.Э. Оммавий байрамлар режиссураси асослари. –Тошкент: Алоқачи, 2008. –Б.197.

<sup>2</sup> Аҳмедов Ф.Э. Оммавий байрамлар режиссураси асослари. –Тошкент: Алоқачи, 2008. –Б.194.

**Такрорланиш тамойили.** Лавҳаларни бирлашиш тамойили, санъатнинг кўп турларида ишлатилади. Бу мусиқада - лейтмотив-мавзу бўлиб, маълум бир вақт оралиғида янграб, такрорланади. Шеърятда эса, қандайдир ритмик шакл ёки сюжет элементи, мелодик равишда ўзгариб, қайтарилади. Кино санъатида эса сюжетнинг ёки кадрнинг кўп маротаба қайтарилиши. Поэтик композицияда эса, умумий матнни бир неча маротаба қайтарилиши тарзида намоён бўлади.

**Зинали услуб.** Бу услубда мавзунини кетма-кет баён қилиш билан характерланади. Бу услубнинг маъноси шундан иборатки, бири иккинчисидан вужудга келувчи сабаб ва ходисаларнинг занжиридан пайдо бўлади.

**Концентрик услуб.** Бу услубда баён қилиш умумий марказ атрофида бўлади.

**Контраст услуби.** Бу услубда-турли жанрдаги материаллар-турли шеърлар ва проза алмашиб келади.

**Аналогия услуби.** Аналогия (ёки параллел) услубда материал узвий равишда бир ёки икки томонлама муносабатда бўлади. Материални бундай жойлашиши натижасида томошабинга ассоциация ва хулоса пайдо бўлади.

**Дедуктив услуб.** Бу услубда умумий ҳолатдан шахсий ҳолатга ўтиш баён қилинади.

**Индуктив услуб.** Бу дедуктив услубнинг тескараси бўлиб, фикр ривожини шахсийдан умумийга боради.

Ҳужжатли материал билан бадий фикр ўртасидаги, реаллик билан театрлаштириш ўртасидаги нисбат, уларнинг бир-бирига қўшилиши, асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Оммавий томошаларда фақатгина хусусиятлар, кино-видео материаллар, реал рақам ва материалларгина қўлланиб қолмай, балки томошада ҳикоя қилинаётган воқеаларнинг реал қатнашчилари ҳам иштирок этишлари мумкин. Томошада реал қаҳрамонларнинг қатнашиши эса катта эмоционал таъсир кучига эгадир.

Аниқ монтаж қилинган, усталик билан бадийлаштирилган ҳужжат сценарийсини саҳналаштиришдаги энг ҳаракатчан, эффе́ктив восита ҳисобланади.<sup>1</sup>

Сценарий яратиш жараёни жуда қийин жараён бўлиб, режиссёрдан кенг фикр қила олишни, тарихни яхши билиш, танланган материалдан тўғри фойдалана олиш каби маҳоратни талаб қилади. Бу ишга юзаки қаралса, ҳудди осон ишга ўхшайди, лекин ҳар бир режиссёр шундай иш билан рўбарў келсагина, қандай мушкул ишлигини тушуниб етади. Бирон ҳужжатни ёки далилни нотўғри талқин этиш оқибатида минглаб одамларни намоиш этилган тарихий воқеаларга бўлган фикрларни нотўғри йўлга буриб юбориши мумкин. Шунинг учун материал чуқур ўрганилгандан кейингина сценарий устида ишни бошлаш мумкин.

Бу борада бадий услублардан тўғри фойдаланиш ҳам ўзининг самарасини беради. Айниқса, театрлаштирилган томошаларда жонли сўзнинг аҳамияти ҳам жуда каттадир. Жонли сўз байрам ва томошалар композициясини бириктирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Масалан, 2012 йил 4 октябрь куни “Гулшан” маданият уйида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Оммавий байрамлар режиссураси” бўлими битирувчиси Азиз Жўраев томонидан саҳналаштирилган “Қодирийнинг сўнгги сурати” номли адабий-бадий, публицистик композицияси асосан ҳужжатли материалларга асосланиб, бадий услуб билан синтезланди. Мазкур композицияда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси ва “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси томонидан нашр этирилган “Қор қўйнида лолалар” китоби, “Қатағон қурбонлари” музейи архив ҳужжатлари, Абдулла Қодирий асарлари, Набижон Боқийнинг “Қатлнома” асари, Абдулла Қодирий ҳақида ёзилган асарлардан, Қодирийшунос олимлар фикр ва маслаҳатларидан, Хуршид Давроннинг “Қодирийнинг сўнгги сурати” номли шеърдан фойдаланилди.

---

<sup>1</sup> Аҳмедов Ф.Э. Оммавий байрамлар режиссураси асослари. –Тошкент: Алоқачи, 2008. –Б.166.

Мазкур адабий-бадий, публицистик композиция прологи куйидагича сахналаштирилган:

Сахна ўртасига ўрнатилган экран орқали мазкур дастурнинг мавзусига доир титр берилади. Экранда Абдулла Қодирийнинг сурати пайдо бўлади ва “Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли дейдилар, шунга кўра мавзуни мозийдан, яқин ўткан кунлардан, тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлғон, кейинги хон замонларидан белгиладим” сўзлари ўқилади. Сахна чироқлари ёнади.

Сахнанинг бир четида Абдулла Қодирий қалам тебратиб ўтирибди. Сахна ўртасида рамзий маънодаги илҳом фариштаси мунгли мусикага рақс тушмоқда. Сахнанинг турли томонларидан Абдулла Қодирий асарларидаги қаҳрамонлар мусикага мос равишда сахнага чиқиб келишади ва халқимиз учун қадрли бўлган асар мотивларини қисқа сатрларда ижро этишади:

Отабек ва Кумуш (“Сўз ўшами” сахнаси)

Анвар ва Раъно (“Боғ” сахнаси)

Обид кетмон (Монолог)

Калвак маҳзум (Монолог)

Асар қаҳрамонлари ҳам мусиқа остида ҳаракат бажариб турадилар. Шу маҳал эшик тақиллайди. Барча асар қаҳрамонлари ва илҳом фариштаси “стоп кадр”да қолишади.

Сахнага елкасига сумка осиб олган бир аёл кириб келади.

**Аёл:** Кечирасиз, Абдулла ака.

**Абдулла Қодирий:** Хуш келибсиз.

**Аёл:** Ассалому алайкум.

**Абдулла Қодирий:** Ва алайкум ассалом. Мен сизни илгари кўрган эдимми?

**Аёл:** Мени уюшмадан юбордилар, сизни уюшма аъзолигидан чиқарган эмишлар, менга уюшмага аъзолик гувоҳномангизни келтиришни буюрдилар.

*Абдулла Қодирий узоқ ўйланиб қолади ва тоқча олдига бориб гугурт қутичаси катталигида жигарранг муқовали уюшма аъзолик гувоҳномасини олиб аёлга узатади.*

**Абдулла Қодирий:** Мана, олиб бориб беринг. Улар менинг гувоҳномамни тортиб олсалар ҳам, лекин қаламимни тортиб ололмайдилар. Барибир ёзавераман...

**Аёл:** *(Бир оз юриб, тўхтайдди. Абдулла Қодирийга қараб)* Ёзинг, ёзаверинг, ёзганларингизни севиб ўқиймиз!

*Аёл йиғлаб юборади ва чиқиб кетади. Муסיқа кучайиб саҳнанинг орқа томонидан ёвузлик фариштаси чиқиб келади. Ёвуз фаришта бирин кетин асар қаҳрамонларини бир жойга тўплай бошлайди. Ижод фариштаси билан ёвузлик фариштасининг жанги бошланиб кетади. Барча асар қаҳрамонларини ёвузлик фариштаси ўз домига торта бошлайди ва уларни ўргимчак тўрига туширади. Ўргимчак тўри экранда секин гавдалана бошлаган Қодирийнинг суратига тушади. Бутун саҳна ўргимчак тўри ичида қолади.*

**Фондан:** (Экранда Қодирийнинг сўнгги сурати) Сиз кўриб турган ушбу сурат эса Қодирийнинг сўнгги кунларида олинган бўлиб мазкур суратнинг сийратини ушбу дастур орқали ҳавола этамиз.<sup>1</sup>

Томоша қуйидаги кўринишлар ва видео лавҳаларда давом эттирилади:

- Экран орқали Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романига ишланган фильмдан парча берилади
- Абдулла Қодирийнинг ака-укалари билан бўлган суҳбати
- Абдулла Қодирийни терговга олиб кетиши
- “Ўткан кунлар” асаридан парча
- Тергов саҳнаси
- Қодирий монологи

---

<sup>1</sup> “Қодирийнинг сўнгги сурати” номли адабий-бадий, публицистик композиция виде материаллари асосида.

- Тергов сахнаси давоми
- Ёш шоирни тергов қилиш жараёни
- Қатл қилиш сахнаси
- Қодирий мероси ва ҳозирги кунда унга бўлган ижобий муносабат ҳақида лавҳа

- “Қодирийнинг сўнги сурати” шеъри ўқилади.

Бу композицияда ҳужжатли факт ва материаллардан ташқари, шеърлар, кўшиқ, рақс, пластик этюдлар ишлатилиб, композицион яхлитликда, умумий ғояни очишга ёрдам берган. Ҳужжатли материал ва далилларни топиш борасидаги изланишларда, баъзи янги далилларни топишга муваффақ бўлиниб, бу далиллар куруқдан-куруқ олиб чиқилмай, бадий номерлар билан синтез қилинади.

Бадий композиция сценарийсини яратиш жараёни жуда қийин жараён бўлиб, режиссёрдан кенг фикр қила олишни, тарихни яхши билиш, танланган материалдан тўғри фойдалана олиш каби маҳоратни талаб қилади. Бу ишга юзаки қаралса, худди осон ишга ўхшайди, лекин ҳар бир режиссёр шундай иш билан рўбарў келсагина, қандай мушкул ишлигини тушуниб етади. Бирон ҳужжатни ёки далилни нотўғри талқин этиш оқибатида, минглаб одамларни намоиш этилган тарихий воқеаларга бўлган фикрларини нотўғри йўлга буриб юбориши мумкин. Шунинг учун материал чуқур ўрганилганидан кейингина сценарий устидаги ишни бошлаш мумкин.

Режиссёр қайси даврда ҳоҳ у спектакл, ҳоҳ у байрамда ижод қилмасин, пьеса ва сценарийнинг асоси сифатида тарихий ҳужжатлар, архив маълумотларига суянади. Ҳужжатли ва тарихий маълумотлар асосида бадий-ифодовий воситалар орқали ёритилган сахнавий асарлар томошабинга кучли таъсир этиб, ҳаётийлик принципига асосланади. Замонавий оммавий театрлаштирилган байрам ва томошалар режиссурасида ҳужжатли маълумотлардан фойдаланиш кенг тус олмоқда. “Ҳаётий маълумотларни драматургия жиҳатдан қайта ишлаш ва реал

хаётни театрлаштиришдир ” – деб таъкидлайди Д.М.Генкин. Унинг фикрича, оммавий тадбир драматургияси ва режиссурасининг ўзига хос хусусияти, асосий фазилатлари - уларнинг хужжатлилигидир.

Масалан, “Қодирийнинг сўнгги сурати” номли адабий-бадий публицистик композицияси сахналаштирилишига бўлган асосий туртки бу Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг “Қодирийнинг сўнгги сурати” номли шеъридир.<sup>1</sup>

Бунча алам,  
Бунча муҳаббат...  
Қорачикда ёнар ҳасрати.  
Сен нимани тилайсан мендан,  
Қодирийнинг сўнгги сурати?

Ёки сўйлаб бермоқчимисан  
Кумушбиби, Отабек дардин,  
Ё ўз дардинг сўйламоқчисан,  
Қодирийнинг сўнгги сурати?

Тунлар жимжит,  
Тунлар кўп узун –  
Тугамайди диллар суҳбати.  
Шеър оқисам тинглайсан маҳзун,  
Қодирийнинг сўнгги сурати?

Йўлларимда учраса хато,  
Дил ўтаса элим ҳасрати,  
Келиб сендан тилайман паноҳ,  
Қодирийнинг сўнгги сурати?

Ушбу композицияни сахналаштирувчи режиссёр Азиз Жўраев билан бўлган суҳбатда композициянинг асосини ва ғоясини ушбу шеър белгилаганлигини билдириб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Инсон аслида суратга тушганида яхшилик кунидан нишона илинжида гоҳо жилмайиб, гоҳо ботиний ҳурсандчиликни кўзларида акс эттирган ҳолатда гавдаланади. Суратга қараб инсоннинг ички кечинмаларини, ўй

---

<sup>1</sup> “Қодирийнинг сўнгги сурати” номли адабий-бадий, публицистик композиция виде материаллари асосида.

хаёлларини, ўтмиши ва келажagini билиб олиш мумкин. Бу эса суратдаги сийрат ҳисобланади.

Ўзбек романчилиги мактаби асосчиси, буюк ёзувчи Абдулла Қодирий умрининг сўнгги кунларида тушган суратини кўрар эканмиз, ёзувчининг умри таҳликали замоннинг қора кунларидаги азоб-уқубатларга бой эканлигини билишимиз мумкин. Биргина шу сурат сийратида ватан озодлиги йўлидаги кураш, халқни маърифатга чорлаш каби ҳислатлар ёзувчи умрининг бош мақсади эканлиги яширинган бўлиб, адабий-бадий, публицистик композиция шу сурат асносида тайёрланган бўлиб, асосий мақсад ёзувчи ҳаётининг ҳали ўқувчига унчалик таниш бўлмаган саҳифаларини ёритишдан иборат”.

“Оммавий тадбир драматургияси ва режиссураси, қонунга биноан, аниқ далилларга ва уларнинг мағзини чақишга асосланган... Демак, мана шу иккита чизиқнинг бирикувчи, яъни ҳужжатли публицистика ва бадий образлилик - сценарийда чуқур мазмунлилик, кенг кўламлилик ва ифодалиликини пайдо қилади...”<sup>1</sup>.

Энг муҳим масала тадбир учун ўтказиладиган жойни аниқлашдир. Чунки, оммавий тадбирдаги ҳужжатли маълумотлар, ҳаракат жойини танлаш билан узвий боғлиқ бўлиб, маҳаллий маълумот, одатдагидек, томошабинга яқин, тушунарли бўлиб, уларга ҳис - ҳаяжонли таъсир этиши шарт. Шунинг учун ҳам сценарий ёзишдан олдин сценарий муаллифи ёки саҳналаштирувчи режиссёр маҳаллий маълумотлар йиғиши, мавжуд архив ва ўлкашунослик музейлари билан, у ердаги маълумотлар билан атрофлича танишиши лозим. Ундан ташқари керакли адабиётлар ўқийди, маҳаллий аҳоли билан суҳбатлар қуради. Танишув ва суҳбат жараёнидаги маълумотлар тадбирнинг асосий мағзини белгилайди. Иш жараёнида сценарий бир неча маротаба ўзгариши ҳам мумкин. Эртанги топиладиган янги маълумот, бугунги режани тубдан ўзгартириб юбориши холлари ҳам амалиётда бир неча маротаба ўз тасдиғини топган. Шунинг

---

<sup>1</sup> Генкин Д.М. Массовые праздники. – Москва: Просвещение, 1975. – С.121.

учун ҳам ижодий иш жараёнидаги энг қийин вазифа - маълумотларни синчиклаб танлашдир.

“Қизиқарли маълумотлар уммони рўпарасида ҳовлиқиш ва унга шайдо бўлмаслик зарур. Бу, албатта, қийин нарса, яъни тайёр маълумотлар денгизида чўкиб кетмаслик учун сценарий ёзувчи бўлажак тадбирнинг “қовурғасини” кўз олдида сақлаши, ҳар доим унинг олий мақсадини эсда тутиши зарур”<sup>1</sup>. Керакли маҳаллий ҳужжатлар йиғиб бўлинса, маълумотларни сценарий учун монтаж босқичи бошланади. Яна шуни унутмаслик керакки, сценарий муаллифи маҳаллий маълумотларни, яъни воқеа-ҳодисаларни ўзгартирмасдан, тарихда бўлмаган воқеаларни киритиши, ҳужжатдаги далилларни ўзгартириши мумкин эмас. Фақат синчиклаб танлаш ва монтаж жараёнида унинг аниқ фуқаролик нуқтаи назари катта рол ўйнайди. Айрим ҳолатларда умумий хулоса аниқликдан - типикликка, ноқонунийликдан - қонунийликка ўтиши, бу - ҳужжатлар монтажидаги принципиал заруратдир. Бу ижодкорнинг амалий ишида далилдан образ томонга йўлдир, яъни ҳужжатни бадиий ишлаб чиқиш, уни бадиий тасвирлашдир.

Юқоридагилардан кўринадики, муваффақиятли сараланган, аниқ монтаж қилинган ва моҳирлик билан шоирона тус берилган ҳужжат сценарийда ва оммавий театрлаштирилган тадбирда энг ҳаракатчан, энг кучли таассурот туғдирадиган воситага айланади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳужжатли жанр ривожининг янги босқичи бошланди. Бундай ривожланишга дунёни ларзага солган сиёсий воқеалар сабаб бўлди.

XX аср инсоният бошига кўзга кўринмаган кулфатлар олиб келди. Атом бомбасининг яратилиши, миллионлаб ер шари аҳолисини кўрқувда яшашга мажбур қилди. Мана шундай шароитда инсоният тарихида биринчи мартаба инсон онгли равишда шахсий тақдири билан бутун

---

<sup>1</sup> Душамов Ж. Оммавий тадбирлар режиссураси. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. –Б. 48-49.

инсониятни тақдири орасидаги алоқани юргиза бошлади. Барча инсонларнинг шаҳар, қишлоқ, мамлакатларнинг бир-бирига нақадар боғлиқлигини тушуниб етдилар. Мана шу пойдевор асосида инсонларда ижтимоий-сиёсий воқеаларга бўлган қизиқиш ортди.

Бу эса замонавий санъатда ҳам ўз аксини топа бошлади. Бу борада журналистлар матбуотда, шоир ва адиблар, хонандалар ўз ижодида, режиссёрлар эса сахнада жадаллик билан иш кўра бошлади. Истеъмолчининг яъни ўқувчи ёки томошабиннинг ҳужжатли материаллар асосида яратилган асарлардаги тарихийлик ва ҳаққонийлик тамойилларига бўлган ишончини оқлади.

Демакки, ҳар бир асарнинг асосини ҳужжатли материаллар ва уларнинг моҳирона инсценировкаси шу билан биргаликда уларнинг монтажи ташкил этади.

Тадқиқотимизга хулоса қилар эканмиз, оммавий байрам ва томошалар режиссурасида ҳужжатли материаллардан фойдаланишда кўйидаги муаммоларга дуч келинмоқда:

- аввало оммавий байрам ва томошалар режиссурасида театрлаштириш жанрига урғу берилмаяпти, бу эса ҳужжатли материал ва тарихий далилларга асосланиб иш олиб боришга салбий таъсирини ўтказмоқда;

- Республикамиздаги олий ўқув юртларида оммавий байрам ва томошалар сценарийсини яратувчи махсус таълим йўналишлари мавжуд эмас;

- замонавий оммавий байрам ва томошалар режиссёрларида ҳужжатли материаллар синтезидан фойдаланишда бир оз хатоликларга, сахнавий қонуниятларнинг бузилишига йўл қўйилмоқда;

- Республикамизда ўтказилаётган юбилей тадбирларида ҳам таваллуди нишонланаётган тарихий шахс ҳаётига оид маълумотлар, улар томонидан айтиладиган монолог тарзида ёритилмоқда. Бу эса, тарихий шахс ҳаётига оид материаллардан тўғри фойдаланмаганликни билдиради.;

Мазкур муаммоларнинг ечими сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- аввало, кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор бериб, бўлғуси мутахассисларни жаҳон стандарти талабларида ўқитишни ташкиллаштириш;
- олий ўқув юртларида оммавий байрам ва томошалар сценаристи таълим йўналишларини очиш;
- талабаларнинг малакавий амалиётини бевосита байрамлар сахналаштириладиган вақтга тўғирлаш;
- соҳа мутахассисларининг малакасини оширишга доир ишларни такомиллаштириш;
- байрам ва томошаларда театрлаштириш жанрига катта эътибор бериш;
- инсценировка ва тарихий ҳужжатлардан фойдаланиш борасида бевосита соҳа мутахассисларини жалб этиш лозим.

Ҳозирда оммавий театрлаштирилган томошаларнинг томошавийлик табиатига кам миқдордаги матн - ишлатилиб, кўпроқ рақс-муסיқий понтомимик композиция қўлланилмоқда. Шу билан бирга бу матн қисқа, лўнда, образли бўлиши керак.

Мана шу жараёнларнинг барчасини сценарий яратишда ҳисобга олиш лозим. Амалиёт шуни кўрсатаптики баъзи томошаларнинг асосини асосан куруқ матнларнинг ўзигина эгаллаб, ҳаракат иккинчи ўринга тушиб қолган.

### **III боб бўйича хулоса**

Мустақиллик, озодлик ўзбек халқи учун осонликча қўлга киритилмади. Бу борада қанчадан-қанча аждодларимизнинг истиқлолга интилишлари, маъриватпарвар адибларимизнинг жадиличлик ҳаракатларини таъкидлаш лозимдир. Мазкур воқеаларни акс эттирувчи тарихий асарлар, спектакллар ва экран асарлари сахналаштирилди.

Шунингдек, юртбошимиз томонидан сахна фаолияти билан шуғулланувчи барча ижодкорларга замонавий қаҳрамон яратиш вазифаси ва бу вазифани амалга ошириш бир оз бўлсада муаммо бўлиб турганлигини реал ҳолатдир. Замонавий қаҳрамон яратиш асносида Республикамизда “Сахнада замон қаҳрамони”, “Сени куйлаймиз, замондош” фестивалларининг ўтказилиши ва бу фестивалларда сахналаштирилган спектаклларда замонавий қаҳрамон образини кашф қила бошланди.

Замонавий қаҳрамон образи ҳоҳ у сахнада бўлсин, ҳоҳ экранда, ёки биз таҳлил этаётган оммавий байрам ва томошаларда бўлсин, у энг аввало реал мавжуд бўлиши, ўз ғояларига бошқаларни эргаштира олиши ва албатта қаҳрамонлик, шижоат ва жасорат майдонида тенгсиз бўлиши лозимдир.

Ҳар қандай сахнавий асар жанридан қатъий назар ҳужжатга, бирор бир манбага таянади. Ҳар қандай янгиликда бўлганидек, ҳужжатли санъат ҳам жиддий тортишувларга сабаб бўлмоқда. Баъзи адабиётшунослар, танқидчилар ҳужжатли адабиётга қарши чиқиб, уни бадиий адабиёт деб аташдан воз кечмоқдалар. Уларнинг фикрича, ҳақиқий бадиий адабиёт муаллиф тасавури орқали яратилган образли асарлардир. Шу сабабли бадиий адабиётни англаувчи –“тўқима адабиёт” атама вужудга келган. Бу муаллифларнинг фикрича, ҳужжатли адабиётда ижодкорнинг тасавури ва ҳаётига ўрин йўқ, дейдилар. Лекин ижодкор тасавури бўлмаса, ҳужжат ва далилни куруқдан–куруқ томошабинга тавсия этиб бўлмайди<sup>1</sup>. Бадиийлик ва сахнавийлик йўқолади.

Ҳужжатли материал ва далилларни драматургия қоидаларига асосланган ҳолда қуриш – тўлиқ бадиий адабиётнинг талабига жавоб беради. Ҳужжатли асарларда ҳам лирик чекиниш, тўқима бўлади. Лирик

---

<sup>1</sup> Ф.Э.Аҳмедов. Оммавий байрамлар режиссураси асослари. Т. Алоқачи. 212 б.

чекиниш ёрдамида, бадий лирик услублар билан ҳужжатлар бойитилиб, эмоционал таъсир қилиш даражасига олиб чиқилади.

Энг асосийси, бу ҳужжатли материални қандай қилиб, қайси услубда ётказиб беришга боғлиқ. Бу режиссёрдан кучли фантазияни талаб этиб, қандай таъсирчан воситалардан қай йўсинда фойдаланиш бадий образни топиш катта аҳамиятга эга бўлади.

Ҳеч қачон эсан чиқармаслигимиз керакки, ҳужжат, далил жуда ҳам катта куч, қудратга эга бўлган манбадир. Фақатгина ундан тўғри фойдалангандагина, у ўз кучини намоён эта олади.

Охириги йиллар Республикамизда ўтказилган Амир Темур, Мирзо Улуғбек (Самарқанд шаҳрида), Ат-Термизий (Термиз шаҳри), Ал-Фарғоний (Фарғона шаҳри) таваллудларига бағишланган “Алпомиш” достонининг 1000 йиллигига бағишланган ва ҳ.к. театрлаштирилган томошаларда ҳужжатли материаллар, бадий материаллар синтезига асосланган ҳолда ўтказилди.

Ҳужжатли-бадий материал байрамларда эмоционал таъсир кучини янада оширишга ёрдам беради. Бошқа бир вазиятда ҳужжатли-бадий материал томошани адабий-муסיқали композицияга айлантириши мумкин.

Айниқса ҳужжатли – образли бошланиш, меҳнат байрамларида аҳамиятлидир. Бу байрамларда мавзуга бағишланган байрамни қайерда ўтказилиши ҳам аҳамиятлидир. Белгиланган, тарихий жойдан бошқа жойга кўчирилиши сюжетнинг, эпизодларнинг эмоционал таъсир кучини сусайишига таъсир қилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, байрам ва томошалар драматургиясида ҳужжатли-фактологик материаллардан фойдаланиш байрам ва томошаларнинг бадий қийматини, таъсирчанлигини ошириб, реал, замон қаҳрамони образини яратишга ёрдам беради.

## ХУЛОСА

Неча асрларки байрамлар ҳам инсон маънавияти кўзгуси, тарбия воситаси сифатида нишонланиб келинмоқда. Байрамлар орқали шахс тарбиясига таъсир кўрсатиш, инсонларни илғор ғоялар орқали келажакка ишонтириш, жамият равнақи ва фаровонлигини намойиш этиш ҳар бир давр байрамининг асосий мақсади саналиб келинган. Шунингдек баркамол авлод тарбиясида ҳам байрамлар ва улар орқали илгари сурилаётган прогрессив ғояларнинг ўз ўрни ва роли бор.

Ҳозирда байрам ва томошаларда илгари сурилаётган прогрессив ғоялар орқали эстетик тарбиялашнинг кўлами тобора кенгаймоқда. Шунга кўра, у ўз олдига талайгина муҳим вазифаларни қўйган. Булар:

- байрам ва томошаларда ватанпарварлик, миллийлик, инсонийлик, тинчлик, дўстлик, озодлик каби туйғуларни кучайтириш ва тарғиб қилиш;
- кишиларда санъат асарлари, бадиий ижод намуналарини нафақат фаол ўзлаштириш балки, уларнинг эстетик моҳиятини англаш ва баҳолаш қобилиятини такомиллаштириш;
- жамият аъзоларининг ижодий имкониятларини намоён қилдириш ва улардан фойдалана билишга ишонч туйғусини уйғотиш;
- табиат ҳамда жамият ижтимоий жараёнларига соф туйғу билан муносабатда бўлишга ва уларни раванқ топтириш йўлида астойдил фаолият олиб бориш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- ўтмиш маънавий меросимизга ҳурмат ҳиссини уйғотиш, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш учун замин яратиш;
- ижоднинг барча турларини тараққий эттириб жаҳонга юз тутиш ва уларни миллат манфаатлари учун наф келтирадиган томонларини тарғиб қилишга ундашдир.

Оммавий томошалар инсоният яратган энг яхши прогрессив халқ анъаналарини сақлайди, ривожлантиради, тарғиб қилади. У оммани фақат маданият намуналаридан баҳраманд бўлишга шароит яратибгина қолмай,

унинг маданий қиёфаси, хулқ-атвори, одоби ва ахлоқининг шаклланишига туртки бўлади.

Халқ ижодиёти жанрлари ижросидаги ҳар қандай асар аввало инсонга маънавий таъсир қилишга, унга эстетик завқ ва тарбия беришга қаратилган бўлиб, мустақиллик даври халқ байрамларида ҳам мазкур асарлар ўз таъсир кучини йўқотмасдан келмоқда. Мустақиллик даври Наврўзининг уч муҳим хусусиятини алоҳида қайд этиб ўтиш керак.

Биринчи муҳим хусусият шуки, Наврўз бу даврда Мустақилликни мустақкамлаш, мамлакатимизда тинчлик-осайишталик, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик ўрнатиш, миллий онг, миллий ғурур, Ватан туйғусини шакллантириш, маънавий қадриятлар, миллий меросга бўлган меҳр-ихлосни кучайтириш, қонун устуворлиги, адолатни таъминлаш, инсоннинг қадр топиши, истеъдоди, салоҳиятини намоён этишдан иборат.

Иккинчи муҳим хусусият – бу Наврўзнинг янги даврда катта бадиий-эстетик мазмунга эга бўлганлигидир. Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ўтадиган асосий катта томошалардан тортиб узоқ қишлоқ гузари ёки мактабидаги маросимларгача сценарийлар асосида, махсус кишилар томонидан бадиий жиҳати, мазмундорлиги, кўркемлиги, таъсирчанлигини таъминлашни ўйлаб уюштириб келинмоқда.

Наврўз ҳар бир қишлоқ, ҳар бир туман, ҳар бир вилоят ва бутун юртимизнинг санъати, урф-одатлари, салоҳияти, куч-қудратини намоёиш этувчи майдонга айланмоқда. Шундан мустақиллик давридаги Наврўзнинг учинчи муҳим хусусияти келиб чиқади. У ҳам бўлса Наврўзнинг халқ маънавияти, халқ ижодиётини ривожлантириш манбаларидан бирига айланишидир. Наврўз туфайли янги ижодий гуруҳлар, фольклор жамоалари тузилди, янги бадиий дастурлар, сахна асарлари яратилди, унитилган маросимлар, томошалар, ўйинлар, кўшиқлар, яллалар, рақслар тикланди.

Мазкур бобда Мустақиллик йилларида ўтказилаётган Наврўз байрамига бағишланган оммавий томошалар драматургиясида қўлланилаётган халқ ижоди асарлари ва маросимлари, фольклор санъати,

замонавий эстрада санъати ва маросимлари композицион қурилиш манбалари бўлиб хизмат қилиши, оммавий байрамлар драматургиясида композицион қурилишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидаги функцияларни бажаришга қаратилгани маълум бўлади.

Биринчидан – сиёсий-мафкуравий функция бўлиб, халқнинг саводини оширишга, кишилар онгига мустақиллик ғояларини сингдиришга хизмат қилади.

Иккинчидан – ватанпарварлик, миллийлик функцияси бўлиб, байрам ва томошаларда ватанни, миллат миллийлиги тараннум этилади, томошабин қалбида ушбу ҳиссиётлар кучайтирилади.

Учинчидан – маданий-маърифий функция бўлиб, байрам ва томошалар, сайиллар, намоёишлар, маросимлар томошабинларга, иштирокчиларга ҳам муайян маданий-маърифий ахборот беради, уларнинг онгига ва шуурига таъсир кўрсатади.

Тўртинчидан – маънавий-тарбиявий функция. Яъни томошалар ўзининг ранг-баранглиги, тарихий ва замонавий ҳаёт лавҳаларини ёритиши, мазмундорлиги, образлилиги билан омманинг маънавий дунёсини бойитиб, улкан тарбиявий аҳамият касб этади. У халқни, айниқса, ёшларни одамийликка, дўстликка, ўзгаларга ҳамдард бўлишга, миллий анъаналарнинг қадрига етишга ўргатади.

Бешинчидан – бадиий-эстетик функция. Байрам ва томоша халқнинг бадиий эҳтиёжини қондириш, эстетик дидини ўстиришга қаратилган.

Олтинчидан – қаҳрамонлик, эргаштирувчи функция бўлиб, оммавий байрам ва томошалар драматургиясида замонавий қаҳрамон образини яратиб, томошабинни ушбу образдаги хислатларга эргаштириш, мазкур қаҳрамонни намуна сифатида кўрсатади.

Еттинчидан – байналминал функция бўлиб, ўзбек заминида истиқомат қилаётган миллатлар тотувлиги, дўстлиги уларнинг санъатлари орқали намоёиш этилади.

Саккизинчидан – шижоат ва мардлик, ҳалоллик функцияси бўлиб, асосан миллий халқ ўйинлар ўйинларига хосдир.

Мустақиллик, озодлик ўзбек халқи учун осонликча кўлга киритилмади. Бу борада қанчадан-қанча аждодларимизнинг истиқлолга интилишлари, маъриватпарвар адибларимизнинг жадиличлик ҳаракатларини таъкидлаш лозимдир. Мазкур воқеаларни акс эттирувчи тарихий асарлар, спектакллар ва экран асарлари сахналаштирилди.

Шунингдек, юртбошимиз томонидан сахна фаолияти билан шуғулланувчи барча ижодкорларга замонавий қаҳрамон яратиш вазифаси ва бу вазифани амалга ошириш бир оз бўлсада муаммо бўлиб турганлигини реал ҳолатдир. Замонавий қаҳрамон яратиш асносида Республикамизда “Сахнада замон қаҳрамони”, “Сени куйлаймиз, замондош” фестивалларининг ўтказилиши ва бу фестивалларда сахналаштирилган спектаклларда замонавий қаҳрамон образини кашф қила бошланди.

Замонавий қаҳрамон образи ҳоҳ у сахнада бўлсин, ҳоҳ экранда, ёки биз таҳлил этаётган оммавий байрам ва томошаларда бўлсин, у энг аввало реал мавжуд бўлиши, ўз ғояларига бошқаларни эргаштира олиши ва албатта қаҳрамонлик, шижоат ва жасорат майдонида тенгсиз бўлиши лозимдир.

Ҳар қандай сахнавий асар жанридан қатъий назар ҳужжатга, бирор бир манбага таянади. Ҳар қандай янгиликда бўлганидек, ҳужжатли санъат ҳам жиддий тортишувларга сабаб бўлмоқда. Баъзи адабиётшунослар, танқидчилар ҳужжатли адабиётга қарши чиқиб, уни бадиий адабиёт деб аташдан воз кечмоқдалар. Уларнинг фикрича, ҳақиқий бадиий адабиёт муаллиф тасавури орқали яратилган образли асарлардир. Шу сабабли бадиий адабиётни англаувчи –“тўқима адабиёт” атама вужудга келган. Бу муаллифларнинг фикрича, ҳужжатли адабиётда ижодкорнинг тасавури ва ҳаётига ўрин йўқ, дейдилар. Лекин ижодкор тасавури бўлмаса, ҳужжат ва

далилни куруқдан–куруқ томошабинга тавсия этиб бўлмайди<sup>1</sup>. Бадиийлик ва сахнавийлик йўқолади.

Хужжатли материал ва далилларни драматургия қоидаларига асосланган ҳолда қуриш – тўлиқ бадиий адабиётнинг талабига жавоб беради. Хужжатли асарларда ҳам лирик чекиниш, тўқима бўлади. Лирик чекиниш ёрдамида, бадиий лирик услублар билан хужжатлар бойитилиб, эмоционал таъсир қилиш даражасига олиб чиқилади.

Энг асосийси, бу хужжатли материални қандай қилиб, қайси услубда етказиб беришга боғлиқ. Бу режиссёрдан кучли фантазияни талаб этиб, қандай таъсирчан воситалардан қай йўсинда фойдаланиш бадиий образни топиш катта аҳамиятга эга бўлади.

Охириги йиллар Республикамизда ўтказилган Амир Темур, Мирзо Улуғбек (Самарқанд шаҳрида), Ат-Термизий (Термиз шаҳри), Ал-Фарғоний (Фарғона шаҳри) таваллудларига бағишланган “Алпомиш” достонининг 1000 йиллигига бағишланган ва ҳ.к. театрлаштирилган томошаларда хужжатли материаллар, бадиий материаллар синтезига асосланган ҳолда ўтказилди.

Ушбу илмий тадқиқотда замонавий байрам ва томошаларда прогрессив ғояларни тарғиб этиш усуллари илмий ўрганилиб, назарий ҳамда амалий таҳлил қилинди. Тадқиқот натижасида ҳозирги кунда республикамизда ўтказилган байрам ва томошалар ўрганилиб, уларнинг бадиий-ғоявий аҳамияти, илгари сурилаётган жтимоий-сиёсий, ижтимоий-педагогик ва маданий-маърифий томонлари ўрганилди. Ҳар бир байрам ва томошанинг сценарий-режиссёрлик ечимлари, ишлатилган материаллари, уларнинг монтаж услублари тадқиқ этилди.

---

<sup>1</sup> Аҳмедов Ф.Э. Оммавий байрамлар режиссураси асослари. Т. Алоқачи. 212 б.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

### **1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

1. 1997-йил 29-августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни

### **2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 октябрдаги “Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”га Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 21 сентябрдаги “Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театрига “Миллий театр” мақомини бериш тўғрисида”ги Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 4 июндаги “Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 22 январдаги “Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори

### **3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари**

1. 1998 йил 22 майдаги “Ўзбектеатр ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори

### **4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. Т.: “Ўзбекистон”. 2011.
2. Каримов И.А. “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор”. Т.: “Ўзбекистон”. 2009.
3. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: “Маънавият”. 2008.
4. Каримов И.А. “Миллий театримиз - ифтихоримиз”. Тошкент шаҳрида Академик Драма театри янги биносининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи. 2001 йил 30 август.

### **5. Дарсликлар**

1. Сайфуллаев Б.С., Маматқосимов Ж.А.. “Актёрлик маҳорати”. Т.: Фан ва технология. 2012.
2. Аҳмедов Ф.Э. “Оммавий байрамлар режиссураси асослари”. Т.: “Алоқачи”. 2008.
3. Қорабоев У.Х. “Ўзбек халқи байрамлари”. Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002.

4. Душамов Ж. “Оммавий тадбирлар режиссураси”. Т. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2002.
5. Станиславский К.С. “Актёрнинг ўз устида ишлаши”. Т.Хўжаев таржимаси. С.Муҳамедов муҳаррирлигида. Т. Янги аср авлоди. 2010
6. Муҳаммад Х. Сценарийнавислик асослари. – Тошкент: Фан ва технология, 2008.
7. Умаров М. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи. Т.: “Янги аср авлоди”. 2009.
8. Муҳамедов М. “Режиссура асослари”. Т.: ЎДСИ босмахонаси. 2008.
9. Маҳмудов Ж. “Саҳна композицияси алифбоси”. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. 2006.
10. Абдусаматов Х. “Драма назарияси”. Т.: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000.

#### **6. Ўқув қўлланмалар**

1. Маматқосимов Ж.А. “Оммавий байрамлар режиссурасида саҳна маданияти”. Т.: “Фан ва технология”. 2009.
2. Жамолдинова О. Маънавий кадриятлар ва соғлом турмуш маданияти. - Т. Фан ва технология, 2009.
3. Турсунбоев С. “Жаҳон театри тарихи”. Т.: “Фан ва технология”. 2008.
4. Маҳмудов Ж., Маҳмудова Х. “Режиссура асослари”. Т.: ЎДСИ босмахонаси. 2008.
5. Аҳмедов Ф.Э. “Оммавий тадбир ва байрамлар режиссураси ва актёрлик маҳорати”. Т.: “Чўлпон”. 2007.
6. Қодиров М.Х. “Ўзбек театри тарихи”. Т.: “Ижод дунёси”. 2003.
7. Истиклол ва миллий театр. Тўплам. Академик М.Раҳмонов таҳрири остида. - Т.: Янги аср авлоди, 2002.
8. Шодиев Б. Наврўз байрами (тарихий йўли ва қайта тикланиши). - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001.
9. Олий таълим: меъёрий хужжатлар тўплами. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2001.
10. Баркамол авлод орзуси. Тузувчилар: Курбонов Ш., Ахлитдинов Р., Саидов Х. – Т.: Шарқ, 1999.
11. Ризаев Ш. “Жадид драмаси”. “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1997.
12. Ўзбек педагогикаси тарихи. (Қўлланма). Проф. А.Зуннунов таҳрири остида. – Т.: 1997.
13. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: 1996.
14. Ҳошимов К., Нишонова С., Педагогика тарихи. –Т.: 1996.
15. Ғайбулаев Н.Р. Баркамоллик, маҳсулдорлик – тараққиёт калити. – Т.: 1995.
16. Турсунов И. Халқ педагогикасининг долзарб муаммолари. – Т.: Ўқитувчи, 1990.
17. Хайруллаев М. Абу Наср Форобий. – Т.: 1986.

18. Шароев И.Г. Режиссура эстрады и массовых представлений. М.: “Просвещение”. 1986.
19. Қодиров М.Х. Ўзбек халқ томоша санъати. Т.:”Ўқитувчи”. 1981.
20. Туманов И.М. Режиссура массового праздника и театрализованного концерта. Л., 1974.
21. Станиславский К.С. Ас.тўп. М.: “Искусство”. 1954. 2 т.
22. Горчаков Н.М. Режиссёрские уроки Станиславского. М., 1951.
23. Солихов М. Ўзбек театри тарихи учун материаллар. - Т.: 1935.

#### ***7. Интернет сайтлари***

1. Ziyonet – Ўзбекистон таълим портали
2. <http://www.uzbekteatr.skm.uz> – “Ўзбектеатр” ИИЧБ сайти
3. <http://www.teatr.uz> – Ўзбек Миллий Академик драма театри сайти
4. <http://www.teatr.ru> – Россия Федерациясининг “Театр афишаси” журнали сайти
5. <http://www.teatr-estrada.ru> – Москва давлат эстрада театри сайти